

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**И. САИФНАЗАРОВ, А. МУХТАРОВ,  
А. БОБОЕВ**

**ИЛМИЙ ТАДЌИҚОТ  
МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Ўқув-услубий қўлланма

ТОШКЕНТ

УСТАД  
С-21

n-16


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

И. САИФНАЗАРОВ, А. МУХТАРОВ,  
А. БОБОЕВ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўкув-услубий қўлланма



ТОШКЕНТ - 2014

**Саиназаров И., Мухтаров А., Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси.  
Ўқув-услубий кўлланма. –Т.: ТДИУ, 2014. – 132 б.**

Мазкур ўқув-услубий кўлланмада «Илмий тадқиқот методологияси» курсининг асосий мавзулари содда ва тушунарли тилда баён килинган. Фалсафий методологик ёндашув тамойиллари, методларининг моҳияти ҳозирги давр фанлари ютуклари асосида очиб берилган.

Ўқув-услубий кўлланмада фалсафий ёндашув ва методларнинг илмий билишдаги роли катор табиий-илмий билимлар, хусусан иқтисодий билимлар ривожи мисолида кўрсатилади. Кўлланма барча олий ўқув юртлари талабалари ва магистрантларига мўлжалланган, шунингдек мазкур ўқув курсидан дарс берувчи ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори М. Қаҳхорова,  
фалсафа фанлари номзоди, доц. Т. Каримов**

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Илмий тадқиқот методологияси фани, предмети ва аҳамияти.....	5
Илмий тадқиқот: моҳияти ва босқичлари.....	12
Фалсафа ва фан тарихида тадқиқот муаммоларининг ишлаб чиқилиши...	20
Билимлар тизимида илмий билимнинг ўрни.....	29
Илмий билишнинг даражалари.....	46
Илмий тадқиқотда методология ва метод муаммоси.....	60
Илмий тадқиқот тизимида факт.....	70
Эксперимент – тадқиқот жараёнида далиллаш методи сифатида.....	77
Гипотеза ва унинг тадқиқот жараёнидаги ўрни.....	85
Назария илмий изланиш жараёни ва натижаси сифатида.....	95
Синергетика илмий тадқиқот методи сифатида.....	105
Илмий тадқиқот технологияси.....	114
Хулоса.....	131

## КИРИШ

Инсоният ахборот асрига қадам қўйди. Бу давр жамиятининг моҳияти бевосита ахборот, ундан тўғри фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Глобал муаммолар кескинлашаётган ҳозирги шароитда уларни ҳал қилиш мақсадида хилма-хил билимлар, ахборотлар фаол ҳаракатга келмоқда. Ҳар қайси билим шаклининг жамият ва инсоният тақдирода ўзига хос ўрни, вазифалари мавжуд. Булар орасида фан, илмий билимлар алоҳида ўрин тутади. Инсоният келажагини, келажак тараккиётини илмий билимлариз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ҳозирги шароитда турли билим шаклларининг фаоллашуви илмий билим муаммоларининг янада долзарблашувига олиб келди.

Илмий билимларнинг бошقا билим шаклларидан фарқлари, ўзига хос методлари, уларнинг моҳияти, фан ютуқларини илмий талқин қилиш зарурияти тобора зарур бўлиб бормоқда.

Илмий тадқикот билан шугууланувчи мутахассис аввало тўғри методология билан куролланishi, унинг принцип ва методларини амалиётда қўллаш малакасига эга бўлиши зарур. Бунинг учун методология, фалсафий методологиялар, уларнинг моҳияти, фалсафий, умумилмий метод ва усуllibар ҳақида зарур билимларга эга бўлиши талаб қилинади. Акс ҳолда илмий тадқикот иши самара бермаслиги, амалга оширилган ишлар тўғри талқин қилинмаслиги, тўғри баҳоланмаслиги мумкин. Ижод нима, тадқикотнинг бошқа тадқикот турларидаги тафовутлари нимада, илмий тадқикотнинг ривожланиши конуниятлари қандай, илмий билим ривожида илмий факт, илмий эксперимент, гипотеза, назария, синергетиканинг роли, келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб бу талабларга жавоб бериб бўлмайди.

Ҳозирги даврда фан ривожланишининг тезлашуви ҳам илмий тадқикот методологияси муаммоларини долзарб қилиб қўймоқда. Ҳозирги фан-техника тараккиёт талабаларига жавоб тариқасида бир томонлама, ўта чуқур ихтисослашув жарабёнида таълим тизимини узлуксиз такомиллаштириб боришни, мутахассислардан кенг ва чуқур дунёкарашга эга бўлишлари зарурлигини тақозо қиласди.

Жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон ҳам янги, замонавий жамият сари дадил одимламоқда. Бу мақсад илмий таълим сифати ва самарадорлигини хар томонлама ошириш, ёшлиарнинг тадқикотчи, етук, ўз нуктai назарига эга, фаннинг энг сўнгти ютуклари асосида иш олиб бора оладиган мутахассисларни етиштириш вазифасини қўяди. «Илмий тадқикот методологияси» курси ана шу вазифани бажаришга хизмат қиласди.

Муаллифлар «Илмий тадқикот методологияси» курсини ўқитишдаги педагогик тажрибаларни умумлаштириб, муаммоларни сода, тушунарли тилда баён этишга, тушунтиришга уриндилар, ўзбек ва чет эл олимларининг сўнгти йиллардаги илмий ишларидан фойдаландилар. «Фалсафа» фанида ўрганилган масалаларни тақорламасдан, тадқикот, илмий билим, гипотеза, назария, синергетиканинг муаммоларни фалсафий таҳлил қилдилар.


Ўқув-услубий қўлланма шу курсдан дарс берувчи ўқитувчиларга ҳам қулайлик түғдирish мақсадида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш мумкин бўлган шаклда ёзилди. Ҳар бир мавзу бўйича тестлар ва маҳсус адабиётлар рўйхати ҳавола килинди.

## 1-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ ВА АҲАМИЯТИ

1. Ижодий жараённинг жамият таракқиётидаги ўрни.
2. Илмий тадқиқот методологияси фанининг ўрганиш соҳалари.
3. Илмий тадқиқот методологияси фанининг аҳамияти.

**Таянч тумуңчалар:** жамият, ижод омиллари, илмий ижод соҳалари, илмий ижод методологияси, фалсафа, фан методологияси, иқтисодиёт фани, иқтисодиёт фани методологияси, илмий тадқиқотнинг усуллари, методлари ва ёндашувлари.

Инсон ижод қилмаса, янги нарсаларни яратмаса, жамият умуман таракқий қилмаган бўларди. Ҳатто инсоннинг шаклланиши ҳам ўз ижодининг натижасидир. Инсон ва жамият ривожида ижоднинг аҳамияти ошиб борган, шароит ва эҳтиёжга мос ҳолда такомиллашиб, мураккаблашиб келган. Жамият тарихида у бир текисда ривожланмасдан, янги ҳолатларга сакрашлар орқали ўтиб давом этган. Инсон ижодига бўлган талаб, эҳтиёж ҳам турли шароитларда ҳар хил бўлган. Уни ички ва ташки омилларга ажратиш мумкин.



Жамият бир текис ривожланадаётган, кескин ўзгаришлар якъол кўрилмаган даврда тадқиқот жараённинг боришида ички омиллар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Тарихнинг кескин нуқталарида баъзан ташки омиллар бирламчи аҳамият қасб этиб, ички омил имкониятларини фаоллаштириб юборади. XIX аср бошларида Наполеон мамлакатга олиб келинадиган шакар ўринини босадиган маҳсулот кашфиёти учун бир миллион франк мукофот берилишини зълон қилади. Шакар Европага Шарқдан келарди. Блокада йилларида шакар олиб келиш мумкин бўлмай қолган эди. Кашфиёт амалга оширилди ва дунёда биринчи марта қанд лавлагидан шакар олиш йўлга кўйилди.

Бироқ амалий тадқиқотларни озиқлантириб турувчи билимлар тизими шаклланмаса ҳаёт, сиёсатнинг кўрсатмаларини, талабларини бажариб бўлмайди. Наполеон химиклар олдига сунъий бўёклар яратиш вазифасини кўйган, катта мукофот зълон килинган эди. Бироқ муаммо аниқ, кимёвий билим даражаси юқори бўлса-да, уни ҳал қилиб бўлмади. Фақат XIX асрнинг 60-йилларидағина мoddанинг структураси ҳакида назария яратилиб, бўёқ молекулалари тузилиши таҳмин килинди ва сунъий бўёклар ишлаб чиқариш йўлга кўйилади. Бундан кўринадики, тадқиқотда ҳал қилувчи ролни ички омиллар ўйнайди, ташки омиллар эса асосан уларни фаоллаштиради ва

йўналтиради, ички омиллар ривожини тезлаштиради, бор имкониятини ишга солишга сафарбар қиласи.

Айниқса хозирги шароитда инсонижодкорлигига бўлган талаб ниҳоятда долзарб аҳамият касб этди, XX асрда бу энг таъсирчан муаммолардан бирига айланди. Ўтмиш даврларда инсоният ҳеч қачон ўз ривожланишишинг кўп йўналишларида бу қадар муаммоларга дуч келган эмас эди, уларни ҳал қилиш зарурати эса янги гояларни, оригинал фикрлайдиган кишиларни шакллантиришни талаб қилмоқда. Шунинг учун тадқиқот муаммоси файласуфларнинг, психологиярнинг, социологлар ва педагогларнинг дикқат – эътиборини тобора кўпроқ ўзига каратмоқда.

### **Ижод муаммоси долзарблашувиининг сабаблари:**

- Ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида глобал инқизорзининг кучайиб бораётганлиги;
- Табиат ресурсларининг тугаб бораётганлиги;
- Таълим даражаси юксалишига зид равишда оммавий маданиятнинг кенг таркалиб, тадқиқот имкониятларнинг сўниш хавфини вужудга келтираётганлиги (миллионлаб кишилар тайёр схема ва технологияларга айлантирилиб, кўп нусхада тарқатилаётган ўзгалар тадқиқоти маҳсулларини истеъмол килиб яшаш билан чекланишлари мумкин ).

Шундай килиб, жамият ва инсониятни ривожлантирган ҳам, ҳалокат бўсағасига олиб келган ҳам тадқиқот жараёнидир. Шу билан бирга жамият ва инсоният муаммоларини самарали ҳал қилиб, уни юксалтирувчи куч ҳам тадқиқотдир.

Шундай экан, тадқиқотнинг ўзи нима, унинг ривожланиши хусусиятлари қандай, инсон тадқиқотий салоҳияти юксалиши учун нима қилиш керак, каби саволлар туғилиши табиий. Янги фикр эски фикрларнинг йиғиндисидан иборат эмас, шундай бўлганда ҳар қандай одам янги фикрларни яратган бўларди. Бу борада фалсафа тарихида “Сукрот – Афлотун парадокси” машҳурдир.

### **Сукрот – Афлотун парадокси**

Янги фикрга келиш учун уни қандайдир йўл билан билиш керак, акс ҳолда қаёққа боришни, нимани излашни билмайсан. Лекин ҳеч ким, ўзинг ҳам билмаган нарсани қандай билиш мумкин?

Ижоднинг моҳияти, таърифлари, сирлари, турлари тўғрисида алоҳида сұхбатлашамиз. Бу ерда илмий тадқиқот методологияси фанининг предметини аниклаб оламиз.

### **Илмий тадқиқот методологияси фанининг ўрганиш соҳалари**

- Ижоднинг фалсафий моҳияти.
- Илмий тадқиқотнинг ўзига хослиги ва тузилиши.
- Илмий тадқиқотнинг принциплари, методлари ва усуллари, аҳамияти.
- Илмий тадқиқот конуниятлари.

Бу умумий тарзда таъкидлаб кўрсатилган илмий тадқиқот методологияси фанининг ўрганиш соҳаларидан кўриниб турибди, бу фан ҳар бир зиёли, тадқиқотчи учун зарур бўйлан билимларни беради, илмий тадқиқот қилишнинг принциплари, методлари, усуслари билан куроллантиради. Ўз – ўзидан аёники, тадқиқотий методологияни эга лаб олган инсонгина ўз билимлари асосида янги билимлар хосил қилиш лаёқатига эга бўлади.

Илмий тадқиқот методологияси фалсафий фаннинг таркибий қисми бўлиб, асосан ўрганувчиларда фалсафий методологияни мустаҳкамлашга қаратилган. Илмий тадқиқот методологияси билимларга, фанга ёндашувнинг умумфалсафий, умумилмий принциплари ва методларини ўргатади, бошка фанлар, жумладан иқтисодий фан методологияси билан фалсафий методологиянинг ўзаро муносабатини тушунтиради, илмий факт, эксперимент, назариялар ва бошка фалсафий методларнинг илмий тадқиқот методлари сифатида аҳамиятини кўрсатиб беради, илмий билимда фалсафанинг ўрнини аниклаб беради.

### **Илмий билишда фалсафанинг аҳамияти:**

- Дунёнинг энг умумий манзарасини беради.
- Билишнинг умумий қонуниятлари, ҳақиқат ва унга эришиш йўллари билан куроллантиради.
- Фанга йўналтирувчи умумий нормаларни беради.
- Дунёқарашлик ва қадриятли аҳамиятга эга йўналишларни кўрсатади.
- Фан назарияларини яратишга таъсир қиласи.
- Прогностик функцияни бажаради.
- Қатор ҳолатларда ҳақиқат мезони сифатида амалиётга кўшимча вазифасини ўтайди.

Фалсафанинг илмий билим жараёндаги бу хусусиятлари “Фалсафа асослари” фани орқали умумий тарзда маълум. Илмий тадқиқот методологияси ана шу базавий билимларга таяниб, асосий эътиборни илмий тадқиқотий тафаккурни шакллантиришга қаратади, бу соҳадаги билимларни чукурлаштиради, фалсафий методологияни илмий амалий фаолиятда қўллаш малакасини кучайтиради.

Илмий тадқиқот методологияси фани фалсафа асослари сингари кўпгина фанлар билан узвий боғлиқдир. Муаммо, илмий факт, эксперимент, гипотеза, назария, синергетика каби тушунчаларни илмий тадқиқот унсурлари сифатида чукур фалсафий таҳлил қилиш билан бир қаторда, тадқиқотий жараённинг психологик, педагогик ёндашувларини умумлаштириб, фалсафий хуносалар чиқаради.

Илмий тадқиқот методологияси илмий тадқиқот методларининг ўзаро муносабатини, уларнинг ўзаро таъсири ва ўрнини таҳлил қиласи. Илмий тадқиқотнинг воситалари, усуслари, уларнинг умумиллий методлар билан боғликлиги масалаларини ҳам ўргатади.

Илмий тадқиқот методологияси – ижодий ривожланиб борувчи билим соҳаси. Инсон тадқиқоти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаганидай, янги –

янги тадқиқот методлари, усуллари, воситалари пайдо бўла боради, тафаккур тарзи, принциплари ўзгаради, янгича ёндашувлар вужудга келади. Ҳозирги даврда синергетик ёндашувнинг шакланаётгани, постноклассик методологиядаги бошқа ўзгаришлар бунинг яккол исботидир. Синергетик ёндашув, дунёкараш воқеликни илмий билиш соҳасида жуда катта имкониятларга йўл очади. Лекин у ҳам чегара эмас, ҳамма муаммони ҳал қиласиган ягона методнинг ўзи йўқ. Синергетика илгарига методология ҳал қила олмаган айрим муаммоларни ҳал қилиш йўлини кўрсатиб берди. Бироқ ўз навбатида у ҳам воқеликни янада чукурроқ билиш учун бошқа ёндашувларга йўл беради.

Илмий ижод методологияси ана шу ёндашув усулларининг моҳиятини, бир-бирига муносабатини ҳам таҳлил қиласи, илмий ижоднинг энг самарали йўлларини танлашга ёрдам беради.

Илмий тадқиқот методологияси фанининг тадқиқотчи учун аҳамияти орта боради. У тингловчиларга илмий материалларни тўплаш ва ўрганиш бўйича тадқиқотий ёндашувни сингдиради, илмий билимнинг янги, замонавий усуллари, ёндашувлари ва ечимларини тадқиқотий ўзлаштиришга йўллади.

Илмий тадқиқот методологияси иқтисодчи мутахассис учун ҳам, иқтисодчи олим учун ҳам, агар у ўз соҳасида лаёқатли, етук бўлишга интилар экан, фаолияти учун муҳим билимларни беради. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фалсафанинг аҳамияти ҳакидаги мулоҳазалари ёдга тушади. Президентимиз бундай деб таъкидлаган эдилар: “Фалсафани билмайдиган одам – медицина ёки таълим, санъат ёки маданият соҳаси вакили бўладими, бундан қатъи назар, ҳаётнинг, ўз касбининг маъно-мазмунини яхши тушунмайди. Мисол учун, тарихни таҳлил қилиш учун ҳар бир воқеа ва жараёнга фалсафий қараш, уларни умумлаштирган ҳолда зарур хуросалар чиқара олиш керак. Шу боис, тарихчи бўлиш учун фалсафий тафаккур қобилиятига эга бўлиш даркор”.

Бу мулоҳазалар иқтисодиёт соҳаси мутахассисларига ҳам тўла таалуқлидир. Иқтисодиёт фани ривожи даврнинг мураккаб муаммолари, талаблари таъсирида кечмоқда. У илмий тадқиқотнинг муҳим таркибий сифатида муносаб мавқени згалламоқда. Янада ривожланиш имкониятлари ошиб бормоқда. Тез ривожланиб бораётган иқтисодиёт фани замонавий муваффақиятларини тушуниш, ўз вактида ўзлаштириб олиш, ривожланиш тенденцияларини объектив баҳолаш, ютукларини амалиётда кўллаш илмий тадқиқот методологияси фани берадиган билимларга, методологик принципларга ҳам боғлиқдир.

Иқтисодий назария замон талабларига жавоб сифатида доимо ўзгариб турар экан, бу йўлда узлуксиз инкиroz ҳолатига тушиб қолиш ҳавфи ҳам бор. Бундай ҳолатда иқтисодчи олимларга фалсафий методология, илмий тадқиқот методологияси таянч бўлади. Ўсиб бораётган турли-туман ёндашувлар, концепциялар шароитида иқтисодчи олим тўғри йўл танлаш учун фалсафий дунёкарашга таяниши табиий. Фалсафа иқтисодчининг позициясини мустаҳкамлайди, турли стихияли кучлар таъсирига берилишига йўл кўймайди. Фалсафа, жумладан илмий тадқиқот методологияси ҳар доим назарияга эътибор

беришни уқтиради, чунки ҳар қандай фикр албатта назарий шаклга эга бўлади. Илмий тадқиқот методологияси энг юкори ривожланган назариядан фойдаланишга интилиш зарурлигини исботлайди. Ўз рақобатчиларидан афзал назария кўпроқ самара беради, тўғри йўлга бошлайди. Шу билан бирга плюрализмга интилиш зарур. Назарияларга, концепцияларга танқидий ёндашганда унинг афзалликларини, камчиликларини, муаммоларини аниқ ажратиб олиш мумкин. Фалсафий ва иктисадий қарашларни бирликда олиб қараш керак. Шу эслатилганиларнинг ўзиёқ, илмий тадқиқот методологияси фанининг зиёлилар учун нақадар зарурлигини кўрсатиб турибди.

Мазкур фанни ўрганишда қуйидаги асосий адабиётларни тавсия киласиз.

### **АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий–иктисодий инқизори ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўлларн. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Бартенов С.А. История и философия экономический науки. Пособие к кандидатскому экзамену. -М.: Магистр, 2008.
7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Маколалар тўплами. -Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа тадқиқот уйи, 2008.
8. Дунёвийлик фалсафаси (маколалар тўплами). - Т.: ТДИУ, 2007.
9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М., 2006.
10. Канке В.А. Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-Л, 2008.
11. Канке В.А. Философия экономической науки: Учебное пособие. -М.: Инфра-М, 2007.
12. Кохановский В.П. Философия и методология науки. Учебник. -М.: Ростов-на – Дону, 1999.
13. Лешкевич Т.Г. Философия науки: Традиции и новации. Учебное пособие для вузов. -М.: Экспресс – бюро, 2001.
14. Новейший философский словарь. Минск, 1999.
15. Перегудов ва б. Илмий тадқиқот методологияси. -Т.: Молия, 2002.
16. Саифназаров И., Қосимов Б., Никитченко Г. Илмий тадқиқот методологияси. -Т., 2004.
17. Саифназаров И., Қосимов Б., Мухторов А. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., 2007.
18. Самсин А.И Основы философии экономики: Учебное пособие. -М.: ЮНИТИ, 2003.
19. Степин В.С Философия науки. Общие проблемы. -М.: Гардарики, 2006.

20. Каримов Т. Миллий тафаккур таракқиётидан. -Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа тадқиқот уйи, 2003.
21. Тохир Каримов. Шарқ ал-Тайр юлдузлари. -Т.: Чўлпон номидаги нашриёт матбаа тадқиқот уйи, 2005.
22. Философия и методология науки: Учебное пособие. /Под. ред. В.И. Купцова. -М.: Аспектпресс, 1996.
23. Фокина И. Современная западная философия (вторая половина XIX века и XX век): Учебное пособие. -М.: Проспект, 2008.
24. Шермухамедова Н. Билиш фалсафаси. -Т., 2005.
25. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. -Т.: Университет, 2008.

Бу адабиётлар деярли барча мавзуларда фойдаланиш мумкин бўлган асарлар, дарслеклар, ўкув қўлланмалар ва рисолалардир. Биз алоҳида мавзуларни баён қылганда бу рўйхатга кўшимча равишда алоҳида мавзуларга оид адабиётларни, илмий мақолаларни, ўкув-услубий қўлланмаларни ҳам тавсия қиласиз.

### **ТЕСТЛАР**

- 1. Инсон тадқиқотининг бир текисда кечмаганига сабаб нимада?**
  - а) тадқиқотта жамият гамхўрлигининг турличалиги;
  - б) тадқиқот олимларининг бир текисда туғилмаслиги;
  - в) тафаккурнинг сакрашлар орқали амалга ошиши;
  - г) иқтисодий ҳаётнинг турличалиги;
  - д) сиёsatнинг ўзгариб туриши.
- 2. Ҳозирда Ньютон, Эйнштейн каби машҳур олимлар нега йўқ?**
  - а) дунёкараш аҳамиятига эга фундаментал конунлар кашф этиб бўлинди;
  - б) илгари бир олим ҳамма билимларни ўзлаштира олган;
  - в) олимлар ва қашфиётлар жуда кўп;
  - г) ҳозирги олимлар кўпинча жамоавий тадқиқот қиласи ва машҳурлар кўп;
  - д) в ва г жавоблар тўғри.
- 3. Фалсафанинг тадқиқотга алоқаси қандай?**
  - а) фалсафа илмий тадқиқот билан боғлик;
  - б) фалсафа тадқиқотни тушунтиради ва баҳолайди;
  - в) фалсафа – тадқиқотнинг бир шакли;
  - г) ҳар қандай тадқиқот маълум ёндашув асосида амалга ошади. Бу – фалсафий принцип;
  - д) ҳамма жавоблар тўғри.
- 4. Илмий тадқиқот методологияси фанининг ўрганиш соҳаларидан қайси бири энг муҳим?**
  - а) тадқиқотнинг моҳияти;
  - б) илмий билишнинг ўзига хослиги;
  - в) илмий билимнинг структураси;

- г) илмий билишнинг ривожланишини ўрганиш;
- д) илмий тадқиқотнинг принциплари, методлари ва усуллари.

**5. Илмий тадқиқот методологияси сиз учун зарурлигини кўрсатинг.**

- а) ўз соҳасини чукур тушунишга ёрдамлашади;
- б) илмий тадқиқотнинг энг ишончли йўлларини танлаш учун керак;
- в) умумий дунёкарашни кенгайтиради;
- г) тадқиқотий фаолиятга ундейди;
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

## 2-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ: МОҲИЯТИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

1. Ижод шакллари ва методларининг турли – туманлиги.
2. Илмий тадқиқот ва унинг босқичлари.

**Таянч тушунчалар:** Ижод, тадқиқот даражалари, тадқиқотнинг асосий шакллари, яратувчанлик, яратувчанлик мезонлари, илмий тадқиқот босқичлари.

“Ижод” ва “тадқиқот” тушунчалари ўзаро боғлиқ, аммо айнан бир мазмундаги тушунчалар эмас. “Ижод” тушунчаси бир мунча кенгрок бўлиб, илмдан ташкаридаги ҳаёт, санъат, бадиий адабиёт каби соҳалардаги фаолиятини ифодалайди. “Тадқиқот” тушунчаси эса ..... тизимли, таҳминий тафаккурга асосланган фаолият билан боғлиқдир. Тадқиқот “Ижод” тушунчасининг бир кисми бўлганлиги учун биз ўз ўрнида ижод тушунчасини кўллаймиз.

Ижод борлиқнинг барча даражаларига хос бўлган яратилишнинг олий шаклидир. Ижод мавжуд нарсалар тизимини сифат жиҳатидан янгилаш орқали ўз-ўзини сақлашга ва тақрор ишлаб чикаришга имкон беради. Шунга асосланиб тадқиқотнинг 3 даражасини қайд қилиш мумкин.



Жонсиз табиатда тадқиқот – нарсалар структурасининг ўзгариши ва янгиланиши, хаосдан тартибга ўтиш жараёни, бунда у оламнинг аксилендропик потенциали маъносида талқин килинади.

Тирик организмларда тадқиқот уларнинг атроф – муҳит ўзгаришларига мослаши шаклида майдонга чиқади. Бу ҳайвонот оламида ҳатти-ҳаракат намуналарини сифат жиҳатдан мослашиб, ўзгартириб бориш даражасини ҳам ўз ичига олади. Инсоний тадқиқот табиатнинг такомиллашуви жараёнинга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади, у кўп миқдордаги вариантлардан бири, шунингдек бу жараён билан боғлиқ тақиқд орқали табиий танланани билан белгиланади ва инсоннинг онгли фаолияти билан амалга ошади. Биз асосан инсоний тадқиқотнинг моҳияти ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Юқоридаги баёндан кўриниб турибдики, инсон тадқиқоти тадқиқотнинг олий шаклидир. Шу нуктаи назардан тадқиқот нима? Адабиётларда тадқиқот тушунчасининг турли талқинлари учрайди. Америкалик олим М. Хилл фикрича, тадқиқот номаъумлиликдан ташкарига муваффақиятли парвоздир. Рус олими Р. Матейко тадқиқотий жараённи тартибини янги комбинациялар асосида қайта ташкил қилишда кўради. Я.А. Пономарёв тадқиқотни «ривожланишга олиб борадиган ўзаро таъсир»да кўради. Инглиз тадқиқотчиси

**М.Генле табиат билан қай бир жиҳатдан гармоник уйгунилукни ифодаловчи янги холатни тадқиқот деб баҳолайди.**

Умумлаштириб таъриф берсак, тадқиқот бу сифат жиҳатидан янги мөддий ва маңнавий қадриятлар яратадиган ёки субъектив янгини яратиш натижаси бўлган фаолият жараёнидир. Ижодни оддий ишлаб чиқаришдан фарқловчи асосий мезон унинг натижаси ноёблигидир. Ижод натижасини бошлангич шароитдан тўғридан-тўғри келтириб чиқариш мумкин эмас. Ижодкор муаллифдан бошқа ҳеч ким, эҳтимол, айнан бир хил бошлангич вазиятни яратсак ҳам, худди шундай, бир хил аник натижага келмайди. Ижод жараёнида муаллиф материалга меҳнат операцияларига, ёки имкониятнинг мантикий хуносаларига сигишишмайдиган нималаридир кўшади, ўз шахсининг қайсиидир жиҳатларини ифодалайди. Айнан шу факт тадқиқот маҳсулларига ишлаб чиқариш маҳсулотларига нисбатан кўшимча қадрият баҳш этади.

Шундай қилиб, тадқиқот илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган қандайдир янги сифат яратадиган фаолиятдир. Ижод – факат шу инсон учун эмас, бошқалар учун ҳам қадрли бўлган, қандайдир янги нарсани яратищдир. Ижод – вазифаси маълум усуллар, воситалар билан ечишдан ташкарига чиқишини тақозо қиласидиган олий шаклдаги тафаккурдир. У тафаккур жараёнида фантазия, тасаввур сифатида намоён бўлади. Фаолият мақсади ва усулининг таркибий кисми сифатида уни (фаолиятни) устакорлик ва ташаббускорликнинг зарур шароитига кўтаради. Онгда, тадқиқотнинг олий кўринишида юксаклик, ёркинлик устун бўлади, шахсда фаолият эҳтиёжини шакллантиради, фаолиятга эса мутлақо янги мақсадларга эришиш мақсадини беради. Кўпчилик психологларнинг таъкидлашича, тадқиқот интуиция ва онг ости жараёnlари билан боғлиқ.

Шуни айтиш керакки, инсоний тадқиқотнинг даражалари ҳар хил бўлиши мумкин. Бу даражалар вазият ва яратилган нарса қай даражадалиги билан белгиланади. Тайёр материалдан янги комбинация орқали кутилган сифатга эришиши мумкин. Ёки объектив шароитта ҳам, яратиш усулларига ҳам тубдан бошқа кўз билан қараб, янгилик қашф қилиш мумкин. Биз буни оддий тадқиқот эмас, яратувчанлик (креативность) деб атасак, у тадқиқотнинг олий даражаси сифатида қаралиши мумкин. Яратувчанлик индивиднинг шундай тадқиқотли лаёқатини, у анъанавий ва қабул қилинган тафаккур схемаларидан тубдан фарқ қилиб, бутунлай янги гояларни яратишга тайёрлиги билан характерланади, талантлилик тизимиға мустақил омил сифатида киради, у статик тизимлар ичиди пайдо бўладиган муаммоларни ҳам ҳал қилишга қодир бўлади. Америкалик психолог олим Абраҳам Маслоу яратувчанликни ҳаммага туғма хос хусусият бўлган тадқиқотга йўналганлик деб хисоблайди, аммо мухит таъсирида бу хусусият кўпчиликда йўқолиб кетади.

Оддий турмуш даражасида яратувчанлик топқирилик сифатида намоён бўлади. Топқирилик – имконсиз бўлиб туолган вазиятларда масалани ҳал қилишнинг йўлини топиш, мақсадга эришиш лаёқатидир. Кенгроқ маънода – ихтинослашмаган асбоблар ва ресурслар ёрдамида одатий бўлмаган ўткир акл билан масалани ҳал қилишдир.

Яратувчанлик муаммоларга юқори даражада сезгирилкни, билимлар етарли эмаслиги ва зиддиятлиларини англаб, буларни аниқлаш учун интилиш оркали амалга ошиди.

Фанда яратувчанликнинг мезонлари турли олимлар томонидан турлича кўрсатилади. Биз шулардан иккитасини келтирамиз.

### Яратувчанлик мезонлари (кенг тарқалган қараш)

- Тезкорлик – маълум вақт бирлигига пайдо бўладиган гоялар миқдори.
- Оригиниаллик – ноодатий, кутилмаган, умумътироф этилган қарашлардан фарқ қиласиган гоялар ишлаб чиқишга лаёкат.
- Муаммога мослашиш лаёкати.
- Қабуллаш – ноодатий деталларни, зиддиятларни ва номаълумлик ҳолатларини ҳис килиш, бир гоядан иккинчисига тез ўтишга тайёрлик.
- Метафориклик – мутлако ўзгача контекстда ишлашга тайёрлик, символик, ассоциатив тафаккурга мойиллик, оддий нарсаларда мураккабни, мураккаб нарсаларда эса оддийликни кўришга лаёкат.
- Қаноатланиш – яратувчанлик намоён бўлишининг натижаси. Салбий натижалар бўлганда қаноатланиш ва хиссиётнинг кейинги ривожланиши ўз мазмунини йўқотади.

### Яратувчанлик мезонлари (Торренс бўйича)

- Тезкорлик – кўп миқдордаги гояларни яратиш лаёкати.
- Вазиятта мос ҳаракат – муаммони ҳал қилиш жараённада турли-туман стратегияларни қўллаш лаёкати.
- Оригиниаллик – кутилмаган, ностандарт гояларни яратишга лаёкат.
- Ишлаб чиқиши даражаси – пайдо бўлган гояларни тўла, охиригача, майда – чўйдаларигача ишлаб чиқиш лаёкати.
- Орқага тортишларга қаршилик – стереотипларга эргашмаслик лаёкати, муаммони ҳал қилиш учун олинадиган турли-туман ахборотлар учун узоқ вақт “очик бўлиб” қолиш.
- Номланишнинг мавхумлиги – ҳақиқатда муҳим бўлган муаммонинг моҳиятини тушуниш. Бу жараён образли ахборотдан тушунчали шаклга ўтиш лаёкатини билдиради. Яратувчанликнинг келиб чиқиши ҳакида турли-туман гипотезалар мавжуд. Биз бу ерда иккитасини келтирамиз.

### Яратувчанликнинг пайдо бўлиши ҳақида гипотезалар

1 – гипотеза	Инсонда тадқиқотта лаёкат аста-секин, узоқ вақт давомиде пайдо бўлган, ҳамда инсониятнинг маданий ва демографик ўзгаришларининг, жумладан, аҳоли миқдори ўсишининг оқибатидир. Бу ўзгаришлар натижасида популациядаги энг аклии ва талантли вакиллар лаёкатлари қўшилган, бу хусусиятлар кейинги авлодларда мустаҳкамланаб борган
2 – гипотеза	Бу гипотезани дастлаб Ричард Клейн олга сурған. Унга кўра, инсонда яратувчанликнинг пайдо бўлиши сакрассимон характер касб этган. У бундан 50 минг йил иллари тўсатдан амалга ошиган генетик мутация оқибатида пайдо бўлган

Бу гипотезалар тадқиқотчиликнинг, яратувчанликнинг пайдо бўлиши механизмларини очиб беришга йўналган. Қандай тарзда шакилланганлигидан қатъи назар, инсонга хос яратувчанлик, тадқиқотчилик инсон мънавиятининг, ақл фаолиятининг натижаси бўлиб, инсоннинг бошқа мавжудотлардан тафовутини кўрсатади.

Тарбия, таълим, маданий ривожланиш ўз-ўзидан инсонни тадқиқотчига айлантиргайди. Бунинг учун ўзига хос рух, муҳаббат, инициалистик ҳолатлар зарур. Тафаккурнинг догматиклiği дунёкарашнинг торлиги ва нохолислик ижодий фаолиятга зид хусусиятлардир. Ижод инсон учун буюк лаззатdir. Зотан, “энг буюк лаззат руҳий лаззатdir” (Ибн Сино).



Инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида тадқиқот қиласди. Ижодкорлик намоён бўлишининг турли-туманлигини турли асосларига кўра туркумлаш мумкин. Ижоднинг турли кўринишлари мавжуд:

- Ишлаб чиқариш – техникавий
- Ихтирочилик
- Илмий
- Сиёсий
- Ташкилотчилик
- Фалсафий
- Бадиий
- Мифологик
- Диний

Кундалик тадқиқот турлари ва ҳоказо. Бошқача айтганда, тадқиқотнинг кўринишлари инсон амалий ва мънавий фаолиятининг кўринишларига мос келади. Биз тадқиқотнинг энг характерли умумий шаклларини ажратиб таҳлил қиласмиш.



Бадиий ижод образлар воситасида иш кўради. Вокеликни бадиий акс эттириб, ўзига хос кирраларини намоён этади, у ҳақда қандайдир хис-туйғу, тасаввур, фикр уйғотади. Бадиий тадқиқотнинг ўзига хос усуллари, воситалари, принциплари мавжуд.

Техникавий ижод тадқиқотнинг ўзига хос шакли бўлиб, унинг моҳиятини мустақил фан сифатида шакилланган “Техника фалсафаси” ўрганади. Техникавий ижод тажрибавий ва назарий ижодларни ўзаро боғловчи ижод

бўлиб, бевосита ишлаб чиқаришга ва конструкция қилишга йўналган. Техникавий тадқиқотнинг обьекти илмий билиш обьектларидан фарқ қилиб, сунъий табиатга эга. Унинг натижаси ҳам, баҳоланиши ҳам табиий – илмий назариялардан фарқ қиласди. Табиий-илмий назариялардан имкон борича умумий, эмпирик жиҳатдан яхши тасдиқланган, фойдаланишида оддий ва самарали бўлиш талаб қилинса, техникавий тадқиқот намуналаридан осон хизмат ва назорат қилиш, тайёрлаш ва фойдаланиш (истеъмол қилиш), иқтисодий жиҳатдан тежамли бўлиши тақозо қилинади. Фан маҳсулотларидан фарқ қилиб, техникавий тадқиқот намуналари жамият ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Илмий ижод – илмий билимларнинг ривожланиши, янги илмий билимни яратиш, илмий билимларни янги илмий қонун ва қонуниятлар, янги илмий принциплар ва назариялар билан бойитувчи инсоннинг яратувчилик фаолиятидир. Илмий тадқиқотнинг натижаси эришилган илмий билимдир.

Илмий ижод фалсафий, бадиий, диний ва бошқа тадқиқот шакллари билан ўзаро таъсирида ривожланади. Уларнинг барчасига тегишли тадқиқотнинг умумий қонуниятлари мавжуд. Шу билан бирга ўз-зидан аёнки, илмий тадқиқот қатор специфик хусусиятларга эга. Аввало илмий фаолият дунёни предметли – обьектли тадқиқ қилишга йўналган бўлади. Иккинчидан, оммавий амалиётдан ташқарига чикувчи обьектларни ўрганади. Бу икки хусусиятдан илмий фаолиятнинг бошқа барча ўзига хос хусусиятлари: тадқиқот воситалари, методлари, натижалари келиб чиқади.

Илмий билишни (тадқиқотни) кундалик ҳаёт даражасидаги билиш билан таққослаб кўрайлик. Кундалик ҳаёт даражасидаги билишда билиш воситаси сифатида табиий тил ва кундалик ҳаёт тажрибасида кўлланиладиган воситалар, куроллар етарли бўлади. Илмий фаолиятда ҳам бу воситалар кисман кўлланилади. Лекин булар илмий тадқиқот учун етарли эмас. Илмий фаолият ўз обьектларини тадқиқ қилишга имкон берадиган ўзига хос амалиётни шакллантиради. Бу – илмий эксперимент. Унда кўлланиладиган куроллар ва эксперимент йўналиши обьектларни тажрибавий ўрганишнинг ўзига хос воситалари сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга ихтисослашган назарий тил тизими шаклланади ва узлуксиз ривожланади.

Биз илмий билим, унинг ўзига хослиги, таркиби, даражалари, тўғрисида кейинрок батафсил тўхтalamиз. Бу ерда тадқиқот жараёнининг босқичлари тўғрисида мулоҳазалар юритамиз.

Кўпинча олимлар ижод, қашфиёт қиладилару, уни амалга ошириш жараёни, босқичлари ҳақида бош қайғурмайдилар яъни унугиб юборадилар. Бироқ ижод жараёни қандай кечганини, қандай босқичларни босиб ўтганлигини тасвирлаб берган мутафаккирлар ҳам бўлганди.

Шундай қилиб, ижод илгари мавжуд бўлмаган сифат ҳолатини яратишидир. Бунда таназзулга эмас, тараққиётта йўналган сифат назарда тутилади. Илмий ижод инсоний ижоднинг муҳим, юқори шакли бўлиб, жамият тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнаган, ижоднинг бошқа шаклларига бевосита ва билвосита таъсир қилган.

Илмий ижод жараёни мураккаб бўлиб, қатор босқичлардан ташкил топган. Фанда кутилмаган, тўсатдан қилинган қашфиётлар ҳам қилинган бўлсада, улар ҳам ўзига шароит ва босқичларга эга бўлиб, маълум кишиларгагина, яъни анча фаолиятини ижодга йўналтирилган кишиларга насиб этади.

А. Пуанкарье 1908 йилда Парижда Психологик жамиятда доклад килиб, ўзининг математикага оид бир қанча қашфиётлари қандай содир бўлганини ва бу тадқиқотий жараённинг босқичларини тушунтириб берди.

#### Ижод жараённинг босқичлари (А. Пуанкарьега кўра):

- Дастлаб муаммо қўйилади ва бир мунча вақт давомида уни ҳал қилишга уринилади.
- Кейин кўп ёки оз давом этадиган даврда ҳал қилинмаган муаммо ҳақида бош қотирilmайди, ундан узоқлашилади.
- Шундай вазият келадики, тўсатдан, муаммога ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тасодифий вазиятда онгда ечимнинг калити шаклланади.
- Ечим учун калит мавжуд бўлгач, муаммо ҳал қилинади, тажрибадан ўтказилади ва ривожлантирилади.

А. Пуанкарье биринчи босқич тўғрисида гапириб, икки ҳафта муаммони ҳал қилишга урининганини ва ҳеч қандай натижага эришмаганини айтади. Ундан кейин бу масала ҳақида бош қотирмай кўйган. Бу вақтда, Пуанкарье фикрича, масала устида онгсизлик даражада иш кетган. У бундан кейинги босқични шундай тасвирлайди: “Бир куни кечқурун, ўз одатимга зид равишда қора кофе ичдим; ухлай олмадим; гоялар тикилиб кела бошлади, улардан иккитаси барқарор комбинация хосил қилгунча улар бир бирлари билан қандай тўқнашганилигини хис килдим”. А.Пуанкарье ниҳоят эрталаб масаланинг ечимини қайд қилган ва бир неча соатда натижаларини ёзиб қўйган.

XIX асрдаёт Герман Гельмгольц ҳам илмий қашфиётларини қилиш жараёнини шунга ўхшаш тасвирлаб берган. Унинг ёзишича, илмий гоялар мияга тўсатдан, жимгина кириб келади, дарҳол уларнинг аҳамиятини ҳам билмайсан. Г. Гельмъгольцнинг тажрибасига кўра, чарчаган мияда янги гоялар ҳеч қаҷон пайдо бўлмайди, ёзув столи устида ҳам ҳеч қаҷон вужудга келмайди. Масала тугилганда уни яхшилаб ўйлаб, бошга сингдириб олиши керак. Бу – давомли, мураккаб жараён. Шундан кейин чарчоқ ўтиб кетиши талаб қилинади. Олим дам олиб, яхши кайфиятда бўлгандагина яхши гоялар тугилади. Янги гоялар тоқقا кўтарилиганда, күёшли кунларда тез-тез келади. Озгина микдордаги спиртли ичимлик ҳам янги гоялардан узоқлаштиради.

Инглиз олими Грэм Уоллес 1926 йилда тадқиқотий тафаккурнинг тўрт босқичини ажратади.

#### Ижодий тафаккурнинг босқичлари:

1. Тайёргарлик босқичи – масалани шакллантириш, уни ечишга уриниш.
2. Инкубация – масаладан вақтингча узоқлашиш.
3. Ойдинлашув – интуитив ечимнинг пайдо бўлиши.
4. Тасдиклаш – ечимни текшириш ёки амалга ошириш.

## ТЕСТЛАР

### 1. Ижод нима?

- а) ўзгаришлар жараёни;
- б) ривожланиш жараёни;
- в) янги сифат ҳолатини яратиш;
- г) фаолият натижаси;
- д) инсон фаолияти натижаси.

### 2. Жамиятга, ишлаб чиқаришга бевосита таъсир қилувчи тадқиқот шакли

- а) бадний тадқиқот;
- б) фалсафий тадқиқот;
- в) диний тадқиқот;
- г) илмий тадқиқот;
- д) техникавий тадқиқот.

### 3. “Эврика” тушуучасининг мазмунини тушунтириң

- а) “Топдим!” деган маънони билдиради;
- б) масала ечимидан хурсандлик;
- в) масала ечими натижаси;
- г) ечим йўли номаълум ҳолда ҳал килинадиган масаланинг финали;
- д) ҳаммаси тўғри.

### 4. Қайси тадқиқот шакли тадқиқотчи олдига кўпроқ талаблар қўяди?

- а) кундалик ҳаётдаги тадқиқот;
- б) диний тадқиқот;
- в) бадний тадқиқот;
- г) техникавий тадқиқот;
- д) илмий тадқиқот.

### 5. Ижодий тафаккурнинг инкубаций боскичи зарурлиги қайси қаторда тўгри тушунтирилган:

- а) миянинг дам олиб, фикрнинг тиниқлаши учун зарур;
- б) масаланинг аҳамиятини тушуниб олиш учун зарур;
- в) вақт ўтиши масалани ҳар томонлама ўйлашга, бошқа маънавий омиллардан фойдаланишга имкон яратади;
- г) бу боскич фақат илмий тадқиқот учун зарур;
- д) а ва б жавоблар тўғри.

### 6. Ижодий тафаккурга ҳалакият берадиган омиллар қайси қаторда тўғри кўрсатилган:

- а) ёт қарашларни нотанқидий қабул қилиш;
- б) ташки ва ички назорат;
- в) ечимнинг шаблонини бериш;
- г) тез жавоб топишга уриниш истаги;
- д) ҳаммаси тўғри.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқизори ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
  5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
  6. Саифназаров И., Қосимов Б., Никитченко Г. Илмий ижод методологияси. –Т., 2004.
  7. Шермухамедова Н. Билиш фалсафаси. –Т., 2005.
  8. Золотухин В.Е. История и философия науки. Для аспирантов и соискателей. М-Ростов-на-Дону. Изд.центр “Март”, 2006.
  9. Мамчур Е.А Фундамитальная наука и современные технологии. /Вопросы философии, 2011, №3
10. Креативность/[attachment:/133/.htm](#)
11. Критическое\_мышление [attachment:/173/.htm](#)
12. Творческое мышление: истоки, этапы, критерии оценки. Диагностика креативности. <http://ru.wikipedia.org/>

### **3 –мавзу. ФАЛСАФА ВА ФАН ТАРИХИДА ТАДҚИҚОТ МУАММОЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ**

- 1. Фалсафа ва фанда тадқиқот муаммоси.**
- 2. Ўрга аср мутафаккирларининг илмий тадқиқотга қўшган диссалари.**

**Таянч тушунчалар:** Антик фалсафа, илмий назарий тафаккур, уйгониш даври фалсафаси, иродавий интилиш, инсон тадқиқотчилиги, эмпирик фалсафа, немис классик фалсафаси, Ўрга аср Марказий Осиё мутафаккирлари, хаёт фалсафаси.

Антик фалсафада тадқиқот чексиз ва одатий борлик билан эмас, чекланган, ўзгарувчан, ўткинчи борлик соҳаси билан боғланган. Абадий борлик соҳасини англаш ҳар қандай, шу жумладан тадқиқотий фаолиятдан ҳам юкори қўйилади. Бадиий тадқиқотни тушунишда, кейинчалик, айникса Платондан бошлаб Эрос ҳакидаги таълимот инсон томонидан дунёни олий (“онгли”) эгаллашга интилиш сифатида ривожлантирилди. Ижод ана шу интилишининг ҳолати сифатида майдонга чиқади.

Милет мактаби мутафаккирлари – Фалес, Анаксимандр, Анаксимен – Европа илмий-назарий ва фалсафий тафаккурини бошлаб бердилар. Улар илмий тадқиқот соҳасида қатор кашфиётлар қилдилар. Масалан, Фалес ҳар қандай предметнинг баландлигини ўлчашнинг умумий усулини топди. Эр.ав. 587 йилнинг 28 майида қуёш тутилишини олдиндан айтди, ой нурининг табиатини биринчи бўлиб тушунтириди, ернинг қатор ҳодисаларини тадқиқ қилди. Унга магнетизм ҳодисаси ҳам маълум эди. У табиат ҳодисаларини назарий жиҳатдан асослаб бериб, назарий фанга асос солди. Унинг шогирди Анаксимандр геометриянинг ўзигача маълум бўлган қоидаларини тизимга солди, космогонияда дунёнинг келиб чиқишини табиий-илмий жиҳатдан тушунтириди, чексиз дунёлар мавжудлигини биринчи бўлиб айтди, астрономияда муҳим кашфиётлар қилди, биринчи бўлиб осмон сферасининг моделини яратди, биринчи бўлиб ер харитасини тузди. Яна бир милетлик мутафаккир Анаксимен табиий-илмий соҳада қатор кашфиётлар қилиб, илмий тадқиқот намуналарини кўрсатди. Жумладан, астрономия соҳасида у биринчи бўлиб ҳаракатсиз юлдузлар ва сайёralар ўртасидаги фарқни аниклади, осмон жисмлари жойлашуви тартибини Анаксимандрга нисбатан тўғри кўрсатиб берди (Ерга энг якини – ой, кейин қуёш, сўнг сайёralар ва ниҳоят ҳаракатдаги юлдузлар). Метеорологияда Анаксимен қор, дўл, чакмок, ёмғир ва бошқа табиат ҳодисаларини табиий-илмий нуқтаи назардан тушунтириди.

Пифагор мактаби ишлари илмий тадқиқот тарихида муҳим ўрин тутади. Пифагор қарашлари назарий математиканинг шаклланиши учун муҳим шароит яратди. Антик даврда кўпгина математик билимлар табиат объектлари ва жараёнларини тушунтиришда кўлланди. Сайёralар ҳолатини ҳисоблаб чиқиш, қуёш ва ой тутилишини олдиндан айтиши, Ер, ой, қуёшнинг ҳажмини ва улар ўртасидаги масофани ҳисоблашга уриниш, гелиоцентрик (Аристарх Самосский гояси) тасаввурлар, геоцентрик система яратилди.

Антик даврда физик жараёнларни изоҳлашда ҳам математикани қўллаш соҳасида муҳим қадамлар қўйилди. Архимед, Евклид, Герон, Птолемей илмий тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Аммо антик давр назарий табиатшуносликни шакллантира олмади, назарий қоидалар экспериментал тадқиқотлар билан боғланмади.

Ўрта аср фалсафасида тадқиқот жараёнига қарашлар худони дунёни эркин яратадиган шахс сифатида тушуниш билан боғлик. Бунда тадқиқот йўқликдан борлиқни келтириб чиқарувчи иродавий интилиш сифатида намоён бўлади. Августин инсон шахсида ҳам ироданинг аҳамиятини таъкидлайди: айнан тарих дунё ҳақида илоҳий фикрнинг амалга оширилишида инсон иштирок этадиган соҳа деб қаралади. Шундай қилиб, акл эмас, иромда ва зътиқодга иродавий интилиш инсонни худо билан боғлайди, шахс қарашлари аҳамият қасб этади, индивидуал қарор худо томонидан дунёни яратища иштирок этиш шакли сифатида майдонга чиқади: бу тадқиқот жараёнини ноёб ва тақорорланмас ҳолат сифатида тушуниш учун шароит яратади. Шунга кўра тадқиқот соҳаси асосан тарихий, ахлоқий-диний соҳаларни қамраб олади, бадиий ва илмий тадқиқотта аксинча, қандайдир иккинчи даражали ҳодиса сифатида қаралади.

Уйгониш даврида инсоннинг чексиз тадқиқотий имкониятлари ҳақидаги фикрлар кенг тарқалди. Бу даврда тадқиқот асосан бадиий тадқиқот сифатида англнади. Ижодий мушоҳада бадиий тадқиқотнинг моҳияти сифатида қаралади. Ижодий билимнинг ташувчиси сифатида генийга сигиниш, тадқиқотий фаолият актига ва тадқиқотчи шахсга қизиқиш пайдо бўлади. Астасекинлик билан тарихга инсон тадқиқотининг соҳа маҳсулли сифатида қараш қарор топа бошлайди. Масалан, итальян файласуфи Ж. Вико инсонга тилнинг, ахлоқнинг, урф-одатнинг, санъат ва фалсафанинг яратувчиси, тадқиқотчи сифатида, яъни моҳиятган айтганда, тарихнинг тадқиқотчи сифатида қарайди.

Уйгониш даврида Леонардо да Винчи механика, физика, гидравлика ва бошқа соҳаларда, Николай Коперник астрономия соҳасида (Куёш системаси тузилишининг гелиоцентрик назариси), Иоган Кеплер астрономия, космология, осмон механикаси соҳаларида гениал табиий – илмий тадқиқотнинг буюк намуналарини бердилар.

XVI - XVII асрларда илмий тадқиқот янада юқори босқичга кўтарилиди. Г. Галилей, И. Ньютон, Р. Гук, Л. Эйлер ва бошқа олимлар тадқиқоти натижасида тажрибада кўп марта тасдиқланган классик механикага асос солинди.

Янги даврнинг гениал файласуфлари Ф. Бекон, Т. Гоббс, Ж. Локк, Д. Юм тадқиқотга инсон томонидан янги механизмлар, машиналар, ускуналар яратадиган ихтиро деб қарадилар.

Буюк файласуфлар бўлмиш Ф. Бекон, Р. Декарт, Б. Спиноза инсон тадқиқотига юқори баҳо бердилар. Унинг мақсади табиат устидан инсон Ҳукмронлигини таъминлаш ва инсоннинг ўзини такомиллаштириш, деб хисобладилар, илмий билим методларини ишлаб чиқдилар. Инсон эркинлиги тадқиқотнинг зарур шароити деб билдилар.

Инглиз эмпирик фалсафаси тадқиқотни асосан тасодифий, аммо мұваффакиятли амалға ошган мавжуд элементларнинг комбинацияси сифатида талқин килади. Ижодға ихтирочиликка яқин бўлган ҳодиса сифатида қаралади.

Ижоднинг тугал концепцияси XVIII асрда И. Кант томонидан яратилди. У тадқиқотий фаолиятни тасаввурнинг самарали лаёқати ҳакидаги таълимотида маҳсус таҳлил килади. Бу таълимот хиссий таассуротларнинг турли-туманлиги ва фаҳм тушунчаларининг бирлиги ўргасида боғловчи звено бўлиб майдонга чиқади. Чунки у бир вақтнинг ўзида тасаввурларнинг яққоллиги ва тушунчаларни синтезлаштирувчи кучга эга. “Трансценденталь” таассурот, шундай килиб, мушоҳада ва фаолиятнинг умумий асоси бўлади, тадқиқот эса билимнинг асосида ётади.

Кантнинг бу таълимоти Ф. Шеллинг томонидан ривожлантирилди. Шеллингта кўра, тасаввурнинг тадқиқотий лаёқати онглизлик ва онглизлик фаолиятининг бирлигидир. Шунинг учун кимки бу лаёқатга эга бўлса (гений) гўё онглизлик ҳолатида тадқиқот килади. Худди табиат каби тадқиқот қилади. Фарки шундаки, табиат тадқиқоти объектив, яъни онглизлик жараёни, инсоний тадқиқот жараёни эса унинг эркинлиги билан кечадиган кундалик субъектив жараёндир. Шеллингта кўра, тадқиқот, асосан рассом ва файласуфнинг тадқиқоти инсон ҳаёт фаолиятининг олий шаклидир: бу ерда инсон мутлак билан тўқиашади. Романтизмда тадқиқот ва генийга сигиниш шундай кучаядики, натижада шу билан бирга маданият тарихида ўтмиш тадқиқотининг маҳсули сифатида қизиқиш ортади.

XIX аср охири ва XX асрларда идеалистик фалсафа йўналишларида тадқиқотга асосан механик-техник фаолиятга қарама-қарши равища қаралди. Ҳаёт фалсафаси тадқиқотий табиий бошлангични техник рацонализмга қарама – қарши кўйса, экзистенциализм тадқиқотнинг маънавий – шахсий табиатини таъкидлайди. Ҳаёт фалсафасида тадқиқотнинг ривожланган концепцияси А. Бергсон томонидан (“Ижодий эволюция”, 1907) ишлаб чиқилди: тадқиқот янгининг узлуксиз туғилиши сифатида ҳаётнинг моҳиятини ташкил қилади. У объектив амалға ошадиган жараёндир. Табиатда тадқиқот – туғилиш, ўсиш, етилиш кўринишида, онгда эса янги образлар ва таассуротларнинг вужудга келиши шаклида амалға ошади. У тадқиқотни субъектив техник фаолиятга карши кўяди. Субъектив техник фаолият, унинг фикрича, факат эскини комбинация, конструкция килишга асосланган. Маданият ва тарих тадқиқотини таҳлил килар экан, ҳаёт фалсафаси унинг ноёблигини, индивидуал – тақрорланмас характеристини таъкидлайди.

Экзистенциализмда тадқиқотий бошлангичнинг ташувчиси шахс ҳисобланади. Шахс эса қандайдир экзистенция, яъни эркинликнинг ирационал бошланиши, табиий зарурит ва аклий мақсадга мувофиқликдан ўзиб кетиш, табиийлик ва ижтимоийлик чегарасидан чиқиш сифатида тушунилади. Ижодий экстаз, Н.А. Бердяев ва М. Хайдеггерга кўра, экзистенциянинг (мавжудлигнинг) энг адекват шаклидир.

Прагматизм, инструментализм, неопозитивизм фалсафий оқимларида тадқиқотга бир томонлама, амалий нұктай назардан қаралади: тадқиқот –

**иҳтирочилик**, унинг мақсади эса маълум вазият тақозо қилган масалани сиптишдир.

Ижодни интеллектуалистик тушунишнинг бошқа варианти неореализм, Феноменология оқимлари қарашларида ифодаланган. Бу типдаги кўпчилик мутафаккирлар тадқиқотни тушунишда факат табиатшуносликка эмас, соғ фан хисобланмиш математикага кўпроқ таянадилар. Ижоднинг асоси, инструментализмда бўлгани каби фаолият эмас, балки интеллектуал мушоҳададир.

Марксизм тадқиқотий жараёнга табиат ва жамиятни инсон мақсадлари ва эҳтиёjlарига мос ҳолда воқеликнинг объектив қонунлари асосида ўзгартирувчи инсон фаолияти деб қарайди. Ижод яратувчи фаолият сифатида тақорорланмас, оригиниал ва ижтимоий-тарихий ноёблиги билан ажralиб туради. Ижодий яратувчанлик инсон онги фаоллигининг натижасидир.

### Турли даврларда ижодга бўлган қарашлар

Давр	Ижодга муносабат
Антик фалсафа	Ижод чекланган, ўзгарувчан, ўткинчи борлик соҳаси билан боғлик. Абадий борлик тадқиқотдан устун туради. Ижод – дунёни онгли эгаллашга интилишинг ҳолати
Ўрта аср фалсафаси	Худо – дунёни эркин яратадиган шахс. У борликни йўқлиядай тадқиқот килади. Тарих дунё ҳақида илоҳий фикрнинг амалга ошуви бўлиб, тадқиқотга ва эътиқодга иродавий интилиш туфайли шахс тадқиқотда иштирок этиш шакли сифатида майдонга чикади. Ижод соҳаси тарихий, ахлоқий – диний соҳаларни қамраб олади
Ўйғониш даври фалсафаси	Инсон чексиз тадқиқотий имкониятларга эга. Гений инсон фаолияти мукаддасидир. Инсон тилцинг, урф-одат, ахлоқнинг, санъатнинг ва фалсафанинг моҳитиган тарихининг тадқиқотчидир
Янги давр эмпирик фалсафаси	Ижод – мавжуд элементларнинг мутбақасияти амалга ошган, асосан тасодиғий комбинацияси. Иҳтирочиликка яхин ходиса
Немис классик фалсафаси	Кант: тадқиқот – инсон тасаввурининг самарали лаёқати. У эса тасаввурларнинг яққолиги ва тушунчаларни синтезлаштирувчи кучга эга. Ижод билишининг асосида ётади. Шеллинг: онглилик ва онглизлик фаолиятининг бирлигига эришган инсон табиат каби, аммо эркинлик билан кечадиган субъектив тадқиқотга эга. Ижода инсон мутлак билан тўқнашади
Ҳаёт фалсафаси	Ижод – янгининг узлусиз тугилиши, объектив кечадиган жараён. Табиатда тадқиқот тугилиш, ўсиш, етилиш кўринишида, онгда – янги образлар ва тасаввурларнинг вужудга келиши шаклида амалга ошиди. (А. Бергсон)
Экзистенциализм	Шахс тадқиқотий экзистенцияга эга, яъни табиийлик ва ижтимоийликдан чиқишига, тадқиқотий экстазга лаёқатли
Прагматизм, инструментализм, неопозитивизм	Ижод – асосан иҳтирочилик, унинг мақсади эса маълум вазият тақозо қилган масалани ечишидир
Неореализм, Феноменология	Ижоднинг асоси интеллектуал мушоҳададир. Бу математикада яққол намоён бўлади
Марксизм	Ижод – инсон онги фаолиятининг натижаси, воқеликни объектив қонунлар асосида ўзгартирувчи фаолият

Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий тадқиқот муаммосига кўшган ҳиссалари.

Ўрта асрларда яшаган буюк бобокалонларимиз Ал-Форобий, Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқалар тўғрисида тингловчилар кенг маълумотларга эга бўлғанларини ҳисобга олиб, улар тадқиқотининг айрим жиҳатларигагина диккатни қаратамиз<sup>1</sup>.

Қадимги юонон натурфалсафаси XVII-XVIII аср Европа табиатшунос-лигининг пайдо бўлиши учун зарур бўлган асосларни яратади. Бу асослар ўрта аср мусулмон Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилди.

Мусо ал-Хоразмий томонидан ўнлик позицион системасининг қашф этилиши илмий тафаккур ривожи учун чексиз имкониятларни яратиб берди. Гап шундаки, қадимда юонилар аслида қадимги шумерликлар томонидан шакллантирилган олтмишлик саноқ системасидан фойдаланганлар. Араблар эса саноқни (ракамларни) араб алифбосидаги ҳарфлар билан ифодалаганлар. Бу эса математика ва математика билан боғлиқ бўлган барча фанларда мураккабликларни, чалкашликларни келтириб чиқарган. Жуда катта миқдорларни ифода этувчи сонларинг яна шу таҳлилдаги сонларга кўпайтириш, даражага кўтариш, бўлиш каби жараёнларни амалга ошириш катта кийинчиликлар тутғидиар эди. Математика том маънода Птоломей замонларидан бошлаб такомиллашиб жараёнидан маҳрум бўлиб қолган эди.

Ана шундай шароитда яқин щарқ мутафаккирларига яхши таниш бўлган Ҳинд рақамини ўнлик рақам тизимиға айлантиришнинг аҳамиятини илғаб олган буюк ватандошимиз томонидан “Сифр”нинг қашф этилиши ва унинг ўз ўрнига кўйилиши орқали ҳинд рақами мукаммал системага айлантирилди. Хоразмийнинг яна бир буюк хизмати математика ривожининг олий боскичини бошлаб берган “Ал-жабр”ни (Алгебрани) матеметиканинг алоҳида соҳаси сифатида шакллантирганлигидир.

IX-XI аср Шарқ мутафаккирлари мантиқ қонунлари ва қондалари ҳақиқатнинг ягона мезони бўла олмаслигини англаб етган эдилар. Улар биринчи навбатда фанни бошка илмлардан ажратиб олишга интилганлар. Илмий билимларнинг мантиқ талабларига мос келиши талабидан ташқари уларни тажрибада бевосита синаб кўриш йўли билан чин ёки ёлғонлигини аниқлашга уринганлар.

Ибн Сино тажрибалар ўтказиш ақл билан чиқарилган хulosаларнинг чинлигини тасдиқлаш учун зарурдир, деган фикрни қатъий химоя килади. Демак, дунёвий билимларнинг қарор топишида, ҳақиқат мезонини аниқлашда тажрибанинг аҳамиятига эътибор қаратган.

Тажрибадан самарали фойдаланишда, уни ҳақиқатнинг мезони деб талқин этишда Беруний замондошларидан ўзиб кетди. Унинг фикрича “Ҳеч қандай моддий ёки маънавий омил тажрибанинг илм-фан соҳасидаги асосий мезонлик вазифасини бажара олмайди”. Шундай қилиб, Шарқ уйғониш даври дунёвий фанлари фақат мантиқий мезонлар билан чекланиб қолмасдан, эътиқод

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлароқ қаранг: Тоҳир Карим. Миллий тафаккур таракқиётидан. (“Авесто” замонидан то XXI аср бошларигача). -Т.: Чўлпон, 2003; Ўша муаллиф. Шарқ ал-Тайр қолдузлари. -Т.: Чўлпон, 2005.

Иш мантиқ талабларига мос күкмөрөн холосаларини кузатиш ҳамда тажрибалар орқали тасдиқлайдиган билимларни йигиб, бир тизимга солишига алоҳида эътибор қараштагандар.

Бу даврдаги илмий билимларнинг яна бир жиҳати, уларнинг ижтимоий муҳит талаблари билан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни мақсад қилиб кўйганлиги эди. Хоразмий ўзининг “Ал-жабр ва ал-муқобала” асарида ерия ўлчаш, мураккаб мулкий тақсимот билан боғлик муаммоларни ечишга бўлған зарурият туфайли ал-жабр тенгламалари тўгрисидаги фанга кучли эҳтиёж тугилганини қайд қиласан эди.

IX-XII асрларда математиканинг бекиёс даражада ривож топиши биринчи навбатда математика билан боғлик бўлган соҳаларда мустақил фанлар қарор топа бошлади. Астрономия, география, тарих, медицина, доришунослик, геодезия, минералогия, этнография ва х.к. шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам қадимги юонон мутафаккирларидан фарқли ўлароқ, бу даврда Шарқ мутафаккирлари орасидан ўзларини файласуф деб ҳисобламайдиган соғ математик, астроном деб ҳисобловчи Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон Беруний каби фан дарғалари етишиб чиқди.

### Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирларининг мухим кашфиётлари

Муаллифлар номи	Кашфиётлар
Мусо ал-Хоразмий (783-850)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Алгебра фанига асос солди.</li> <li>Ўнлик позицион ҳисоблаш системасини яратди.</li> <li>Астрономияни ривожлантириди.</li> <li>Тригонометрияга “текис”, “аксланган синус”, “тангенс”, “котанганс” тушунчаларини киритди ва жадвалларини келтириди.</li> <li>Иклимлар назариясини такомиллаштириди, географияни шу асосда биринчи бўлиб баён килди</li> </ul>
Аҳмад ал Фарғоний (тасм. 797-865)	<ul style="list-style-type: none"> <li>“Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум” китобида астрономияни ривожлантириди.</li> <li>Ўзининг иклимлар назариясини яратди</li> </ul>
Абу Али Ибн Сино (980-1037)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тибиёт билан боғлик кўп ихтиrolар қилди. Ботаника, география, астрономия, математика, кимё фанларини бойитди.</li> <li>Фалсафани ривожлантириди.</li> <li>Бадий асарлар ёзи</li> </ul>
Абу Райхон Беруний (973-1048)	<ul style="list-style-type: none"> <li>Астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, тарих, филология ва б. фанларни ривожлантириди.</li> <li>Ўрта аср шароитида илмий табиатшуносликка асос солди, тажрибага, кузатиш, экспериментга асосланувчи аник илмий тафаккурни бошлаб берувчилардан бўлди.</li> <li>Геоцентрик ва гелиоцентрик тизимларни тенг кучли деб ҳисоблади.</li> <li>Бошқа дунёлар борлиги тўгрисида тахмин килди.</li> <li>Санскрит тилидан арабгача, араб тилидан санскрит тилига таржималар килди</li> </ul>

Шундай қилиб, дунёвий, табиий-илмий фанларнинг қарор топиши, уларнинг мустақил фан соҳалари сифатида ажralиб чиқиш жаёёни XVII аср Европада эмас, балки IX-XI аср мусулмон Шарқ мутафаккирлари, хусусан,

Марказий Осиё алломаларининг машаққатли изланишлари туфайли содир бўлган деб ҳисоблаш лозим. Агар IX-XI аср илмий тадқиқоти бўлмаганида XVII-XVIII аср янги давр Европа табиатшунослик фанлари ҳам қарор топмаган бўулур эди<sup>1</sup>.

Шундай килиб, инсон ижодига бўлган муносабат илмий билимларнинг ўсиши ва жамият дунёкараши ҳамда эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ўзгариб келган. Инсон ижодига муносабатда асос бўлган диний гоялар жамият эҳтиёжларига мос ҳолда янгича талқин қилинган.

Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирларининг ижодга бўлган қарашлари ва илмий ижод наъмуналари янги давр Европа фани ва фалсафасига самарали таъсир кўрсатган.

Инсон ижодига бўлган турли фалсафий талқинлар кўпайиб борган. Бу эса ижоднинг кўп киррали, мураккаб ҳодиса эканлигини кўрсатади. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари кескинлашгани шароитида табиат ва жамиятнинг ривожланиши ҳам, сақланиб қолиши ҳам инсон ижодига боғли бўлиб қолди.

## ТЕСТЛАР

**1. Қадимги Шарқ илмий билимларидан антик давр илмий билимлари қандай фарқ қиласди?**

- а) олдиндан кўра олишлари билан;
- б) бевосита амалиётга боғлиқлиги билан;
- в) ҳодисалар тақрорланиши сабабларини тушунтириш билан;
- г) тушунчали тафаккурга асосланиши билан;
- д) в ва г жавоблар тўғри.

**2. Натурфалсафанинг асосий методологик гояси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- а) табиат қисмларга ажralмаган қандайдир бутунликдир;
- б) табиатдан ташқарида ҳеч нарса йўқ;
- в) ҳақиқий билим-илмий билимдир;
- г) фалсафанинг илмий билимларга алоқаси йўқ;
- д) олам ўзгармайди.

**3. Табиий-илмий билимлардан мақсад:**

- а) табиат ҳодисаларининг қонуниятини билиш;
- б) бўлажак ҳодиса ва жараёнларни олдиндан кўриш;
- в) табиат қонуларидан амалда фойдаланиш;
- г) табиий-илмий билимнинг метод ва усусларини ишлаб чиқиш;
- д) барча жавоблар тўғри.

**4. Бадиий ва илмий тадқиқотга иккинчи даражали ҳодиса сифатида қараш устивор бўлган давр:**

- а) энг қадимги давр;
- б) антик давр;

<sup>1</sup> Бу хакида каранг: Тохир Карим. Дунёвийлик фалсафаси-Дунёвийлик фалсафаси. Мақолалар тўплами. –Т.: ТДИУ, 2007, 5-28 бетлар.

- в) ўрта асрлар даври
- г) уйгонош даври;
- д) янги давр.

**5. Инсон тадқиқотида бадий тадқиқотин устувор деб билган давр:**

- а) энг қадимги давр;
- б) антик давр;
- в) ўрта асрлар даври
- г) уйгонош даври;
- д) янги давр.

**6. “Юз йил ўтмасдан Европада З йирик математикни айтиш қийин бўлиб қолади. Бу фан Бериулли, Эйлер, .... олиб келган жойда тўхтайди. ..... Уларнинг асарлари Миср пирамидалари каби бизда инсоннинг қудрати ҳакида ҳайратли тасаввурлар уйғотади”. Д. Дидронинг бу сўзларини қандай баҳолайсиз?**

- а) тўғри айтилган башпорат;
- б) математиканинг келажаги йўқ деб билган;
- в) математика бошқа фанларга аралашиб, мустақиллигини йўқотади, демоқчи;
- г) илмий тадқиқот поёнига ета боради, деган дорматик фикр;
- д) ҳаммаси тўғри;

**7. Форобий фикрича, инсон ақлини билимлар билан бойитиш учун хизмат қилувчи фанлар қайси қаторда?**

- а) сиёsat, ахлоқ, таълим-тарбияга оид билимлар;
- б) фалсафа;
- в) математика, табиатшунослик, метафизика;
- г) тишлинуослик, шеърият, нотиклик санъати;
- д) барчаси тўғри.

**8. Хоразм Матъмун академиясида тадқиқот қилган олимлар қайси қаторда:**

- а) Абу Наср ал-Масихий, Абу Наср ибн Ирок, Беруний, Ибн Сино;
- б) Ал-Форобий, Ибн Сино, Беруний, Фарғоний.
- в) Мусо Хоразмий, Замахшарий, Беруний.
- г) Журжоний, Ал-Киндий, Абул Хайр Ҳаммор.
- д) Барчаси тўғри.

**9. Инсоннинг космосга учиши ғоясини ўйлаган ва амалга оширишга уринган астроном?**

- а) Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод ал-Жавҳарий;
- б) Аҳмад Мухаммад ас-Саҳрий;
- в) Абу Мансур ас-Саолибий;
- г) Зайнiddин Журжоний;
- д) Тўғри жавоб йўқ.

**10. Саккизта астрономик асари маълум бўлиб, бироргаси ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган, оқибатда Шарқ ва Гарбда ўта машхурлиги сабаблари ўрганилмаган олим?**

- а) Холид ибн Абдумалик;
- б) Ибн Сино;
- в) Ал-Беруний;
- г) Ал-Хоразмий;
- д) Ал-Фарғоний.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий–иктисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Бартенов С.А. История и философия экономической науки. Пособие кандидатскому экзамену. –М.: Магистр, 2008.
7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Мақолалар тўплами. –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт тадқиқот матбаа уйи, 2008.
8. Дунёвийлик фалсафаси (мақолалар тўплами). –Т.: ТДИУ, 2007.
9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. –М., 2006.
10. Карим Т. Шарқ-ат-Тайр юлдузлари. –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт тадқиқот матбаа уйи, 2005.
11. Креативность /attachment:/133/.htm
12. Критическое мышление attachment:/173/.htm
13. Творческое мышление: истоки, этапы, критерии оценки. Диагностика креативности. <http://ru.wikipedia.org/>

## **4-мавзу. БИЛИМЛАР ТИЗИМИДА ИЛМИЙ БИЛИМНИНГ ЎРНИ**

- 1. Билим тушунчаси.**
- 2. Илмий билимнинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. Илмий билимларни чегаралаш муаммоси.**

**Таянч тушунчалар:** ахборот, илм, билим, эътиқод, илмий билим, ноилмий билим, квазиилмий билим, аксилилмий билим, демаркация, К.Поппер, верификация, фальсификация.

### **БИЛИМ ТУШУНЧАСИ**

Билим инсонларни бошқа жонзотлардан тубдан фарқ қиласидан хусусият эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Инсон ва жамиятни билимсиз тасаввур килиб бўлмайди. Инсон билими орқали инсонийлигини намоён кила олади. Бу ҳақда Аристотель: “Киши билимлари туфайли ўзининг асосий инсонлик мөҳиятини амалга оширади ва бу унинг барча энг элементар хатти-харакатларидаёт намоён бўлиб туради”, - деб таърифлаган эди<sup>1</sup>. Жамият ва инсоннинг шаклланиши, ривожланиши билим туфайлидир.

Билимнинг муҳим шакли бўлган илмий билим мөҳиятини англамоқ учун, аввало билим тушунчасини англаб олмоқ муҳим. Зотан, ахборот, илм, билим, эътиқод тушунчаларининг муносабати масаласида турли, ҳатто ўзаро зид қарашлар мавжуд. Айримлар фикрича, билим ва ахборот бир мазмундаги тушунчалардир, чунки ҳар қандай ахборот маълум билимни ифодалайди. Шунинг учун улар “ахборотлашган жамият” ва “билим жамият” тушунчаларини бир маънода, бир мазмунда кўллайдилар. Бундан ахборот билимнинг мавжудлик ва тарқатиш усусларидан бири деб хулоса чиқариш мумкин. Агар ахборот маълум асосларга эга бўлса ва қандайдир мантиқка, ишончга кўра қабул қилиш мумкин бўлса, билим деб аталиши мумкин.

Шунингдек, билимнинг эътиқод, ишонч тушунчалари билан алокаси ҳам мураккаб. Асосли билим ишонч-эътиқодни шакллантиради, яъни ҳар қандай эътиқод маълум ишончли билимларга таянади. Аммо эътиқоднинг ўзини билим деб бўлмайди. Ишонч ўёки бу даражада асосларга эга бўлади. Акс ҳолда, ишонч-эътиқод шаклланиши мумкин эмас. Аммо ишонч ўта кучли, ҳеч бир шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳолда асосланса ишонч бўлмай қолади ва билимга айланади. Демак, билим маълум бир ишонч-эътиқод асосида юзага келади. Турли ишонч-эътиқодлардан турлича билимлар келиб чиқиши мумкин. Маълум эътиқод асосида яратилган ахборотларни ишончли билим сифатида қабул қилиш мумкин, бошқа эътиқодга кўра уйдирма деб тасаввур қилинади.

Билим умумий тушунчалардан бири бўлғанлиги ва бир қаторга кўйиш мумкин бўлмаган жуда кўп кўринишлари мавжудлиги туфайли унга ҳамма қабул қиласидан, бир маъноли, катъий таъриф бериш кийин.

Билимни тушуниш учун унинг таркибини, турларини таҳлил қилиш зарур. Аввало, билим-лаёқат ва билим-ахборотни фарқламоқ лозим. Билим-лаёқат бирор лаёқатни эгаллаб олганлик даражасини ифодалайди. Масалан,

<sup>1</sup> Аристотель. Метафизика.- М.: 1980 й., 65- 6.

сузиш, велосипедда учиш ва х.к. Табиийки, бундай билимларга нисбатан чинлик ва асосланганлик тушунчаларини қўллаб бўлмайди. Яхши ёки ёмон сузиш, велосипедда учиш мумкин, аммо уларни чин ёки хато деб баҳолаш мумкин эмас. Билим-ахборотда эса предметларга қандайдир белги, хусусият, сифат мавжудлиги ҳолати ифодаланади. Агар биз “Кит-сут эмизувчи эканини биламан” ёки “Учбуручак ички бурчаклари йигиндиси икки тўгри бурчакка тенглигини биламан” десак, бу билимларни асосли ёки асоссиз, ишончли ёки ишончсиз, чин ёки ёлғон сифатида баҳолаш мумкин. Эпистемологияда билимнинг нечоғлик асосланганлик усуулари, унинг ишончли, чинлиги мезонларини излаш билимни фалсафий таҳлил қилишининг асосий мотивидир.

Антиқ давр файласуфлари билим хато бўлиши мумкин эмас, деб хисоблаганлар. Ҳозирги давр эпистемологияси ҳам билимга ана шундай карайди. Бу билим ўз аҳамиятига кўра янгишиш ва ёлғондан фарқ қилишини англатади.

Одатда биз ниманидир биламиз десак, бу ҳақда қандайдир тўгри ва ишончли тасаввурга эга эканлигимизни ифодалаймиз. Биз кундалик ҳаётда билим деганда реал ҳаётта мос келадиган, маълум асосга эга бўлган ишончни тушунамиз.

Билимнинг эпистемологик талкини қўйидаги З шароитни ўз ичига олади:

1. Чинлиги (реал воқеаликка мослиги).
2. Ишончлилиги (эътиқод қилиш, қабул қилиш мумкинлиги).
3. Асосланганлиги.

Бу шароитлар билимни тасодифий мослиқдан чегаралайди. Дейлик, ҳали дунёнинг тузилиши ҳақида тасаввурга эга бўлмаган боғча боласидан “Куёш системасида нечта сайёра бор?”, деб сўрасангиз ва у “Тўққизта” деб жавоб берса, сиз буни баҳтли тасодиф деб хисоблайсиз. Бола ўз жавобини асослаб беролмайди ва сиз унда бу ҳақда ҳақиқий билим йўклигини қайд қиласиз.

Бундан билим тўгри ва асосланган ишонч эканлиги ҳақида дастлабки хулоса келиб чиқади. Аммо, бу таъриф билимнинг моҳиятини тушуниш учун етарли эмас. Ишонч юқоридаги З таснифга эга бўлса-да, барибир билим бўла олмайди. Айрим юзаки ҳодисаларга, далилларга асосланган ҳолда, ишончга эга бўлиш мумкин, аммо у билим эмас. Баъзан ишонч баҳтли тасодифга кўра, тўгри, ҳақиқатга мос келиши мумкин.

Фанда ахборотнинг икки концепцияси мавжуд бўлиб, улар ўргасида мунозара давом этмоқда.

### Ахборотнинг асосий концепциялари ва уларнинг мазмуни

Концепциялари	Мазмуни
Атрибутив	Ахборот барча жараёнлар ва системаларга хосдир (бутун материяга хосдир)
Функционал	Ахборот факат ўз-ўзидан ташкилланадиган тизимларнинг (биологик ва ижтимоий тизимларнинг, био ва социотехник тизимларнинг) хоссасидир

Улар ўргасидаги мунозара деярли ярим асрдан бери давом этмоқда. Бу даврдан бери йирик илмий-технологик ва ижтимоий ўзгаришлар бўлди. Инсон

ҳаётини ўзгартириб юборган ахборотлашган жамият шаклланди. Илмий ва амалий фаолиятнинг тури соҳаларида кенг кўллаш билан боғлиқ ҳолда янги назарий ва методологик муаммолар пайдо бўлди. Лекин ахборотнинг табиати, унинг мавжудлик соҳалари ҳақидаги масалада ягона фикр йўқ. Сўнгти ўн йилликларда атрибутив концепция синергетика ривожи туфайли янада мустаҳкамланди. Лекин у “функционалистлар” томонидан келтирилаётган бош контур аргументларга жавоб бера олмади. Унинг моҳияти қўйидагича: ахборот уч параметрга эга бўлиши керак: синтактик, семантик, прагматик.

Ахборотнинг 3 параметри:

- Синтактик;
- Семантик;
- Прагматик.

Функционалистлар эътиrozича, ахборот физик жараёnlарга ўз-ўзича таалуқли бўлса, уларда семантик ва прагматик хусусиятларни тушунтириб бўлмайди. Атрибутивистлар бу мураккабликларни ҳал қилишининг ёки четлаб ўтишининг тури усулларини келтирадилар. Ахборотнинг турли математикашган концепциялари муйян техник ва ташкилий масалаларни ҳал қилища боғт самарали бўлса-да, ахборотнинг онтологик статусини таърифлаш учун етарли эмас.

Ахборот тушунчаси постиндустриал жамиятнинг рамзи бўлиб қолди. Ахборотни билим билан айнилаштириш, билимни кенг маънода тушуниш ҳозирги даврда кенг тарқалди. Машхур фан файласуфи Карл Раймонд Поппер (1902-1994) ўзининг эволюцион билиш назариясида илмий, илмгача ва кундалик ҳаёт даражасидаги билимларни тенглаштириш билан чекланмасдан, инсон билимлари ва ҳайвонлар билимларни ўртасидаги мавжуд тафовутларни ҳам инкор қиласди. Унингча билимни фақат инсон ва ҳайвонот дунёсигина эмас, барча тирик дунё вакиллари эгаллай оладилар. “Фақат ҳайвонларгина била оладиларми? Нима учун ўсимликлар эмас?- сўрайди Поппер ва биологик ва эволюцион маънода .... нафақат ҳайвонлар ва одамларгагина кутиш, демак, билим (кўпинча англамаган бўлса ҳам) хос, аммо ўсимликлар ва умуман барча организмлар кутадилар”. Шундай қилиб, эволюцион эпистемология нуктаи назаридан амёба билими билан Эйнштейн билими (1879-1955) ўртасида моҳиятан сифатий эмас, миқдорий фарқ бор ҳолос.

Поппер карашига кўра, соглом фикрга асосланган танқидий реализм инсон билими ва бошқа тирик оламнинг билими ўртасида жуда катта умумийлик мавжудлигини қайд қиласлик мумкин эмас.

**Инсон ва тирик мавжудот билимининг умумий томонлари**

(Поппер фикрича)

1. Ҳар қандай билиш жараёни шароитга мослашиши жараёни, яъни адаптациядир.

2. Ҳар қандай тирик мавжудот, шу жумладан инсон томонидан амалга ошириладиган билиш жараёни учун албатта нокисликлар мавжудлиги.

Поппер барча тирик мавжудотлар билимини бирлаштирувчи умумий белгини шундай тушунтиради: “Кўпол қилиб айтганда, бир ҳужайрали амёбадан Альберт Эйнштейнгача организмларнинг деярли барча билиш

шакллари айнан шу вазиятда долзарб бўлган ёки келгусида олдига кўндаланг бўладиган масалаларни ечишга мослашиш учун организмга хизмат қиласи.” Иккинчи умумий белгини шундай асослайди: ҳар қандай тирик мавжудотнинг, шу жумладан инсоннинг ҳам билиш жараёни учун мукаррар камчиликлар хосдир. “Улар фойдаланадиган текшириш ва хатолар методи моҳиятига кўра унчалик фарқ қилмайди”, – дейди Поппер. Инсон билимининг бошқа тирик мавжудотлардан фарқи у ёки бу қарорга муносабат билдириш шаклидадир. Агар амёба ва бошқа тирик мавжудотлар тўсатдан, тўғридан-тўғри қарор қабул қиласа, Эйнштейн ўз қарорига танқидий ёндашади, келгусида қарорларини инкор қилинишини кўзлаб, онгли равишда текширишдан ўтказади.

Хуллас, шу нуқтаи назардан ахборот ва билимининг мазмуни айний дейишимиз мумкин. Билимни табиий ва ижтимоий (инсоний) билимларга ажратсак ва инсон билимини ахборот билан таъкосласак, уларда маълум тафовутларни кўрамиз.

Шуни унутмаслик керакки, инсон билими субъектив характерга эга. Уни кишилар турлича англаши, талқин қилиши, ўзгартириб бошқаларга етказиши мумкин. Агар у кенгайтириш, ахборот воситаларида ифодаланиши ҳолатига келиб, ҳамма учун бир хил объектив мазмун касб этса, ахборотга айланади.

### **ИЛМИЙ БИЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**


Инсоний билим муаммосининг яна бир мураккаблиги унинг кўриниши, турлари ранг-баранглиги билан боғлиқдир.

Одатда дастлабки, асос билим сифатида билимининг уч асосий кўриниши фарқланади. Уни куйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (1-шакл).

Бу учликни таҳлил килиб, билимининг кўринишлари ҳақида куйидаги мулоҳазаларни ифодалашмиз мумкин:

1. Ҳиссий маълумотлар бирламчи бўлиб, инсоннинг реал воқелик билан боғланишига асос бўлади.
2. Соғлом фикрга асосланган билим амалий тажрибамизга асосланади, тилни, асосий тушунчаларни шакллантиради.
3. Илмий билим ходисалар сабабларини ишончли, асосли даражада тушунтиради.
4. Билимининг бу асосий кўринишлари ўзаро боғлиқдир. Улар бир-биридан ажралган ҳолда мустақил мавжуд эмас.

#### **1-шакл. Билиминг асосий кўринишлари**



Илмий билимни тушунишда бир қатор мураккабликлар ва чалкашликлар мавжуд. Аввало “илм” ва “билим” тушунчаларини фарқ қылmasлик ҳолатларини таъкидлаб ўтиш керак. Ҳар қандай билим илм эмас. Агар билим маълум даражада тизимга солинса, рационал жиҳатдан асосланса, маълум мантиқ асосида изчиллик касб этса, илмга айланади. Масалан, диний билимларнинг юкоридаги талабларга жавоб берадиган қисми “диний илмлар” дейилади. Иккинчидан, илмийлик даъво қиладиган қатор билимлар мавжудки, улар тарафдорлари бу билимларни фан, илмий билим билан бир қаторга, ҳатто ундан юкори қўйишига ҳаракат қиладилар. Учинчидан, фан, илмий билимлар эволюцияси узок тарихга эга бўлиб, бошқа билимлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган илм, фан сифатида кабул килинган. Биз уларни қўйирокда алоҳида тахлил қиласиз. Аввало илмий билимнинг ўзига хос хусусиятларини аниклаб олайлик.

Илмий билимнинг ўзига хос хусусиятлари ўзи ўрганаётган воқеа ва ҳодисалар ҳақида асосланган, объектив билим олишга қаратилганидан келиб чиқади. Объектларни ўрганиш объектив қонунларнинг фаолияти ва ривожланишига бўйсунувчи тадқиқотлар ўтказишида илмий билимнинг ўзига хослиги белгиланади. У билимга субъектив истакларнинг қўшилишига йўл бермайди. Масалан, объектив дунё предметлари бадиий билимда ифодаланганда инсоннинг қадриятларга муносабати ҳам акс этади. Қадриятларга баҳо бермаслик бадиий образларни бузади. Илмий билимда эса шахс ҳаётининг ўзига хос томонлари илмий билим таркибига кирмайди.

Илмий билимнинг муҳим ўзига хос хусусиятларини кискача тахлил қиласиз (2-шакл).

Кундалик ҳаётий билишда билиш воситаси сифатида табиий тилдан ва ҳаётий фаолиятда кўлланиладиган усул ва қуроллардан фойдаланишининг ўзи етарли бўлади. Лекин улар оммавий амалиётда ўрганилмаган, ўрганиб бўлмайдиган объектларни билиш учун етарли эмас. Илмий билим бу объектларни тадқиқ қилишни таъминлайдиган ўзига хос амалиётни шакллантиради. Бу илмий экспериментдир.

## **2-шакл. Илмий билимнинг муҳим ўзига хос хусусиятлари**

1.	Дунёни предметли – объекти тадқиқ қилиш
2.	Оммавий амалий фаолият доирасидан ташқаридағи объектларни ўрганиш
3.	Ўзига хос усуудар ва воситалар билан иш кўриш
4.	Илмий натижаларнинг ўзига хослиги
5.	Илмий фаолият субъектининг ўзига хослиги

Унда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва қуроллар объектларни тажрибавий ўрганишининг воситалари сифатида майдонга чиқади. Шу билан бирга фанда ихтисослашган назарий тил тизими аста-секин шакллана боради.

Оммавий амалиётда дуч келмаган объектлар илмий билишнинг объекти бўлади ва уларни ўрганиш методларини ташкил қилувчи маҳсус фаолият тизимини яратишни тақозо этади. Илмий тадқиқотнинг предмети ҳамиша методлар билан боғлиқдир. Илмий билиш одатдаги ҳаёт тажрибасидан

қанчалик узоклашиса, “ноодатий” объектлар тадқиқотига қанчалик чуқур кириб борса, уни ўрганишнинг ўзига хос методлар тизимини яратиш ва ишлаб чиқиш зарурати шунчалик ойдинлаша боради.

Илмий тадқиқот объектларининг ўзига хослигини илмий фаолият махсуллари бўлган илмий билимларнинг асосий белгиларида ҳам қўришимиз мумкин. Улар кундалик ҳаёт билимларидан, стихияли-эмпирик билимлардан тубдан фарқ қиласди. Стихияли-эмпирик билимлар асосан тизимлашмаган. Улар ижтимоий тажрибанинг тарихий ривожида тўплланган маълумотлардан, кўрсатмалардан, фаолият ва хатти-ҳаракат қоидаларидан иборат. Уларнинг ишонччилиги ишлаб чиқариш ва кундалик фаолиятнинг мавжуд вазиятларида бевосита қўллагандагина аниқланади. Илмий билимларнинг ишонччилиги эса бу усул билан белгиланмайди. Чунки илмда асосан ишлаб чиқариш ва амалий тажрибада ўзлаштирилмаган объектлар ўрганилади. Шунинг учун илмий билимнинг чинлигини асослайдиган маъсус усуллар керак бўлади. Улар олинган билимнинг экспериментал назорат ва чинлиги исботланган бошқа билимлардан келтириб чиқарадилар.

Илмий билим билан шугулланиши билувчи субъектнинг маъсус тайёргарлигини тақозо қиласди. Бунда у илмий тадқиқотнинг тарихан шаклланган воситаларини ўзлаштириб олади, бу воситалар билан ишлашнинг усул ва методларини ўрганади. Бу жараёнда фанда маълум бўлган билимларни билади. Фанда янгилик бўлмаса, у илмий билим ҳисобланмайди (тадқиқотчи учун).

Атамаларни тўғри тушуниб олиш учун яна шуни таъкидлаш керакки, “илмий билим” тушунчаси тор ва кенг маънода қўлланилади. Кенг маънода, тизимга солинган, рационал асосланган, соғлом мантиқ талабларига тўла жавоб бера оладиган дунёвий илмлар назарда тутилади. Шу жиҳатдан диний илм илмий билим эмас, аммо фалсафий, эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа дунёвий билимлар илмий билимлардир.

Демак, илмий билимларни табиий ва ижтимоий илмий билимларга бўлиш мумкин. “Илмий билим” тушунчасини тор маънода қўллаганимизда асосан табиий илмий билимларни назарда тутамиз. Бундай билимлар юқоридаги талабларга жавоб берганидан ташкари тажриба синовидан ҳам ўтган бўлади. Ҳатто соғ назарий илмий билимлар ҳам идеал эксперимент натижаларидир. Бу ҳақда илмий билим даражаларини таҳлил қилганда алоҳида тўхталамиз.

Шу ўринда “илмий билим” ва “фан” тушунчаларининг маъно-мазмунидаги тафовутни ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бирор илмий билимнинг ўзи фан бўла олмайди. Фан тизимга солинган илмий билимларнинг мажмуйи бўлиб, маълум соҳада назариялар, концепциялар яратилганда шаклланади. Фан тушунчаси ҳам фалсафада ҳар хил мазмунда талқин қилинади. Ҳукмрон қарашга кўра том маънода фан XVII асрда шаклланган. Аммо кўпгина олимлар фан тушунчасини кенг маънода қўллаб, “Ўрта аср фани”, “Қадимги давр фани” ва ҳоказо ибораларда ифодалайдилар.

Бу ўринда илмий билим тарихий эволюцияси жараёнда у билан ёнма-ён ёки муҳолифатда бўлган билимларни ҳамда илмийликни даъво қиласдиган билимларни қисқа баён қиласдиз (3-шакл).

### 3-шакл. Илмдан ташқари билимлар ва уларнинг тасини

Тасини	Тасини
Ноийлий билимлар	Тизимга тушмаган, тарқоқ билимлар. Улар формаллашмаган, қонуқларда ифодаланмаган, дунёнинг илмий манзараси билан зиддиятда бўладиган билимлардир
Илмийликкача бўлган билимлар	Фанинг прототипи, илмийликнинг дастлабки асоси, унсури бўлган билимлар
Парайлмий билимлар	(пара – грекча сўз бўлиб, “атрофид”, “ёнда” маъноларини билдиради). Мавжуд гносеологик стандартларга мос келмайдиган билимлардир. Илмийлик мезони нуткага назаридан ишончли тушунтириб бўлмайдиган ходисалар ҳақида тасаввурларни ўз ичига олади
Елғон илмий билимлар	Онгли равища фойдаланилайдиган ҳаётлий фикрлар ва тасаввурлар. Улар хото билимлар бўлиб, фанин орқада колган деб хисоблайди. Бальзан унинг тадқиқотчи психикасининг патологик фаолияти билан боғлиқ бўлади. Ҳақиқи билимларнинг етарли эмаслиги, уни инкор кибутиччи асосларга чидамсизлик, шунингдек карши чиқиш хусусиятлари бундай билимларга хосдир. Шу куннинг айрим дол зарб муммаларига жуда таъсирача, пош-шувларга, ваххамали янгиликларга ўч бўлади. Бундай билимларни маълум паралигма (асос принциплар, қондалар мажмуми) доирасида бирлаштириб бўлмайди, изчиллик йўқ, умумийлик хусусиятига эга эмас. Улар илмий билимлар билан бир қаторда дөг ва ўшловсиз кўшимча каби ёйма-ён яшайди
Квазиилмий билимлар	(квази – лотинча сўз бўлиб, “гүёки” деган маънони билдиради). Зўрлик ва маҳбур килиш методларига асосланаб, ўзига тарафдорлар ва излодшларни излайдиган билимлар. Улар қондага кўра, хокимиётни қўлида ушлаб тургларни ташкил килиб бўлмайдиган, каттиқ мағкуравий тартиб ҳукмрон бўлган, илмий билимлар кескен табакалашган шароитда гуллаб-яшанди. Собиқ Совет тоталитар жамиятни тарихида лисенковчилик, геологияда фиксизм, кибернетика, генетика каби фанларни инкор килиб карор тонгтан карашлар бунга мисол бўла олади
Аксилилмий билимлар	Воқеликни онгли равища бузуб кўрсатадиган ва утопик тасаввурлар. “Аксил” – карши деган маъносидан ҳам маълумки, унинг предмети ва тадқикот усуллари илмий билимларга, фанга бутунлай зиддир. Бу – гўё воқеликка қарама-карши нуткага назардан ёндашувдир. Бундай билимлар одатда, “барча қасалликларнинг давоси бўлгав”, осон топиладиган ягона дорига доимий эҳтиёж каби холатлар билан боғланади. Аксилилмий билимларга кизикиш ва интилиш жамиятнинг бекарорлик боскичларида пайдо бўлади. Ўтган асрнинг 90-йилларидаги, яъни Собиқ Иттифоқ тоталитар тузуми барбод бўлиш, миллатлар мустакиллигининг дастлабки оғир йилларидаги кенг ёйилган “миш-миш”га яқин қарашлар бунинг ёркин мисолидир

Бундай билимларниң мавжудлиги фаннинг ривожланиши нийҳоятда мураккаблиги, узоқ эволюция натижаси эканлиги, кўп омиллар билан боғликлигини кўрсатади. Инсоният тараққиётининг илк боскичларидаёқ табиат ва атрофимизни эгаллаб турган воқелик ҳақида оддий маълумотлар берадиган кундаклик амалий билим мавжуд бўлган. Кундаклик ҳаёт тажрибасидаги тарқоқ, бир-биридан ажралган, тизимга солинмаган характердаги оддий маълумотлар

йигиндиси унинг асоси бўлган. Кишилар, одатда, оддий ҳаётий муносабатлар шароитида қўлга киритган катта ҳажмдаги бу билимлар барча билимларимизнинг дастлабки асосий вазифасини бажарган. Баъзан соғлом фикр аксиомалари илмий қоидаларга зид келади, фан ривожига тўскинилик килади, инсон онгига тараққиётга тўсиқ бўладиган қолдиқ сифатида мустахкам ўрнашади. Баъзан эса, фан исбот ва инкорларнинг узоқ ва мураккаб йўли орқали кундалик ҳаёт билимида аллақачон ўрнашиб қолган қоидаларга келиб колиши мумкин.

Кундалик ҳаёт билими соғлом фикрни, шахсий тажриба ва анъаналарни, тасаввур ва тавсияларни ўз ичига олади. Уларни инсон амалда англаммаган холда қўллайди, ҳеч қандай исботлаш тизимини талаб қилмайди. Бу билимлар амалда ёзувда ифодаланмайди. Халқ оғзаки тадқикотидаги мақоллар, маталлар ва х.к. бу билимни қайд килади, холос. Ихтисослашмаган кундалик ҳаётнинг бу билимлари умумий характер касб этади, ҳатто тор, маҳсус ихтисосликдаги илмий тушунча ва назарияларни воқеликнинг аниқ соҳасида қўллаб турган олим ҳам умуминсоний характерега эга бўлган ихтисослашмаган кундалик ҳаёт соҳасидан ташқарида бўла олмайди.

Ўйин-билим, шахсий билим, жамоавий билим инсоний билимларнинг тарихан дастлабки шакллариdir. Ноилмий, норационал билимларнинг алоҳида шакллари халқ фани деб аталадиган билимлардир. Ҳозирги даврда бу алоҳида гурӯҳ ва субъектларнинг ишига айланган. У асосан ёзувсиз, устоздан шогирдга берилади. Халқ фани этник бирликнинг тарихи, ҳаёт шароити, дунёкараши билан боғлиқ, инсон фаолиятининг ҳаётний, энг муҳим ҳисобланган соҳаларига (саломатлик, дехқончилик, чорвачилик, курилиш ва х.к.) қаратилган бўлади.

Юқорида қайд килинган ноилмий билим шакллари бир-биридан қатъий ажralиб турмайди. Норационал билимларни турлича туркумлаш мумкин. Уларни З кўринишга – нормал билимлар, псевдофан ва девиант фанларга ажратиш мумкин. Уларнинг илмий фаолият даражаси юқорига юксалиб боради, яъни нормал билимлардан псевдофанга ва ундан девиант фанга эволюция қилиб боради.

Нормал билимлар табиат сирлари ва ҳодисалар ортида яширган руҳий куч ҳамда муносабатлар ҳақидаги таълимотларни ўз ичига олади. Мистика ва спиритизм унинг ёрқин намуналариdir. Параметъёр билимлар қуйидаги икки хусусият билан ажralиб туради:

1. Парapsихологик тадқикот ва экспериментларнинг натижалари қайта тақрорланмайди.

2. Уларни башорат ва прогноз килиш имкони йўқ.

Псевдоилмий билимлар учун шов-шув бўлиб кетадиган сирли, муаммоли вазиятлар, шунингдек, далилларни усталик билан қайта ишлаш хос. Талқин орқали тадқиқ килиш ҳам унинг характерли белгисидир. Бундай билимларда ўз фойдасига талқин килишга имкон берадиган, маълум қарашларга туртки берадиган материал, фикр, маълумот киритилади. Шаклига кўра, у хикоя, у ёки бу ҳодисанинг тарихидан иборат бўлади. Бу “сценарий орқали тушунтириш” дейилади. Псевдоилмий билимнинг иккинчи муҳим белгиси – хатоликдан

**Бириинчи тип** – соглом фикр йўналишининг мөъёларга мувофиқ келмаслиги натижасида пайдо тип етарили даражада кенг тарқалган ва кишиларнинг жорий килинган. У нонормаллиги билан кишиларни майди, аксинча маҳсус маълумот ва маҳсус илмий индивиддинг кундалик дунёвий муносабатлари ва ўргасидаги номутаносибликни қайд килиб (масалан, гага бевосита мулокот вазиятларида ва б.) диккатини ўзига

**Иккинчи тип** – бир парадигма мөйөрларини билан таққослаганда келиб чикадиган билимлар.

**Учинчи тип** – иңсон фаолияти мутлако турлұча идеаллары құшилиши шароитида намоён бұладиган би-

Илмдан ташқары билимларни күп вактлардан сифатида қарамайдылар. Уларни баён килювчи күргина китоблар нашр қилинмоқда. Илмдан ташқары хилма-хил шакллари мавжуд бўлиб туар экан, демак, кондиришга хизмат килади. Рационализмнинг билими ва маънавиятигининг барча томонларини камраб ол ҳозирги замон олимлари билимнинг илмдан ривожланишини таъкидаш мумкин эмас, деб хисобла билимларни мутлаклаштираслик керак. Шу билан бирга бўладиган, дастлаб қанчалик шубҳали бўлмасин, кишине кечиб бўлмайди. Рационализмга асосланадиган анъана мурраккаб муаммоларга дучор килди. Уни ҳал билимлар ҳам туртки бўлиши мумкин.

тушунтиришлар ишончлиликнинг қаттиқ имтиҳонига бардош бера олади. Бу текширувда бардош бера олмаган билимлар ташлаб юборилади.

## ИЛМИЙ БИЛИМЛАРНИ ЧЕГАРАЛАШ МУАММОСИ

Хозирги замон илмий билимларининг ривожланиши учунг социомаданий жиҳатлари кенгайиб бораётганини намоён қилмоқда. Фанни билимнинг турли шакллари билан ўзаро таъсири тобора кучайиб бораётгани тенденциясини кузатиш мумкин. Билиш фаолиятининг бошқа соҳаларида – санъатда, фалсафада, ахлоқда, ҳукуқий ва сиёсий соҳада кундалик билиш соҳасида эришилаётган билимлар фан ривожига маълум дараҷада туртки бўлади. Бу билимлар дейишимиз мумкин, негаки улар ўзига хос бўлган илмий тадқиқотнинг натижалари эмас.

Илмий ва илмдан ташқари билимларнинг ўзаро муносабати муаммоси кўп киррали ҳамда ўзига хос жиҳатларга эга. Бугунги кунда фан ва оммавий маданият таъсири остида шаклланадиган ҳозирги кундалик ҳаётий онгнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш жуда долзарб аҳамият касб этади. Турли йўналишдаги псевдоилмий, эзотерик билимлар, ҳатто ўзини билагон кўрсатувчи ёлғон фикрлар янги илмий йўналиш кўринишида қайта тикланмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали уларнинг тарғиботи, оммавий онгнинг рационал тарқибий усусларини вайрон килиб, турли типдаги амалга ошмайдиган йўналишларни, келажак ҳолатларини, конфликтларни пайдо килиб, оммавий онгнинг алоҳида ҳолатини яратмоқда.

Фан ва псевдофанинг ҳозирги муносабатларини фалсафий таҳлил қилиш илмий билимларнинг хусусиятларини, уларнинг илмдан ташқари билимлардан фарқлаш мезонларини аниклаб олишини талаб этади.

Илмий фаолият билан шуғулланадиган одамда нима илмий, нима ноилмийлиги ҳакида интуитив ҳолда тасаввур мавжуд бўлади. Бу тасаввурлар асосан у қабул килган илмийликнинг идеаллиги ва меъёрлари тизими билан белгиланади. Тушунтириш ва қайд қилишнинг идеаллари ва меъёрлари, билимларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги, уларнинг тузилиши шулар жумласидандир.

Олим ўз профессионал тайёргарлиги жараёнида зарур билим ва методларни эгаллаб олади, шу билан бир қаторда исботлаш намуналарини, асослаш, текшириш, назария ва далилларни белгилаш усусларини ҳам ўзлаштириб олади. Натижада унда илмийликни тушунишни белгилайдиган интуиция пайдо бўлади. Бугунги кунда илмий билимнинг ўзига хос хусусиятларини, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини чукур англаш ҳар бир зиёли инсон учун зарур.

Инсон тажрибасининг шундай жиҳатлари борки, ижтимоий ҳаётни қайта ишлаб чиқариш ва ривожлантириш учун улар зарур. Бироқ фан, илмий билим уларни ифодалай олмайди. Уларни социомаданий қадрият аҳамиятига эга бўлган илмдан ташқари билимлар ифода қиласди. Таникли физик, Нобель мукофоти совриндори Р. Фейнман ўз вактида ҳазил килиб, ноилмий нарсаларнинг ҳаммаси ёмон эмас, масалан севги, деган эди. Бу гапда, шубҳасиз ҳақиқат зарралари бор. Ўз-ўзича, илмдан ташқаридаги билимлар инсон

тажрибасининг турли шаклларини намоён қилар экан, фан учун хавф туғдирмайды.

Фан – билимлар билан ўзаро таъсирда бўлиши, уларни ўз воситалари, методлари билан таҳлил килиши мумкин. Псевдофан эса, вирус каби фанга бегона, илмий тадқиқотга ҳалақит беради, фан билан никобланниб, унинг ичига кириб бориб, илмий тадқиқотчилик фаолиятини хавфли бузилишларга учратиши мумкин. Шунинг учун илмдан ташқари билимлар билан псевдофани фарқлаш керак. Псевдофан девиант фан, парафан, аксилифан, ёлғон фан каби атамалар билан ҳам қайд қилинади. Биз бу атамаларнинг маъноси, мазмуни ҳакида юқорида кисқача тўхтатланган эдик.

Бу ерда унинг илмий мақомга даъвогарлик қиласидан йўналишлари тўгрисида фикр юритамиз.

Булардан биринчи гурух – эзотерик ва мистик таълимотлар ва амалиётдир. Бу таълимотларни ҳозирги даврда ўзига хос илмий билимлар сифатида талқин қилишга, илмий шаклдаги атамалар билан қайд қилишга уринадилар. Бундай билимлар ва амалиёт маданият тарихида ҳамиша бўлган, уларни илмий методлар оркали ўрганиш мумкин, лекин уларнинг ўзи (езотерик ва мистик таълимотлар) фан бўла олмайди. Афсуски, ҳозирги кунда сехграрлар, экстрасенслар, афсунгарлар амалиётига фан мақомини беришга интилиш тенденцияси кузатилмоқда (масалан, парапсихология, муқобил тиббиёт). Бу амалиёт биомайдон, биомайдоннинг организмга таъсири каби тушунчалар оркали тавсифланади.

Дунёнинг ҳозирги илмий манзарасига муқобил бўлган дунёнинг ўзига хос манзараси тақдим қилинмоқда. Бунда икки турли ёндашув ва тушунчалар гурухи доимо алмаштириб юборилади: бир томондан- жонли организмга электромагнит майдонининг таъсири тушунчалари, иккинчи томондан – фанга маълум майдонлардан фарқ қиласидан алоҳида биомайдон тушунчасига ургу берадилар. Хужайралар ва кўпхужайрали организмлар пайдо қиласидан электромагнит майдонларни ўрганиш, шубҳасиз, илмий муаммолар сираасига киради. Лекин биомайдоннинг ноилмий талқини, экстрасенслар ва сехграрлар томонидан уни фан таркибиға киритишга уриниш фан доирасидан ташқарилади.

Бу аксилилмий концепциялар фан билан ёнма-ён мавжуд бўлган кундалик хаёт онги, сехгарлик, диний тажриба тасавурларини фан соҳасига олиб кириш, фан билан никобланниши натижасидадир. Нима учун диний-мифологик тажриба ҳозирги кунда илмий атамалар билан майдонга чиқмоқда ва илмий билим шакли сифатида талқин қилинмоқда? Бу ҳозирги замон тамаддунининг маданиятида фаннинг алоҳида мақоми билан боғлик. Фан ҳозирги замон жамият кишиларининг дунёкараши шаклланишида фаол иштирок этмоқда, унинг исботлаш воситалари, усуслари ва билимлари инсон фаолиятининг турли соҳаларида карор чиқариш асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Илмий рационализмнинг устун қадрияти маданиятнинг бошқа соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Миф ва дин унинг таъсирида янгиланмоқда. Натижада улар ва дин ўргасида парайлмий концепциялар пайдо бўлиб, фанда ўз ўрнини топишга уринмоқда.

Аксиллмий концепцияларнинг яна бир гурухи фаннинг ўз ичидаги айрим ҳолатлари билан боғлиқ. Баъзан у ёки бу ғояларга ҳаддан зиёд берилиб кетган кўпгина олимлар, етарли асосга эга бўлмасалар-да, дунёнинг илмий манзарасини тубдан ўзгартирганикларини даъво қиласидар. Бу шароитда ҳокимиятга таяниб, оммавий аҳборот воситалари оркали ижтимоий қарашларга мурожаат қилиб “уз қашфиётлари”ни химоя қилишга уринадилар. Обрў ва кучни қайта тақсимлаш учун кураш бошланади. Олим, ҳеч ким тан олмаса ҳам, фанда тўнтариш ясашга ишониши ҳам мумкин. Фан тарихидан бундай ҳодисаларга кўплаб мисоллар келтириша бўлади.

Псевдофанга кирувчи псевдоназарий концепцияларга ҳам фан тарихи гувоҳлик беради. Умуман, фан ва псевдофан муносабатларини кескинлаштирадиган икки гурух сабабларни кўрсатиш мумкин.

**Биринчиси** – маданиятлар диалоги жараёнида янги қадриятларни излаш билан боғлиқ ижтимоий характердаги сабаблар. Буни ҳозирги замон постиндустриал ривожланиши шароитида фан мақомининг ўзгариши янада кескинлаштироқда.

**Иккинчиси** – янада дифференциациялашадиган илмий билимларнинг интеграция жараёни орқада қолаётганилиги билан боғлиқ фандаги ички характердаги сабаблардир.

Фан ва псевдофан ўртасидаги муносабатлар мураккаблашадиган ҳозирги даврда илмий билимларни демаркациялаш (чегаралаш) муаммоси ўз долзарблигини йўқотмайди. Биз бу ерда илмий билимларни чегаралаш тамоилларини кўриб чиқамиз.

Илмий билимларни илмий бўлмаган билимлардан қандай чегаралашиб мумкин? Олимлар буни жуда қийин бўлмаган масала деб хисоблайдилар. Яъни: ҳозирги замон фанининг далиллари ва қонуниятларига мос келмаган билимлар илмий эмас. Парапсихологлар, астрологлар, ноанъянавий даволовчилар, номаълум учар обьектларининг тадқиқотчилари, Миср пирамидаларининг рухлари, Бермуд учбurchаги ҳакида ва б. кўплаб билимлар ана шундай билимлардир. Улар дунёнинг илмий манзарасига мос келмайди.

Лекин юкорида эслатилган маълумотларнинг тарафдорлари карши далиллар келтиришлари мумкин. Улар эслатишлари мумкинки: сайдераларнинг ҳаракат қоидаларини каашф этган Кеплер шу билан бир вақтда астролог бўлган, буюк Ньютон эса алхимия билан жиддий шуғулланган, буюк рус кимёгари, академик А. М. Бутлеров парапсихологларни кизгин қўллаб-куvvatлаган. Француз академияси эса XVIII асрда рельсларда юрадиган буғ машинаси ҳаракати лойиҳаларини амалга ошмайдиган деб ва Ерга метеоритларнинг тушганлиги ҳакидаги маълумотларни ноилмий деб эълон қилганлигини эслатиш мумкин. Илмий билим вакиллари тан олмаган, қарашлари хато чиқиб қолган ҳодисалар кўп, аксинча, парайлмий билим вакиллари мулоҳазалари ҳакиқат бўлган ҳоллар учраб туради.

Агар олимлар ўзларини оклашга, бунинг сабабларини тушунтиришга уринганларида вақт ҳам, чидам ҳам, куч ҳам етмасди. Фан файласуфлари демаркация муаммосини ҳал қилишнинг тубдан ўзгача стратегиясини таклиф қиласидар: “Сизнинг назарияларингиз ва маълумотларингиз ҳакида чин ёки

хато деб айтиш мумкин эмас, дейдилар улар, гарчи биринчи қараганда илмий назарияларни эслатсалар ҳам, аслида бошқача тузилган. Улар хато ҳам, чин ҳам эмас, улар маъносиздир ёки юмшоқроқ қилиб айтганда билиш аҳамиятидан мосуву бўлган.

Илмий назария хато бўлиши мумкин, лекин бу ҳолда ҳам улар илмий бўлиб қолаверади. Сизнинг “назарияларингиз” ўзгача йўналишида, улар ҳозирги замон мифологияси ёки фольклори ролини ўйнашлари мумкин, кишиларнинг руҳий ҳолатларига ижобий таъсир қилишлари, уларга қандайдир умид бағишлиашлари мумкин ва ҳоказо, лекин уларнинг илмий билимларга ҳеч қандай алоқаси йўқ”.

У ёки бу тушунча, мулоҳазани англашнинг дастлабки мезони Юм ва Кантта маълум бўлган. Бу тушунчанинг тажриба билан муносабатидир. Агар қайсиdir тушунчада ифодаланган обьектларни ҳиссий тажрибада кўрсатиш мумкин бўлмаса, улар маънодан маҳрум, қурук товуш бўлиб қолади. XX асрда Вена тўгараги позитивистларида бу талаб верификация принципи номи билан аталди.

Верификация – лотинча сўз бўлиб, ҳақиқатни исбот қилмоқ маъносини билдиради. Бунинг асосида шундай коида ётади: билим ҳиссий тажрибалардан ташкарида бўлиши мумкин эмас; дунё ҳақида ҳар қандай мулоҳазанинг чинлиги ёки, уни ҳиссий маълумотларга таққослаш йўли билан (бевосита верификация) ёки қандайдир мулоҳазани тўғридан тўғри верификация қилинадиган бошқа мулоҳазадан мантиқан келтириб чиқариш йўли билан (бивосита верификация) аниқлаш мумкин.

Парapsихолог, астролог “биомайдон”, “космос кучи”, энергетика ва шунга ўхшац тушунчалар ҳақида гапирав экан, бу тушунча асосида ётган, у ёки бу ҳолатда кузатиш мумкин бўлган, қандайдир эмпирик йўл билан қайд қилинадиган предмет борми, деб ўйлаш мумкин. Маълум бўладики, ҳеч қанақа бундай нарса йўқ ва демак, бу сўзлар маъносиз тушунчалардир. Бундай маъносиз тушунчалар рационал фикрлайдиган, фаннинг аҳамиятини тан оладиган кишилар тилига кирмаслиги керак.

Ҳозирги фалсафий адабиётларда верификациялаш мезони ўта кўпол, ноаниқ, фан соҳасини жуда торайтириб қўяди, деган таъкидларни учратиш мумкин. Дарҳақиқат, бу тўғри. Лекин жуда кўп вазиятларда бу мезон дастлабки босқичда илмий мулоҳазаларни турли даражадаги ноилмий таълимотлардан ажралишига имкон беради.

Демаркациянинг бу мезони нозик вазиятларда чекланганлигини кўрсатади. Масалан, марксизм, психоанализ каби катта таъсирга эга бўлган таълимотларни олиб қарайлик. К. Маркс ҳам, З. Фрейд ҳам, уларнинг кўпдан кўп издошлари ҳам бу таълимотларни илмий деб ҳисоблаганлар. Бу таълимотларнинг кўпгина хулосалари верификация қилинганлигини, яъни эмпирик далиллар орқали тасдиқланганлигини инкор қилиб бўлмайди. Марксизмнинг айрим мулоҳазалари реал кузатилиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг кечишида, психоанализнинг клиник амалиётида бунинг тасдиғини кўриш мумкин. Лекин кўпгина олимлар ва файласуфлар бу назарияларни ҳеч бир истисносиз илмий назариялар категорига

күшиб бўлмаслигини интуитив равишда ҳис қилганлар. Бу борада К. Поппер энг изчил ҳаракат қилди.

У талабалик йилларидаёқ марксизм билан ҳам, психотаҳлил билан ҳам кизикди, психоанализнинг бир варианти асосчиси А. Адлер билан ҳамкорликда ишлади.

Лекин унда тез вактларда бу таълимотларнинг илмийлигига шубҳа уйгона бошлади. “Мен, - деб ёзди К. Поппер, - Маркс, Фрейд ва Адлернинг тарафдорлари бўлган менинг дўстларимда шу нарсани билдимки, улар бу назариялар учун умумий бўлган айрим вазиятларнинг, хусусан, уларнинг яққол тушунтирувчи кучи таъсири остида қолганлар.

Бу назариялар ўзлари тасвирлайдиган соҳада нимаики содир бўлса, амалда ҳаммасини тушунтиришга лаёкатли бўлиб туюлади. Улардан исталганини ўрганиш, гўёки билмаётдиганлардан яширин бўлган янги ҳақиқатларга бизнинг кўзимизни очадиган, тўла маънавий қайта туғилишга олиб келадигандек эди. Бир куни кўзимиз очилар экан, ҳамма жойда тасдиқловчи мисолларни кўрамиз: дунё назарияларнинг верификациясига тўладир. Нима бўлган бўлса, ҳаммасини тасдиқлайсиз. Шунинг учун назариянинг чинлиги яққол кўринади ва унга шубҳа билан қаровчилар, уларнинг синфий маңбаатларига мос келмаганилиги учун ёки уларнинг ҳозиргача тушунарли бўлмаган, даволанишга муҳтоҷ бўлган тушунликларнинг кучи остида яққол ҳақиқатни тан олишдан бош тортганларидан туюлади”<sup>1</sup>.

Бу вазият ҳақида мулоҳаза юритар экан, Поппер шундай хулосага келади: деярли ҳар қандай усталик билан яратилган назариянинг эмпирик тасдигини, верификацияни олиш қийин эмас. Лекин ҳақиқий илмий назария кўпроқ, кучлироқ текширувга дош бериши керак. Улардан шундай далиллар ва кузатиладиган оқибатлар келиб чиқиши керакки, агар улар воқеиликда кузатилмаса, назарияни инкор қила олишлари керак. Вена тўғараги аъзолари олга сурган верификациялаш илмийликнинг мезони бўлиши керак эмас. Фан ва ноилмий билимларнинг демаркациясига кўра фанга мансуб бўлган ҳар қандай мулоҳаза принципиал жиҳатдан инкор қилинадиган бўлиши керак.

Поппер ўз методини фальсификация методи, деб атади. Фальсификация лотинча falsus – “хато, ёлғон”, facio – “қиламан” сўзларидан олинган бўлиб, инкор қилиш маъносини билдиради. Бу метод ҳар қандай назарий қоидани унга зид келадиган эмпирик далилларнинг мавжудлиги ҳақидаги билимлар асосида принципиал жиҳатдан инкор қилиш имкониятини назарда тутади.

Шуни айтиш керакки, олға сурилган назарияни ёки танқидий муносабатларнинг зарурлиги ҳақидаги гояни дастлаб ишлаб чиқкан Поппер эмас. Бу фикр Р. Декартнинг (1596 – 1650 й.) шубҳаланиш методида ифодаланган. Ўз навбатида Ф. Бекон (1561 – 1626 й.) индуктив методни асослашда инкор қилиш назариясини шундай тушунтирган: тадқиқотчи “негатив инстанцияларга” бирламчи аҳамият бериши керак. “Ижобий

<sup>1</sup> Поппер К. Логика и рост научного знания.- М., 1983, 242-с.

инстанциялар”дан фарқ қилиб, “негатив инстанциялар” индуктив умумлаштиришларни тасдиқламайды, улар билан зиддиятда бўлади, масалан, шубҳа остига кўяди. Беконга кўра, инкор килувчи далилларни излаш билимдаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Поппернинг методологик ғоялари, шубҳасиз, прагматизм фалсафасининг асосчиларидан бири Ч. Пирснинг (1839 – 1914 й.) фаллибилизм деб аталган методологияси билан ҳам боғлиқдир. “Фаллибилизм” инглизча сўзлардан олинган бўлиб, ишончсиз, хатоларга учраган, деган маъноларни ифодалайди. Пирс фикрича, гипотезани унинг имкониятдаги барча оқибатларини экспериментал текшириш мумкин бўлгандиги учун вақтинча қабул қилиш керак. Бир методнинг оғишмай кўлланилиши охир-оқибатда гипотезанинг далиллар билан номувофиқлигини, номувофиқ бўлса, албатта намоён қиласи. Шундай қилиб, ҳар қандай илмий мулоҳазани инкор қилиш мумкин ва дарҳол ундан воз кечилади.

Поппер бу ғояларни янада такомиллаштириди. Унинг фикрича, илмий рационалликнинг асосий мезони билимнинг исботланганлиги ва тасдиқ топгандиги эмас, унинг инкор қилинишидир. Фанда факат у ёки бу назарияни тасдиқлайдиган эмпирик далилларгагина эмас, балки “норационал фальсификатор”ларга асосланиш лозим. Айни вақтда қайд қилинмаган ва мазкур назарияга зид келадиган эмпирик маълумотлар бўлиши мумкин. “Агар бўш бўлмаган классда бир типдаги мулоҳазаларнинг биргинаси мавжуд бўлса ҳам, яъни унинг потенциал фальсификаторлари бўш бўлмаса, назария фальсификация қилинган бўлади” – деб ёзди Поппер ўзининг “Илмий тадқиқот лойиҳаси” асарида.

Илмий ва рационал назария у тақиқлайдиган ва долзарб назорат уни инкор қиласиган эмпирик оқибатларга имкон берсагина, назария ролида майдонга чиқиши мумкин. Поппернинг холосасига кўра, тушунтириш текшириладиган ва фальсификация қилинадиган универсал қонунларнинг атамаларида ва бошлангич шароитларда амалга оширилса, қаноатланарли бўлиши мумкин. Илмий фаолият унинг назариялари ва қонунлари фальсификация учун очик бўлган тақдирдагина ўз рационаллитини саклаб қолишга лаёкатлидир. Шундагина олга суриладиган назарияларга доимий танқидий муносабат ва уларни фальсификация қилишга доимо тайёрлаш мумкин бўлади.

Поппер фалсафасида фальсификация методологик методи фаннинг тамал тоши сифатида майдонга чиқади, фаннинг объективлиги ва рационаллиги мезонининг асоси ва энг муҳими, фан ва фан методологияси, базавий муаммоларини ҳал қилишининг асоси – фан ва ноилмий билимлар демаркациясининг мезони бўлиб хизмат қиласи. Ҳақиқий илмий назариягина фальсификация учун очик ва фальсификацияга лаёкатлидир. Ўз қоидаларининг тасдиғи учун ягона имконият сифатида верификациация принципи қўлланадиган назарияларни илмий деб бўлмайди, негаки инкор қиласлик назариянинг устунлиги эмас аксинча, камчилигидир.

3. Фрейднинг психоанализи ана шундай назариядир. Бу назария тарафдорлари уқтиришича, уларнинг илмий тадқиқотлари “клиник

кузатишлар” орқали албатта верификация қилинади. Психоанализнинг барча қоидалари тасдикланиши ва улардан ҳеч бири танқид ва инкор қилинмаслиги далили унинг ноилмий эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Поппернинг нұқтаи назарига күра, психоаналитикларнинг клиник кузатишлари психоаналитик назариянинг ўзи нұқтаи назаридан талқинларидир. Улар ўздари талқин қилинадиган назария доирасида назарияни тасдиқловчи деб қаралади. Ҳолбуки, текширишнинг вазифаси асос йұналишга зид келувчи холатларни топишдан иборатдир. Назарияларнинг фальсификация қилиниши учун унинг эпистемиологик асоси тажрибаларига боғлик бўлмаслиги керак, факат шундагина уни тажриба билан таққослаш ҳақиқий исботловчи мазмун касб этади. Акс ҳолда назария ўз доирасида эркин параметларни доимо ўз мазмунида саклайди ва уни эксперимент билан мослиги тавтологияга айланади.

Тажрибадан ташқаридаги принциплар асосига қурилган назарияларни феноменологик назариялардан ажратиб, онтологик назариялар деб аташ мумкин. Уларнинг ўзига хослиги ўз асосларининг ўзида мавжудлиги ва ташки тажрибадан мустақиллигидир. Бундай назариялар фальсификация қилинса ҳам уларнинг асосида тажриба билан ҳам, соғлом фикр билан ҳам мос келмайдиган (сигишмайдиган) норационал гипотеза ётади. Дунёни бошқарадиган тажрибадан ташқаридаги кўл сифатидаги Худо ҳақида гипотеза ана шундай ақлдан ташқаридаги гипотезадир.

Поппернинг фальсификациялаш методи илмий билимларнинг гипотетик характеристерини, доимий ривожланиб бориши зарурлигини тасдиқлайди.

## ТЕСТЛАР

### 1. Ахборот нима?

- A) нарса-ходисалар ҳақидағи белгининг узатилиши ва қабул қилиниши;
- B) ўзаро таъсир;
- C) билимнинг моддий ифодаси;
- D) илмий асосланмаган билим.

### 2. Эътиқод ва билимнинг боғлиқлиги қандай?

- A) билим эътиқодга асосланади;
- B) эътиқод билимга асосланади;
- C) бир-бирига асос бўлади;
- D) эътиқод факат илмий билим билан боғлиқ;
- D) билим ва эътиқод – ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳодисалар.

### 3. Қадриятли муносабат инсоннинг қайси билим шаклида мухим ўрин тутади?

- A) илмий билишда;
- B) бадиий билишда;
- C) ишончли билимда;
- D) барча билимларда;
- D) жавоб йўқ.

**4. Илмий билимнинг ўзига хос хусусиятлари қайси каторда:**

- А) дунёни предметли-объектни ўрганиш;
- Б) оммавий амалий фаолиятдан ташкаридаги объексларни ўрганиш;
- В) ўзига хос усуллар ва воситалар билан иш кўриш;
- Г) натижалари ва субъектининг ўзига хослиги;
- Д) ҳаммаси тўғри.

**5. Қайси билим хато бўлиб чиқса-да, ўз ўрнини йўқотмайди?**

- А) диний билимлар;
- Б) порапсихологик билимлар;
- В) муқобил тиббий билимлар;
- Г) илмий билимлар;
- Д) квазиилмий билимлар.

**6. Верификация принципининг чекланганилиги нималарда намоён бўлади?**

- А) ҳамма илмий билимларни верификация қилиб бўлмаслигига;
- Б) ноилмий таълимотлар айrim хуносаларнинг верификация қилинишида;
- В) илмий билимларнинг тараққиётини тўла ифода эта олмаслигига;
- Г) ҳамма жавоб тўғри;
- Д) А ва Б жавоблар тўғри.

**7. Фалисификация принципини қайси фикр тўғри ифодалайди?**

- А) тажрибада тасдиқланган билим илмийдир;
- Б) мантиқ синовига дош берган билим илмийдир;
- В) воқеликни тўғри акс эттирган билим илмийдир;
- Г) ҳеч қачон инкор қилинмайдиган билим илмийдир;
- Д) инкор қилинадиган билим илмийдир.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Узбекистон, 2010.
3. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Мақолалар тўплами. -Т.: Чўлпонномидаги нашриёт-матбаа тадқикот уйи, 2008.
4. Лебедев С. А. Уровни научного познания // Вопросы философии, 2010, № 1.
5. Золотухин В.Е. История и философия науки. Для аспирантов и соискателей. -М.: Ростов-на-Дону. Изд.центр “MapT”, 2006.
6. Мухторов А., Никитченко Г. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., 2007.
7. Саифназаров Н., Қосимов Б., Никитченко Г. Илмий тадқикот методологияси. -Т., 2003.
8. Фалсафа. Дарслик. -Т., 2006.
9. Фокина Н.И. Современная западная философия (вторая половина XIX века и XX век). Учебник. -М.: Проспект, 2009.

## **5-мавзу. ИЛМИЙ БИЛИШНИНГ ДАРАЖАЛАРИ**

- 5.1. Эмпирик билим.
2. Назарий билим.
3. Метаназарий билим.

**Таянч тушунчалар:** билим объекти, илмий билим объекти, эмпирик билим, назарий билим, эмпирик концепциялар, феноменологик назария, назарий концептлар, метаназарий билим, дунёнинг умумилмий манзараси, классик фан, ноклассик фан, постноклассик фан, умумилмий методологик принцип, аксиологик принцип, фанинг фалсафий асослари.

### **ЭМПИРИК БИЛИМ ВА УНИНГ ИНСОН БИЛИШИДАГИ ЎРНИ**

Илмий билим даражалари муаммоси ҳозирги замон фалсафасидаги бош мавзулардан биридир. Анъанага кўра, илмий билимнинг икки асосий даражаси: эмпирик ва назарий билимлар ажратилиб кўрсатилади. Бироқ, сўнгти йилларда камида уч даражали модел: эмпирик, назарий ва метаназарий билимлар ҳакида мулоҳазалар тез-тез кўзга ташланмоқда.

Илмий билим асосан билишнинг рационал боскичи (тафакур) фаолиятининг натижасидир. “Хиссийлик-рационаллик” когнитив оппозициясидан фарқ қилиб, “эмпириклик-назарийлик” рационал билим турли кўринишларининг қарама-карши томонларидир. Қанча кўп ва муҳим бўлмасин, хиссий маълумотлар ўзи-ўзига илмий бўла олмайдилар. Бу мулоҳаза, агар қайта ишланмаса ва символик ёки тушунчавий тил шаклида ифодаланмаса (диаграммалар, графиклар, эмпирик тил тушунчалари, фикрлар ва х.к.), илмий кузатиш ва экспериментга ҳам тегишилдир.

Илмий билим рефлексив онгнинг (инсон ички дунёсига йўналган онгнинг) эмас, объектли онгнинг фаолияти натижасидир. Бу эмпирик билимга нисбатан яққол намоён бўлади, чунки у онг билан хиссий қабул килинадиган объектлар ўзаро таъсирининг натижасидир. Худди шунга ўхшаш назарий билим ҳам идеал объектили онг фаолияти хосиласи ҳисобланади.

Эмпирик билимнинг чегараси фаҳм имкониятлари билан бөглиқ. Фаҳм – тафаккурнинг дастлабки даражаси бўлиб, мавхум тушунчалар билан ўзгармас схема доирасида, илгаридан белгиланган намунага, қатъий стандартга асосланиб ишлашдир. Фаҳм маълум вазифаларни амалга оширишга йўналган (4-шакл).

### **4-шакл. Фаҳмнинг асосий фаолият турлари**

1.	Изчил ва аниқ мулоҳаза юритиш.
2.	Фикрларни мантиқ асосида, тўғри тузиш.
3.	Фикрларни туркумларга ажратиш.
4.	Далилларни тизимга солиш.

Бу – изчил ва аниқ мулоҳаза юритиш, ўз фикрларини тўғри тузиш, аниқ туркумлаш, далилларни тизимга солишидир. Бунда онгли равища ривожланиш тамойилидан узоқлашилади. Нарсалар ўртасидаги ўзаро алоқа ва уларни ифодаловчи тушунчалар барқарор, ўзгармас деб қаралади. Фаҳмнинг бош

функцияси – ажратиши ва ҳисоблаштириши. Тафаккур умуман фаҳмсиз мүмкін эмас, у ҳар доим зарур.

Бирок фаҳмни мутлаклаштириш метафизикага олиб боради. Фаҳм – кундальық ҳаёт тафаккури ёки бошқача айтганда, соғлом фикрdir. Фаҳмнинг мантиги формал мантиқ бўлиб, мулоҳазалар ва исботлар тузилмасини ўрганади, уларнинг мазмунига эмас, “тайёр” билимларнинг шаклига диккат қилади. Кўринадики, фаҳм эмпирик билиш талабларига тўла жавоб беради. Фаҳмнинг фаолияти ҳиссий маълумот материалларига мавхумлаштириш, таҳлил, умумлаштириш, индукция, эмпирик қонунлар гипотезасини олга суриш, улардан дедуктив чиқарилган хуносаларни тасдиқлаш ёки асослаш кабиларда намоён бўлади.

Эмпирик билишнинг табиатини тушуниш учун обьектларнинг сифат жиҳатдан уч турини фарқламоқ керак. Буюк олим А. Эйнштейн сўзлари билан айтадиган бўлсак, улар кўйидагича:

1. Ўз – ўзича нарсалар (“объектлар”).
2. Уларни ҳислар ёрдамида тасаввур қилиш (“ҳиссий обьектлар”).
3. Эмпирик мавхум обьектлар.

Ўз – ўзича нарсалар, яъни обьектлар чексиз ҳусусиятларга эга, мазмунан бой. Биз уларнинг бир қисминигина ҳис қилишимиз мүмкін. Ҳиссий обьектлар онгнинг “нарса ўзи”дани мақсадли ўйналицида, яъни унинг биз учун муҳим, аҳамиятли жиҳатларини танлаб олиш, ўзига хос тозалаб олиш (фильтрдан ўтказиш) демакдир. Худди шундай танлаб олиши билишнинг эмпирик, фаҳмлаш даражасида ҳам бўлади. Ҳиссий обьектлардан мақсадга хизмат қилувчи муҳим сифатларини, ҳусусиятларини танлаб олиш натижасида эмпирик обьект шаклланади. Фарқи шундаки, ҳиссий обьектдан эмпирик обьект шаклланишида, обьектдан ҳиссий обьект шаклланишига нисбатан “танлашлар”, “тозалашлар” сони ва онгнинг фаоллиги ошади. Эмпирик обьект шаклланишида “тозалашлар” сони камида 5 та бўлиши мүмкін (5-шакл).

Ҳиссий ва эмпирик билим мазмунлари ўзаро қанчалик яқин бўлмасин, улар онтологияси ва мавжудлик шаклларининг сифатига кўра фарқланадилар. Шунинг учун (ҳиссий билишда ҳиссий образлар кўплиги, эмпирик билишда мантикий мулоҳазалар) улар ўртасида биридан иккincinnisinинг келиб чиқиши муносабати бўлиши мүмкін эмас, яъни эмпирик билим ҳиссий билимдан тўғридан тўғри келиб чиқмайди. Бу мулоҳаза кўйидагиларни англатади:

1. Эмпирик билим кузатиши ва эксперимент маълумотларини мантикий умумлаштирилиши натижаси эмас;
2. Кузатиши ва эксперимент маълумотлари эмпирик маълумотлардан мантиқан келтириб чиқарилмайди.

#### 5-шакл. Эмпирик обьектнинг шаклланишида тозаланишлар

1.	Билиш ва амалий ўйналганлик.
2.	Фаҳмнинг имкониятлари.
3.	Тил талаблари.
4.	Эмпирик билишнинг ўлгари тўпланган зяхиралари.
5.	Мавжуд илмий назарияларнинг талқин қилини салоҳияти.

Улар ўртасида бошқа типдаги муносабатлар: моделлаштириш (репрезентация) ва интерпретация (талқин) амал қилади. Эмпирик билим ҳиссий билимнинг тушунчали-дискурс моделидир, ҳиссий билиш эса эмпирик билишнинг интерпретацияси шаклларидан биридир.

Мантикий келтириб чиқариш муносабати эмпирик билимнинг ўзида бўлади. Эмпирик билиш мураккаб тузилмага эга(б-шакл). Унинг дастлабки унсури алоҳида мулоҳазалардир. Улар алоҳида кузатишлар натижасининг дискурс (илгариги мулоҳаза билан асосланиши) қайд қилинишидан ташкил топади. Алоҳида мулоҳазаларнинг тузилишида одатда аниқ вақт, кузатиш жойи қайд қилинади.

Фан – олий даражада мақсадга йўналган когнитив фаолиятдир. Унда кузатиш ва экспериментлар аниқ мақсадга йўналган бўлади. Эмпирик билишнинг иккинчи унсури далиллардир. Илмий далиллар алоҳида мулоҳазаларнинг индуктив умумлашмасидан иборатdir. Далиллар статистик ёки универсал характердаги умумий тасдиқлар ҳисобланади. Улар ўрганилаётган соҳадаги айрим сифат ва муносабатларни (кўпинча уларнинг микдорини) қайд қилади. Бу сифат ва муносабатларнинг символик ифодаси графиклар, диаграммалар, жадваллар, таснифлар, математик моделлар ва шу кабиларда намоён бўлади.

Эмпирик билишнинг учинчи элементи турли кўринишдаги (функционал, сабабий, тузилмавий, динамик, статик ва б.) эмпирик қонунлардир. Илмий қонунлар маконий ва замоний доимийликка эга ҳодисалар, ҳолатлар ёки сифатлар ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида кўринишини қайд қилади. Улар далиллар каби умумийлик кванторига эга. Масалан, “Барча моддий жисмлар иссиқликдан кенгаяди”, “Барча металлар электр токини ўтказади”, “Барча китлар сут эмизувчидир” кабилар умумийлик кванторига эга эмпирик қонунлардир.

Илмий эмпирик қонунлар умумлаштириш натижасидир. Улар санаш орқали, элиминатив (чиқариб ташлаш), акс дедукция, тасдиқловчи индукциялар орқали амалга ошади.

Эмпирик билишнинг энг умумий кўриниши феноменологик назариялардир. Феноменологик назариялар эмпирик қонунлар тизими, уларнинг мантикий уюшган кўплигидан иборат. Улар эмпирик билим уюшувининг олий шакли бўлиб, гипотетик характерга эга.

#### 6-шакл. Эмпирик билишнинг тузилмаси



## **НАЗАРИЙ БИЛИМ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА МОҲИЯТИ**

Назарий билиш рационал онгнинг конструктив қисми -акл фаолиятининг натижасидир. Фаҳмдан фарқ қилиб, акл фаолияти онгнинг ўзига, ичкарига йўналган, ташки дунё билан контактта эмас, ўз мазмунини очишга йўналган бўлади. Акл фаолиятининг мөҳиятини ўзига етарли ва ўзи учун эркин когнитив тадқиқот деб таърифлаш мумкин. Назарий тафаккурнинг асосий мантикий усуллари идеаллаштириш ва интеллектуал интуициядир. Уларнинг мақсади ва натижаси – предметларнинг алоҳида типи “идеал обьектлар”ни яратиш. Идеал обьектлар дунёси назарий билишнинг онтологик асосидир (базасидир).

Илмий назария идеал обьектлар, уларнинг сифатлари, муносабатлари, ўзгаришларининг конкрет типи ҳакида кўп мулоҳазаларнинг мантикий уюшганилигиdir. Геометрик нуқта, сон – математикада, инерция, мутлақ макон, мутлақ суюқлик, математик маятник, мутлақ қора жисм – физикада, қиймат, товар, фойда – иқтисодиётда, жамият қатламлари, ижтимоий – иқтисодий формация, цивилизация – социологияда ана шундай идеал обьектлар ҳисобланади.

Фанда идеал обьектлар қандай яратилади ва улар эмпирик обьектлардан қандай хусусиятларига кўра фарқ қиласди?

Одатда идеаллаштириш эмпирик обьектларнинг кузатиладиган сифатларидан мантиқан мумкин бўлган даражагача фикран ўтиш деб талкин қилинади. Идеал обьектларни яратиша бундай фикран ўтиш нимаси билан характерли? Бунда З мухим ҳолатни қайд этиш ўринлидир:

1. Фикр ҳаракатининг бошлангич пункти – эмпирик обьектлар, унинг сифат ва муносабатлари;

2. Фикрий ҳаракат – максимал даражада;

3. Гўё соғ микдорий ҳаракат натижасида тафаккур ҳиссий кузатиб бўлмайдиган сифатларга эга назарий обьектни яратади. Бу идеал обьект яратишнинг биринчи усулидир.

Идеал обьект яратишнинг иккинчи, оддий усули уларни гипотетик ёки таърифига кўра назарий ва мантикий муаммоларни ҳал қилиш учун кўллаш (бу асосан математикада мавжуд).

Назарий табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар биринчиси билан математика ва мантиқ иккинчи усул билан иш кўради.

Шуну айтиш керакки, идеал обьектларда реал обьектда мавжуд бўлмаган нарсалар, хусусиятлар ҳам яратилади. Масалан, моддий нуқта ҳажмга эга бўлмаган, аммо нарсанинг бутун массасини ўзида мужассам қилган жисм сифатида тасаввур қилинади. Бундай нарса табиатда йўқ. Бу – предметнинг биз учун мухим бўлмаган боғланиши ва белгиларидан узоклашиб (воз кечиб), фақат мөҳиятини ифодаловчи боғланиш ва белгиларни ажратиб оловчи, фикрий конструкция натижасида хосил қилинган идеал обьектдир. Зотан, назарий билишнинг бош вазифаси мөҳияти соғ ҳолда билишдир.

Идеаллаштиришдан ташқари назарий билишнинг мухим методлари – Фикрий эксперимент, математик гипотеза, назарий моделлаштириш, Формаллаштириш, аксиоматик ва илмий назария яратишнинг генетик-конструктив методлари ва бошқалар.

Эйнштейннинг фикрича, ақл маҳсулотини асослашнинг икки усули мавжуд. Биринчиси – ташки усул бўлиб, ақл маҳсулотининг амалий фойдалилигини асослаша талабидан иборат. Иккинчиси – ички усул бўлиб, ички мукаммаллик, мантикий йўғунлашув, назарий дунёнинг ўсиши, назарий муаммоларни самарали ечиш ва янгиларини кўйиш талабидан иборат.

Идеал объектларнинг зарурлигини тушунтириш масаласида икки нуткани назар мавжуд: инструменталистик ва эссенциалистик тушунтиришлар. Инструменталистик қарашнинг моҳиятини Э. Мах асослаб берган.

Унинг фикрича, илмий назариянинг бош мақсади – эмпирик информацияни тежамли тақдим килиш лаёқатидир. Бу мақсадни амалга ошириш усули эмпирологиянинг назарий моделларини яратишдан иборат, токи улар нисбатан оз бўлган назарий йўл кўйишлардан максимал эмпирик оқибатлар келиб чикишини таъминласин. Эссенциалистик талқинга кўра, идеал объектлар ва илмий назариялар дунёнинг объектив моҳиятга эга мазмунини кайд киласди, эмпирик билиш эса факат ходисалар дунёси билан чегараланади.

Эмпирик ва назарий билишларнинг инсон илмий билишидаги ўринларини, моҳиятини яққол тасаввур қилиш учун уларни таққосласак, ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари кўринади.

Эмпирик ва назарий билишнинг ўзаро муносабати масаласи улар ўртасидаги тафовутларни аниқлаш билан ҳал килинмайди. Бу мураккаб жараён бўлиб, масалани чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этади.

#### 7-шакл. Эмпирик ва назарий билишнинг тафовутлари

№	Эмпирик билиш	Назарий билиш
1.	Тадқиқотчнинг ўрганилаётган объект билан бевосита амалий таъсирига асосланади. Кузатиш ва экспериментал фаoliyatni тақозо киласди. Кузатиш ва эксперимент учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа воситалар кўлланилади	Урганилаётган объект билан бевосита амалий ўзаро таъсири мингум бўлмайди. Объект фикрий эксперимент ордилигини ўрганилаётган тақозо этади
2.	Эмпирик объект (эмпирик атамалар) билан иш кўради	Идеалланган объектлар билан иш кўради. Улар эса ахолийнинг мантикий реконструкциясидар
3.	Асосий усуллари – реал кузатиш, реал эксперимент ва эмпирик қайд қилиш	Асосий усуллари – идеаллантириш (идеалланган объектни яратиш), фикрий эксперимент, назарий яратиш усуллари (мангумонидан конкретлош). Унинг ахолияти, гипотетик-дедуктив ва бошқа методлар, тарихийлик ва мантикийлик
4.	Ходисаларни, улар ўртасидаги боғланишларни билишга йўналган	Моҳиятли боғланишларни схрятишга, катор конунларнинг ўзаро таъсирини аниқлаб, моздудларни сор ходиса очилишга буталдан
5.	Тажрибани индуктив умумлаштириш натижаси, эҳтимолий-чин билимдир	Ҳар доим чиг билим

Эмпирик ва назарий билишнинг ўзаро муносабати икки таъкиднинг зиддиятсизлигига асосланади:

тасдиклаши ҳам, инкор қилиши ҳам мумкин эмас. Бу муаммо билишнинг метаназарий даражаси орқали ҳал қилиниши мумкин.

## МЕТАНАЗАРИЙ БИЛИМ

Илмий билим тузилмасида эмпирик ва назарий даражалардан ташқари учинчи, улар билан таққослаганда янада умумийроқ бўлган – метаназарий даражага ҳам диққат қилиш зарур. У икки кичик даражадан ташкил топади:

- 1) умумилмий билимлар;
- 2) фаннинг фалсафий асосланиси.

Бу кичик даражалар ҳар бирининг табиати қандай ва уларнинг бажарадиган функциялари нимадан иборат? Метаназарий билим биз юқорида кўриб чиқкан илмий билимнинг назарий ва эмпирик даражалари билан қандай боғланган?

Билимнинг умумилмий даражаси қуидаги асосий унсурлардан ташкил топган:

- 1) Дунёнинг умумилмий манзараси;
- 2) Умумилмий методологик, мантикий ва аксиологик принциплар.

Билимнинг метайлмий даражаси табиий ва ижтимоий фанлардагина эмас, математикада ҳам мухим аҳамиятга эга. Математикада у ҳатто мустакил фан кўринишида мавжуд: метаматематика ва металогика. Математик ва мантикий назарияларнинг зиддиятсизлиги, тўлалиги, аксиомаларнинг мустакиллиги, исботланганлиги, яратувчанлиги масалалари уларнинг предметини ташкил қиласи. Табиий-илмий ва ижтимоий-гуманитар фанларда эса метаназарий даражага дунё манзарасининг ўзларига мос кўринишида, шунингдек умумилмий ва фалсафий принциплар кўринишида мавжуд бўлади. Таъкидлаш зарурки, хозирги замон фанларида мазмунан ягона барча илмий билимлар учун бир хил бўлган метаназарий билим йўқ. Метаназарий билимлар ҳар доим конкретлашган ва илмий назарияларнинг хусусиятларига боғлик ҳолда бўлади.

Дунёнинг илмий манзараси нима? Бу умуман фанда ёки қандайдир алоҳида фанда хукмрон бўлган дунё ҳақида умумий тасаввурлардир (физик, химик, биологик ва ҳ.к. дунё манзаралари). У ёки бу фанда дунёнинг илмий манзараси қарор топган маълум онтологик принципларга асосланади. Масалан, Классик табиатшуносликдаги дунёнинг физик манзарасини олайлик (10-шакл).

Бу принципларнинг кўпчилиги Ньютон металогикасининг тузилмасига киради. Классик табиатшунослик дунёнинг биологик манзараси асосини турларнинг табиий танланиши механизми асосида турларнинг эволюцияси ҳақидаги Дарвин назарияси ташкил қиласи.

Илмий билишда дунё манзарасининг роли ва аҳамияти қандай?

Айнан дунёнинг илмий манзараси эмпирик ва назарий обьектларни фан томонидан билишнинг ҳақиқий маълум типи сифатида карашга имкон беради. Умуман олганда, дунё манзарасининг табиати мавжуд назарий ёки эмпирик билимларнинг умумлашган натижаси сифатида шаклланмайди. Аксинча, у ҳамиша назарий ва эмпирик билимлардан олдин келади, улар фалсафий онтологиянинг конкретлашувидир. Фалсафий онтология эса ақлнинг рефлексив-конструктив фаолиятидир. У фалсафий тадқиқотнинг натижаси сифатида ҳамиша конкрет тарихий характерга эга.

Қоидага кўра, дунёнинг умумилмий манзараси ролини (фандада ўз даврида хукмрон бўлган) дунёнинг хусусий илмий манзараларидан бири бажаради. Классик табиатшунослик учун Ньютон механикасида ишлаб чиқилган дунёнинг физик манзараси шундай эди. Бу даврда дунёнинг физик манзараси барча фанлар учун умумилмий дунё манзараси сифатида тан олинган ва қарор топган. Ноклассик табиатшунослика дунёнинг умумилмий манзараси мақомига дунёнинг физик манзараси даъво қилган, лекин бу классик механика эмас, нисбийлик назарияси ва квант механикаси асосида қурилган дунёнинг физик манзараси эди.

Дунёнинг классик ва ноклассик манзараларида ўзаро зиддиятлар кўп эди. Бу бошқа фан намоёндадалирида дунёнинг физик манзарасига нисбатан ишончсизлик туғдирди. Аста секинлик билан ноклассик табиатшунослика физик, биологик дунё манзаралари синтези дунёнинг умумилмий манзараси сифатида қарор топа бошлади. Ҳозирги постноклассик табиатшунослик бу синтезни барча мавжудотларнинг мақсадга мувофиқлиги ва рационаллиги гоялари билан тўлдиришга уринмоқда.

### 10-шакл. Классик табиатшунослика дунёнинг физик манзарасини ташкил қилган онтологик принциплар

Онтологик принциплар	
Дунёнинг физик манзараси	Айрим кучлар (тортилиш, итарилиш ва х.к.) ердамидага ўзаро таъсирда бўлган хлоҳидаги моддалардан ташкил том‘ган реалликнинг дискрет (ажралган) характери. Уайдидаги тасаввурлар
	Реалликдаги барча ўзгаришларнинг қатъий бир чизиқли конунилар томонидан бошқарилши
	Барча жарбалар мутлак мақон ва вактда кечини, уларнинг мақон ва замоннинг уларни кайд киладиган тизимнинг ташлакинига ҳам ҳеч бир боглиқ эмаслигига
	Бир модданинг иккисиниң ҳар кандай таъсирини дарҳол билиш Заруринг бирламиш, тасодиф иксасланмачи; тасодиф факат мальум ўзаро таъсириларда зарурятининг намоёни бўлиши, барча бошқа вазиятларда “тасодиф” ҳақиқий ҳолатни билмасликнинг Учтози сифатини тушуниш лозим

Илмий тадқиқотнинг идеаллари ва меъсрлари қандайдир методологик стандарт, илмий фаолият конунийлиги ва тўғрилигининг йўналтирувчи, жумладан, илмий фаолият маҳсулларининг сифатини баҳолаш мезонини сифатида майдонга чиқади. Ташкил жихатдан фаннинг аксиологик қадриятлари фандан ташкирига йўналган, унинг жамият, маданият ва турли тузилмалар билан муносабатини бошқаради.

Бу қадриятлар ичидаги:

- амалий фойдалилик;
- самарадорлик;
- жамиятнинг интеллектуал ва таълим потенциалинин юксалтириш;
- жамиятнинг илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига;

- инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирида ўзаро мослашувчалик қонуниятларининг ўсишига олиб келиш муҳим аҳамиятта эга.

Шундай қилиб, метаназарий билимнинг аксиологик қатлами илмий тадқиқотнинг маъноси ва вазифаларини тушунишга катта таъсир кўрсатади. Фан соҳасида ҳамда фан ва ноилмий билимлар ўргасида кечайдан кўп кескин муаммолар айнан фан аксиологияси соҳасида асосга эга. Классик, ноклассик ва постноклассик фанларнинг аксиологик асосларини такқослаш бунга ишончили гувожликлар беради (11-шакл):

#### (11-шакл). Классик, ноклассик ва постноклассик фанларнинг аксиологик ясаслари

Фан	Аксиологиялари
Классик	Классик фаннинг аксиологияси: соф-объектни билим, мутлак ҳакиқат, универсал метод, фанга бетараз хизмат ҳалиш, илмий тараққиёт
Ноклассик	Ноклассик фанларнинг аксиологияси: билимнинг субъект-объектли эканлиги, ҳакиқатнинг нисбийлиги, тасвиринг юртимчалилиги, билимнинг эҳтимоллиги
Постноклассик	Постноклассик фанларнинг аксиологияси: илмий билимнинг яратувчалиги, метод ва компенсацияларининг плорализми, толерантлик, илмий лойиҳаларининг экологик ва гуманитар экспертизаси, олимникинг ижтимония ва когнитив масъуллиги

XIX ва XX асрларда фан фалсафасида позитивистлар ва уларнинг оппонентлари ўргасида бўлган ва ҳозиргача бир ечимга келинмаган муаммо илмий билим тузилмасида фаннинг фалсафий асосланишининг мақоми ҳақидаги масаладир. Келишмовчиликнинг бош пункти фаннинг фалсафий асосланишини илмий билим тузилмасига кириши керакми, йўкми, деган масала эди. Албатта, фалсафий тасаввурларнинг, илмий муваффакиятларнинг ривожлениши ва айниқса, баҳоланишига таъсирини инкор қилиб бўлмайди.

Фан тарихи, хусусан, унинг тадқиқотчиларининг бу масалада билдирган мулоҳазалари бунда ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайди. Лекин позитивистлар фалсафанинг илмий билимларга таъсирини соф ташки ходиса, фаннинг фалсафий асосланишини илмий билим тузилмасига киритиб бўлмайди, деган нуқтаи назарда турганлар. Акс ҳолда, уларнинг фикрича, фанга натурфалсафа таҳдид солади, фан турли фалсафий, амалиётта боғланмаган қуруқ мулоҳазаларга бўйсуниб қолади, ҳолбуки фан унинг таъсиридан XX асрдагина қийинчилклар билан қутилди.

Натурфайлласуфлар ва таъсирга эга метафизика тарафдорлари, аксинча, фаннинг фалсафий асослари назарий конструкцияларни асослашга ҳаракат қилиши ва унинг когнитив ресурслари ва билим чегараларини кентгайтириши туфайли илмий билим тузилмасига киритиш зарур, деб ҳисобладилар. Учинчилари эса оралиқ нуқтаи назарни ҳимоя қиласидилар.

Уларнинг фикрига кўра, илмий инқилоблар шароитида янги фундаментал назариялар шаклланиши даврида фаннинг фалсафий асослари илмий билим тузилмасига киради. Лекин илмий назария зарур етуклик даражасига етганда фаннинг фалсафий асослари унинг тузилмасидан ажralиб кетади. Шунинг

учун, бу нүқтәи назар тарафдорлари, етук илмий назариялар босқичини акс эттирувчи ўкув адабиётларида назариялар мазмунини баён қилганда унинг фалсафий асослари эсланмайди.

Бу масалани ҳал қилиш учун фаннинг фалсафий асослари табиатини, уларнинг тузилмаси ва ўзига хос мақомини тұғри талқин қилиш лозим. Фаннинг фалсафий асослари, бу – фалсафа ва фан үртасида оралиқ билим тури бўлиб, соф фалсафий ҳам, соф илмий билимлар ҳам эмас. Улар илмий билимлар үртасида алоҳида кўриниш бўлиб, диалектик характерга эга.

Фаннинг фалсафий асослари ўз характеристига кўра гетероген ва ўз таркибиға фалсафий тушунча ва категорияларни ҳам, конкрет-илмий тушунча ва категорияларни ҳам киритади. Фаннинг фалсафий асослари билан илмий билимнинг назарий ва эмпирик даражаларини ягона йўналишга боғладиган талқин мулоҳазалар үртасида тузилишига кўра ҳам (аралаш), мақомига кўра ҳам (таърифи), функциясига кўра ҳам (мазмунига кўра билимнинг турли сифат даражалари үртасида кўпrik бўлиш), табиатига кўра ҳам (фаннинг фалсафий асосларида бўлган фаннинг назарий атамалари аҳамиятининг маълум фалсафий категориялар билан бирлиги) тўла ўхшашлик мавжуд.

Фаннинг фалсафий асосларига мисоллар келтирайлик.

“Макон ва вакт алоҳида субъектлардир” (И. Ньютон);

“Сон объектив мавжуддир” (Пифагор);

“Илмий қонунлар сабаб-оқибатли боғланган” (П. С. Лаплас);

“Микродунё қонунлари-индетерминистик, ятрибутив ва нисбийдир”

(А. Эйнштейн);

“Эвклид геометрияси асослари – яққол интуитив” (Аристотель);

“Энергиянинг квантлар шаклида тарқалиши дунёнинг дискрет тузилмасидан дарак беради” (В. Гейзенберг);

Фалсафанинг асосий бўлимларига мос ҳолда, онтологик, гносиологик, методологик, мантикий, аксиологик ва ижтимоий фаннинг фалсафий асослари типлари мавжуд.

Фалсафанинг мулоҳазаларга илмий билимларни умумлаштириш натижасида эришиб бўлмаганидек, илмий билимларни ҳам қандайдир “ҳақиқий” фалсафадан мантикан келтириб чиқариш мумкин эмас. Фан ва фалсафа үртасида фандаги назарий ва эмпирик билим үртасидаги каби мазмуний ва мантикий ажralиши бор. Аммо бу тафаккурнинг яратувчилик фаолияти натижасида доимо бартараф қилиб борилади.

Илмий билимнинг маълум фалсафий талқинигина у ёки бу концепцияларнинг тасдиқ ёки инкор қилинishi учун материал бўла олади. Ва факат фаннинг фалсафий талкини ёрдамидагина у ёки бу фалсафа фанга ижобий (ёки салбий) таъсир кўрсатиши мумкин. Фаннинг фалсафий асосларисиз факат фаннинг бутунлиги эмас, умуман маданиятнинг яхлитлиги бузилади.

Шундай қилиб, илмий билимнинг тузилмаси уч асосий (эмпирик, назарий, метаназарий) даражадан иборат. Илмий билим яхлит мавжуд бўлиши ва ривожланиши жараёнида нисбий мустақилликка, шу билан бир каторда ички ўзаро боғлиқликка ҳам эга.

Олам ниҳоятда мураккаб ва кўп қиррали бўлгани каби унинг инсон онгида акс этиши ҳам турли-тумандир. Инсон билимлари диний, бадний, эстетик, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, илмий ва бошқа шаклларда намоён бўлади. Билимларнинг рационал ва иррационал, эндотерик ва экзотерик, мистик ва шу сингари кўринишлари ҳам учрайди. Дунёни билишда билим шаклларининг ўзига хослиги, ўрни, вазифалари, имкониятлари фарқланади. Жамият тарихининг турли даврларида уларнинг ўрни, бир-бири билан муносабати ўзгариб туриши мумкин. Ҳаётнинг турли соҳаларини акс эттирувчи билимнинг асосий шакллари бир-бирининг ўрнини тўла боса олмайди. Агар шундай бўлганда, айрим онг шакллари маълум даврларда барҳам топиб кетган бўларди.

Билимнинг асосий шакллари ичida илмий билим алоҳида ўрин тутади. У рационал билимнинг асосий шакли бўлиб, оламни илмий тушунчалар, категориялар, қонунлар ва х.к. воситаларида акс эттирадиган, мантиқан изчил, тизимлаштирилган, тажриба синовидан ўтган билимлардир. Инсоният ва жамиятнинг иқтисодий, техникавий, ижтимоий тараққиёти асосан илмий билимларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб келган. Жамият ривожлана борган сари инсоният ва жамият ҳаётнинг барча томонлари илмий билимлар билан тобора узвий боғлана боради.

Хозирги даврда кескинлашиб бораётган глобал муаммолар туфайли турли типдаги норационал билимлар кенг тарқалаётган, илмий билимлардан устуникини даъво килаётган бўлсалар-да, фан ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди, аксинча, келажакдаги муаммоларни ҳал қилишда ўз ўрнига эга бўлиб қолаверади.

Илмий билимлар билимнинг бошқа типларини, кўринишларини инкор этмайди, лекин уларни ҳеч қачон фанга мансуб деб ҳисобламайди. Улар ўртасида туб сифат фарқлари мавжуд. Илмий билим рационал, объектив оламни шубҳасиз исботланган билимлар асосида тасвирлайди, ўз йўналишига, воситасига ва усусларига эга.

Илмий билишнинг ўз ривожланиш қонунлари, хусусиятлари ҳам уни билишнинг бошқа шакллари, типлари ва кўринишларидан фарқлашни такозо этади.

Илмий билимнинг З даражаси тафовут қилинади. Эмпирик билим эҳтимолий чин билим бўлса-да, илмий билимлар ривожини, фанни усиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Хозирги замон фани экспериментал фанларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг оқибатидир. Назарий билим шаклланишига, вазифаларига, тузилмаларига ва бошқа жиҳатларига кўра илмий билимнинг алоҳида даражасидир. Эмпирик ва назарий билимлар узвий ўзаро боғлиқ, уларни бир-биридан ажратиб ҳам, қўшиб юбориб ҳам бўлмайди. Метаназарий билим ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Илмий билимлар инсон дунёқарашининг, маънавиятининг шаклланишида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Оламнинг ҳар бир даврининг илмий манзараси инсон дунёқарашига, маърифатига қандай таъсир кўрсатгани маълум. И. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ёзади: “Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга ҳар бир даврнинг

долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганды, ҳар бир илмий янгилик, яратылған қашфиёт – бу янгича фикр ва дүнекараашга турткы бўлади, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир кўрсатади” (Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008 й., 41-бет).

Илмий билимларнинг моҳиятини, ривожланиш қонунларини, даражаларини чукур ўрганиш ҳозирги давр талабларидан биридир.

#### ТЕСТЛАР:

- 1. Эмпирик билимнинг хиссий билишдаги фарқи нимада?**  
А) Эмпирик билим билишнинг рационал шакли натижаси;  
Б) Объектлари бошқа;  
В) Эмпирик билим хиссий билимнинг тушунчали дискурс модели;  
Г) Эмпирик билим символик белгиларда ифодаланади;  
Д) Барча жавоблар тўғри.
- 2. Эмпирик билимнинг энг умумий кўриниши қайси?**  
А) алоҳида мулоҳаза;  
Б) далиллар;  
В) Эмпирик қонунлар;  
Г) Феномонологик қонунлар;  
Д) Ҳаммаси тўғри.
- 3. Эмпирик билишнинг ҳусусияти?**  
А) эҳтимоллиллик характеристи;  
Б) Шубҳасиз эканлиги;  
В) Методларнинг ўзига хослиги;  
Г) Ўзига хос обьекти мавжудлиги;  
Д) А ва В жавоблар тўғри.
- 4. Назарий билишнинг ҳусусияти:**  
А) эҳтимоллиллик характеристи;  
Б) Шубҳасиз эканлиги;  
В) Методларнинг ўзига хослиги;  
Г) Ўзига хос обьекти мавжудлиги ;  
Д) А ва В жавоблар тўғри.
- 5. Эмпирик қонунларга мисол қайси қаторда берилган:**  
А) Барча моддий жисмлар иссиқликдан кенгаяди;  
Б) Барча металлар электр токини ўтказади;  
В) Барча китлар сут эмизувчидир;  
Г) Бутун дунё тортилиш қонуни;  
Д) А,Б,В жавоблар тўғри.
- 6. Назарий қонунларга мисол қайси қаторда берилган:**  
А) Барча моддий жисмлар иссиқликдан кенгаяди;  
Б) Барча металлар электр токини ўтказади;

Методология аввало фалсафа доирасида ишлаб чиқилган, диалектика, мантиқ билан чамбарчас боғлиқ бўлган. У табиатшунослик ва ижтимоий фан вакиллари томонидан ҳам ишлаб чиқилган.

XVI-XVII асрлардан бошлаб методологик гоялар нафакат фалсафада, кескин ривожланаётган хусусий фанларда – механика, химия, физика, тарих фанларида ҳам ишлаб чиқилган. Методологик жиҳат илмий билимлар барча тармогининг зарур унсурига айланган.

Методологиянинг гносеология, диалектика ва мантиқ билан алоқасини қўйидаги шаклда ифодалаймиз.



Фалсафа ва методологиянинг ўзаро таъсири уларнинг бирлиги ва мувафарақиятли ривожланишининг зарур шартидир.

Методологиянинг мантиқ билан боғликлигини олиб кўрайлик. Мантиқнинг асосий диккати тайёр билимлар структурасини тушунтиришга, мулоҳазалар ва хуносаларнинг конкрет мазмунидан маълум даражада узоқлашган ҳолда тайёр билимдаги унсурлар ва формал боғланишларни таҳлил қилишга йўналган. Фанда формал мантиқнинг ахамияти шубҳасиз.

Илмий билим ривожланишини диалектика принципларисиз тасаввур қилиш қийин. Бу ерда тарихийлик ва зиддият принциплари талабларининг мазмуни билан танишсак, муаммо тушунарли бўлади.

#### Тарихийлик принципини талаблари:

- Борлик – ўтмишнинг натижаси ва келажак бошлангичи
- Ҳозирга тадқиқотий бутунликнинг қонуний аъзоси деб караш
- Борлиқни тўла етукликларда караш зарур.
- Ҳозирнинг зиддиятларини аниқлаш ва ҳал қилиш.
- Ҳозирга асосланиб, тизим хусусиятларини, унсурларини, функцияларини тасаввур қилиш керак.

#### Зиддият принципини талаблари:

- Предмет зиддиятларини қарама-каршиликларнинг муносабати сифатида аниқлаш.

- Қарама-карши томонларни “соф” ҳолда ўрганиш.


- Предметни қарама-каршиликнинг устун томонини билиш асосида қарама-каршиликлар бирлиги сифатида караш.

- Бу зиддиятнинг предметнинг бошқа зиддиятлари орасида ўрнини аниқлаш.

- Зиддиятларнинг ривожланиш босқичларини текшириш.

- Зиддиятни ҳал қилиш механизмини унинг ривожланиши, кескинлашуви жараёни ва натижаси деб караш.

Шу ўринда фалсафа ва фан тарихида метафизика ҳам маълум рол ўйнаганини, ҳозир ҳам у ўзига хос аҳамиятини сақлаб қолғанлигини инкор қилмаслик керак. Метафизика уч маънога эга.



Методология муаммолари билан кўпгина таникли иқтисодчилар ҳам шугулланган. Ўз даврида Жон Стюарт Милль методологиянинг хусусиятларини таъкидлаган эди. Иқтисод фани амалиётни умумлаштиришдан иборат, аммо бунда факт ва ходисалар билан иш кўрадиган фанини ва қоидалар, кўрсатмалар билан боғлиқ бўлган тадқиқотий ишни олиб бориш “санъатини” фарқлаш керак.

Фан, Милль фикрига кўра, ҳақиқатларни тўплашдир, санъат эса қарор ва хатти-ҳаракат нормаларини қабул қилиш учун қоидалар ва асос кўрсатмаларнинг йигиндишидан иборат. Фан тили “Бу мавжуд, бу мавжуд эмас” бўлса, “Буни қил, бундан коч” санъат тилидир. Фан ходисаларни билиб олишга, қонунларни қашф этишга интилади, санъат максад кўяди ва уни амалга ошириш воситаларини излайди.

Ж.С. Милль табиий фанларни иқтисодий назариялар учун мос келадиган модель деб ҳисоблади “Бойликни ишлаб чиқариш шароити ва қонунлари табиий фанларга хос бўлган ҳақиқат характеристига эгадир”. Ишлаб чиқариш қонунларидан фарқ қилиб, бойликни таъсизлаш қонунлари унчалик объектив эмас, негаки у ҳар бир конкрет жамиятда одамлар томонидан қабул қилинган принципларга ва шароитларга боғлиқ. У иқтисодий жараёнларни факат статик ҳолатда эмас, ривожланишда, ҳаракатда (динамикада) тадқиқ қилиш зарурлигига эътибор берган.

Классик мактаб намоёндалари бойлик яратиш ва ўстиришнинг табиий қонунларини аниқлашга, иқтисодий фаолият асосида ётган мантикий алокаларни асослашга интилганлар. Классиклар методологиясининг асос қонунлари ноклассик иқтисодий фани йўналишларда янада ривожлантирилди.

Иқтисодий назария универсал ҳақиқат эмас, деб ёзди А. Маршалл, маълум турдаги ҳақиқатларни очиш учун кўлланиладиган куролдир. А. Маршалл фикрига кўра, иқтисодий назария бевосита иқтисодий сиёсатда кўлланиладиган тайёр кўрсатмалар йигиндиши эмас. У таълимотдан кўра методдир, интеллектуал куролдир, тафаккур техникасидир. Ким уни яхши эгаллаб олган бўлса, тўғри хуносаларга келади.

Методология-умумий билиш назариясининг оддий соҳасигина эмас. Амалий жиҳатдан аҳамиятли методология – билиб олинадиган реаллик

характеридан келиб чиқадиган, илмий билиш методлари хусусиятларини, илмий билишнинг конкрет соҳасида уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга оладиган конкрет фанларнинг методологиясидир.

Методнинг вазифаси – билиш жараёнини, у ёки бу объектни амалий ўзгартириши ташкил қилиш ва бошқаришдир. Шунинг учун метод маълум қонунлар, усуllар, билиш ва ҳаракат нормаларини ўз ичига олади.

Ф.Бекон методни чироққа ўхшатади. Эмпирик таҳдил, кузатиш ва эксперимент асосида амалга ошувчи индукцияни энг тўғри метод деб ҳисоблайди. Р.Декарт ҳақиқатни янглашишдан, ёлондан ажратувчи, билимни кўпайтирадиган аниқ ва оддий қоидаларни метод деб атайди. У дедукцияни ана шундай метод деб ҳисоблаган.

И.П. Павлов ҳам методга жуда катта аҳамият берган. У шундай деб тъкидлайди: Метод энг биринчи, асосий нарсадир. Тадқиқотчининг бутун жiddийлиги унинг методига, ҳаракат усулига боғлик. Ҳамма гап яхши методдадир. Яхши метод орқали уччалик талантга эга бўлмаган киши ҳам кўп ишлар қилиши мумкин. Ёмон метод билан эса гениал киши ҳам бекорга ишлаши, аниқ, қимматли маълумотлар ола олмаслиги мумкин” Л.С.Виготский методни тирик организмнинг скелетига ўхшатган эди.

“Ҳар қандай қашфиётлардан, у қанчалик буюк бўлмасин, фан методи анча катта аҳамиятга эгаидир”,-деб тъкидлаган эди Кювье. У ёки бу олим билишда фалсафий методлар, ёндашувлар алоҳида аҳамиятга эга.


Метод билан назария-жуда якин тушунчалар. Улар бир-биридан ажралмаган, бир-бирига ўтиб туради. Аммо уларнинг фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд.

#### Назария ва методнинг асосий фарқлари:

Назария	Метод
<ul style="list-style-type: none"> <li>Илгариги фаолият натижаси</li> <li>Бош функцияси – тушунтириш ва олдиндан кўриш</li> <li>Объект қонуниятини акс эттирадиган идеал образлар тизими</li> <li>Муаммони ечишга қаратилган</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кейинги фаолиятнинг бошланиши ва шаронти</li> <li>Билишга йўналтириш ва бошқариш</li> <li>Воқеликни билиш, ўзгартириш қуроли сифатида қоида, ёндашув ва бошқарув тизими</li> <li>Муаммони ўрганиш, ўзгартириш усуллари ва механизмларини аниклашга қаратилган</li> </ul>

#### Илмий метод бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга

##### Илмий методнинг характер белгилари



Воқелик турли-туман ва кўп киррали бўлганидек уларни ўрганиш усуллари, методлари ҳам турли-тумандир. Оламни ўрганишнинг воситалари, усуллари, қуроллари қанча кўп бўлса, билишимиз шу даражада чукурлаша боради. Иккинчи томондан, хилма-хил оламни албатта умумий жиҳатлари бор.

Шундай экан, методлар хам бир-бирига алоқадор ва ривожланиб боради, уларни кўллаш усуллари кенгайиб, такомиллашиб боради.

Фан методларини турли асосларга кўра кўп гурухларга ажратиш мумкин.

### Фан методлари гурухлари

Асос	Методлар
Илмий билишдаги ролига кўра	Формал ва мазмуний таҳлил, эмпирик ва назарий, фундаментал ва амалий, тадқиқот ва тасвирилари методлари ва бошқалар.
Объектига кўра	Табиатшунослик методлари, ижтимоий, гуманитар фанлар методлари
Предметнинг тирик ёки нотириклигига кўра	Жонсиз табиатни ўрганиш методлари, тирик табиатни ўрганиш методлари

Бу жадвални бошқа асосларни келтириб яна давом эттириш мумкин. Хозирги даврда методологик билишнинг кўп даражали концепцияси амал қилмоқда.

### Методологик билишнинг кўп даражали концепцияси

Методлар	Кўллаши соҳаси ва маҳияти
Фалсафий методлар	Хар бир фалсафий концепция методологик функцияга эга. Улар мавхумлаштиришнинг юкори боскичча бўлиб, универсал характерга эга. Диалектика, метафизика, аналитик метод, интуитив метод, феноменологик метод, герменовитик метод ва ш.к. шундай фалсафий методлар мавжудки, улар хақиқатга бир томонлама, бузуб ёндапади. Механистик метод, витализм, априоризм ва ш.к. шундай методларидир.
Умумилмий методлар	Фалсафа ва маҳсус фанларнинг фундаментал назарий-методологик қондадлари ўргасидаги методологиядир. Информация, модел, структура, функция, система, элемент, эҳтимоллик, оптималлик ва ш.к.
Хусусий илмий методлар	У ёки бу фанда кўлланилмаган методлар
Бирор фан тармогида кўлланиладиган усуллар	Бирор фанга кирувчи тармокда кўлланиладиган усуллар тизими
Фан тармокларида тадқиқот методлари	Бир неча фанларнинг тармокларида (биофизика биохимия ва х.к.) кўлланиладиган методлар.

Фалсафий-методга додматикларга бояганиб қолмаслиги, айрим фалсафий методларнинг тор доирасида тўхтаб қолмасдан, уни имкон даражасида такомиллаштириб бориш, унинг чекланганлигини англатади, ким имкон берувчи фалсафий методларга ўта олиши керак. Бир фалсафий методда ўзгармас эътиқод сифатида ишониб қолиши илмий фаoliyatda зарар келтириш мумкин. Масалан, позитивизм ўз вактида фан, илмий билимлар ривожида муҳим роль ўйнади. Унинг физиклар эгаллаб олган бош тезиси-назариясидаги ҳар қандай тушунча кузатиладиган катталикларга асосланиши керак. Реал кузатиш мумкин бўлган нарсаларнигина ўрганиши мумкин. Ўз илмий ишларида Э. Мах ҳам, А. Эйнштейн ҳам позитивизмнинг бу принципига асосланган эди. XX аср бошларида атом назариясига дуч келиб (атомларни бевосита кузатиш мумкин эмас), ўзи позитивизм ўзининг тўла лаёқатсизлигини

намоён килди. Холбуки атом назарияси асосида олимлар газнинг хусусиялари ва иссикликнинг табиатини муваффакиятли тушутира олдилар. Э. Мах бошчилигидаги позитивистлар эса, бу назарияни ҳақиқатдан, илмий тадқиқотда чекиниш деб атадилар. Мах фикрича, олимлар кузатиш натижалари ҳақида маълумот бериш ўрнига метафизик муроҳазаларга берилиб кетдилар. А. Эйнштейн эса позитивизмдан воз кечди ва Э. Махни “Яхши механик”, аммо “ночор файласуф” деб атади.

Илм ривожининг маълум боскичида аҳамиятли бўлган фалсафий метод илмнинг бошқа доирасида, лаёкатсиз бўлиб колиши кўп олимларга зарар келтирган. Позитивизмнинг назария фақат кузатиладиган ҳодисаларни ўзига олиши керак деган принципига ўзгармас коида сифатида ишонган. В. Кауфман тақдирида ҳам салбий роль ўйнади. У Д. Томсон билан деярли бир вактда электрон қашф этишига олиб келган катод нурлари билан тажрибалар ўтказган. Кауфманн тажрибалари Д. Томсоннинг қараганда яхши, натижалари аниқ эди. Лекин Кауфманн ўз фалсафасининг асирига айлангани учун заррачаларнинг янги тури ҳақидағи қашфиётини зълон қилмади. Натижада Д. Томсон 1906 йилда электрнинг қашф қилганлиги учун Нобель мукофотини олди.

А. Пуанкарве ва Г. Лоренцлар маҳсус нисбийлик назариясини яратишга яқин эдилар. Лекин Г. Лоренцга метафизик материализм, А. Пуанкарвега конвенционализм ҳалакит берди. Улар маҳсус нисбийлик назариясини яратмадилар, кўп йиллардан кейин ҳам Эйнштейннинг маҳсус нисбийлик назариясини қабул қилмадилар.

Бу ҳолатларда умуман фалсафий методни айблаб бўлмайди. У ёки бу фалсафий методда ижодий, танқидий ёндашув керак. Кези келганда янги фалсафий методларга ўтиш зарур.

Методларни турли белгиларга кўра назарий ва эмпирик билиш методларига, анъанавий ва специфик методлар кабилларга ажратиш мумкин. Умумилмий методлар “фалсафа асослари” фанида кўриб ўтилган.

Иқтисодиёт фанида бир-бирини тўлдирадиган турли методлар тизими кўлланилади. Улардан энг кўп тарқалганлари тавсифлаш, туркумлаш, омилларни деталлаштириш, иқтисодий ҳаётнинг турли томонларига уларнинг таъсирини баҳолаш, коэффициент, фоизлар кўринишида нисбий катталиклардан фойдаланиш ва ш.к.

Кўрсаткичларни, натижаларни таққослаш статистик маълумотларга таянади. Таққослаш асосида таҳлил ҳўжалик фаолиятининг алоҳида параметрлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлашга имкон берадиган чукурлаштиришни такозо қиласди. Комбинациялашган гурухлаштириш усулини кўллаш янада мураккаброқдир.

Иқтисодий ҳодисаларни, мураккаб ҳўжалик алоқаларини таҳлил қилиш учун ишончли, бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар тизими керак бўлади. Компанияга раҳбарлик килиш, мамлакатни бошқариш ишончли ахборотларга эга бўлмасдан мумкин эмас. Бошқариш сифати ахборот оқимининг ишончлилиги ва тезкорлик даражасига тўғридан-тўғри bogлиқ. Лекин

информация билан таъминловчи статистика ўзига юкландган вазифани ҳамиша ҳам муваффақиятли бажара олмайди.

Илгари статистика хизматида қўлланилган методика ҳалқаро миёсда қабул қилинган методикадан фарқ қилган. Жами ижтимоий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш схемаси унинг асосига кўйилган эди. У моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларини баҳолашни қамраб оларди, лекин хизмат кўрсатишнинг асосий кисмини инкор қиласа эди. Бундай схема молия соҳасидаги кўрсаткичларнинг кенг манзарасини бермас эди.

Ҳалқаро амалиёт ва хўжаликни бошқаришнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига мос ҳолда Миллий ҳисоб тизими деб номланадиган тизим амалга оширилди.

Валюта курсларининг таҳлили, уларни ҳисоблаш, прогноз қилиш, валюта сиёсатини шакллантириш кенг доирадаги муаммоларни қараб чиқишини тақозо этади.

Иқтисодий тафаккур манзараси хўжалик тизимининг қонуний алоқалари ва тенденцияларини англашга, долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топишига жамиятнинг интилишни ифодалайди. Улар тадқиқотий тадқиқотни маълум йўналишда амалга ошишини таъминлаб, билимнинг ривожланишни таъминлайди. Биз бу ерда уларнинг айримларини кискача кўриб чиқамиз.

### Илмий методлар

Метод номи	Методнинг мазмуни
Аксиоматик метод	Назария аксиоманинг теоремани исботлашга хизмат қиласидиган вазифалари ва фикр келтириб чиқариш қондлари билан бошланиши керак
Конструктив метод	Бошқа концептлар (асосий тушунчалар) асос бўладиган дастлабки концептлар киритилади. Тузилмага кирмайдиган барча нарса илмий дебтан олинмайди
Гипотетик-дедуктив метод	Назариянинг курилиши ва ривожланиши кўйидаги уч босқичдан ўтади: а) гипотезаларни олга суриш; б) улардан дедуктив хуносалар чиқариш; в) хуносани далиллар билан солишириш. Агар гипотезалар далилларга мос келмаса, улар инкор қилинади
Индуктив метод	Назария далиллар хақидаги маълумотлардан назарий қонунларга ўтиш сифатида тушунилади
Моделлаштириш методи	Назария асосида ўрганиладиган ҳодисага бевосита тақкослаш мумкин бўлган модел ишлаб чиқилади
Тизим методи	Ўрганилаётган ҳодиса ўзиning яхлитлигига ўзаро боғланган бутунлик деб тушунилади
Муаммо методи	Назариянинг ривожланиши: а) муаммоларни аниклашни; б) уларни бартаграф қилишини кўзда тутади
Тарихий метод	Ходисалар пайдо бўлиш, тараккий қилиш ва таназзул жараённида олиб каралади
Мавхумлаштириш методи	Концептлар номухим жihatларни ўрганишдан воз кечган ҳолда мухимларини ахратиб олиш натижаси деб каралади
Семантик метод	Назария воказикнинг мавхум ёки идеаллаштирилган манзараси эмас, кайд қилинishi ҳисобланади
Прагматик метод	Назарияга кадрятли-мақсадли муносабатларнинг амалга ошуви сифатида каралади, амалий фаолият бу хақда маълумот беради

Аксиоматик метод дастлаб математикада ишлаб чиқилган. Аксиомалар дастлабки қоидалар сифатида майдонга чыкади, бутун назарияни баҳолаш асосида унинг долзарбилиги аникланади. Мазкур аксиомалар шароитида назарияни исботлаш жараёнида зиддиятлар вужудга келса, аксиомалар тизими қайта күриб чиқылади. Иқтисодиёт фанида ҳам аксиоматик метод қўлланилади, лекин математикадаги ҳолатдан фарқ қилиб, кўпинча экспериментал маълумотларга мос ҳолда шаклини ўзгартиради.

Конструктив метод қаерда қўлланишидан қатъи назар, айниқса алгоритмик тузилмалар учун характерлидир. У иқтисодиётда ҳам, айниқса лойиҳалаштиришга мурожаат килингандан қўлланилади.

Гипотетик-дедуктив методнинг камчилиги шундаки, у далиллардан назарияга кўтарилишинг имкониятларини хисобга олмайди. Бу метод барча экспериментал фанларда, жумладан иқтисодиётда ҳам қўлланилади. Индуктив метод ҳам барча экспериментал фанларда қўлланилади. У иқтисодда айниқса эконометрика учун характерлидир.

Моделлаштириш методи барча фанларда қўлланилади, унинг асосий вазифаси назария ва экспериментал маълумотларнинг бирлигини таъминлаштириш.

Тизим методи барча фанлар учун долзарбидир, айниқса тизимли белгиларни тадқиқ қиласидиган фанлар учун катта ахамиятга эга.

Муаммо методи назариядаги кескин соҳаларни билишга ёрдам беради. Уларнинг ҳал килиниши илмий билимларнинг ўсишга олиб келади.

Тарихий метод барча фанларда қўлланилади. У иқтисодий таълимотлар тарихи каби фанлар учун айниқса характерлидир.

Абстракциялаш методи Жон Локк гояларига бориб тақалади. Кўп фанлар вакиллари, шу жумладан айрим иқтисодчилар ўзлари фойдаланадиган тушунчалар мавхум тушунчалар эканлигини таъкидлайдилар. Ҳакиқатда эса тушунчаларни мавхумлаштириш амали орқали яратиб бўлмайди.

Идеаллаштириш методига кўра, илмий тушунчалар мавхум тушунчаларга кўшимча ишлов бериш натижасида хосил қилинади, бу кўшимча ўрганиладиган ходисаларга яқинлаштирамайди, балки улардан узоклаштиради.

Семантический метод табиатшунослик фанлари учун характерлидир. Иқтисодиётда у прагматик методнинг хосиласи ҳолатида намоён бўлади.

Прагматик метод барча аксиологик фанлар учун, жумладан иқтисодиёт учун ҳам ҳарактерлидир. Бу метод назария ва амалиётнинг органик бирлигини таъминлашга йўналган.

## ТЕСТЛАР

### 1. Методнинг асосий функцияси нима?

- А) обьектни амалий ўзгартириш, тадқиқот жараёнини ички ташкил этиш;
- Б) тадқиқотнинг предмети ва обьектини аниклаш;
- В) билимни ўсишини таъминловчи нормаларни белгилаш;
- Г) мақсадга йўналтирувчи принципларни аниклаш;
- Д) ҳакиқат мезони бўлиш.

**2. Методологиянинг асосий вазифаси**

- А) илмий тадқиқотни йўналтириш;
- Б) усуллар ишлаб чиқиш;
- В) фалсафий таълимот яратиш;
- Г) ҳақиқат мезони бўлиш;
- Д) ўзгармас қоидалар яратиш.

**3. Ҳозирга тадқиқотий бутуниликнинг қонуний аъзоси деб қараш қайси принцип талаби**

- А) сабабият;
- Б) зиддият;
- В) тарихийлик;
- Г) диалектик;
- Д) илмийлик.

**4. Иккисодий методология хусусиятларига катта эътибор берган олим:**

- А) Т.Ман;
- Б) Вальрас;
- В) А.Парето;
- Г) Ж.Стюартмилл;
- Д) А.Маршалл.

**5. Методга хос хусусият қайси қаторда.**

- А) Илгарги фаолият натижаси эканлиги;
- Б) Тушунтириш ва олдиндан кўра олиш хусусияти;
- В) кейинги фаолиятнинг бошланиш ва шароити эканлиги;
- Г) муаммони ечишга қаратилганлиги;
- Д) муаммони ечиш механизмини аниқлашга қаратилганлиги;
- Е) в ва г жавоблар тўғри.

**6. Универсал ҳарактерга эга бўлган, тадқиқот жараёнининг барча босқичларида кўлланиладиган метод**

- А) диалектика ;
- Б) метафизика;
- В) феноменология;
- Г) герменевтика;
- Д) фалсафий.

**7. Асосан назарий тадқиқотни таҳлил асосига кўювчи таълимотга қарши метод**

- А) тарихий метод;
- Б) формаллаштириш;
- В) моделлаштириш;
- Г) аксиологик метод;
- Д) экспериментал метод.

**8. Ҳозирги даврда қайси иккисодий назария кенг тарқалган?**

- А) меркантилизм;
- Б) физиократия;
- В) институционализм;
- Г) маржинализм;
- Д) марксизм.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Бартенов С.А История и философия экономической науки. Пособие к кандидатскому экзамену. - М: Магистр, 2008.
6. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Маколалар тўплами. - Т.: Чўлпонномидаги нашриёт тадқиқотий-матбаа уйи, 2008.
7. Дунёвийлик фалсафаси (маколалар тўплами). - Т.: ТДИУ, 2007.
8. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М., 2006.
9. Канке В.А Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-л, 2008.
10. Мудрагей И.С. Против философии? Позвольте возразить! Стояние и противостояние физики и философии // Вопросы философии, 2013, № 9, с. 106-115
11. Степин В.С. Наука и философия. // Вопросы философии. 2008, №8.
12. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. -Т.: Университет, 2008.

## **7-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ТИЗИМИДА ФАКТ**

**1. Факт – илмий тадқиқотнинг зарурий элементи**

**2. Факт – илмий изланишлар ва тадқиқот натижаларини асослаш мезони**

**Таянч тушунчалар:** факт, илмий факт, илмий факт ва назария, неопозитивизм, постпозитивизм, К. Поппер, билиш асоси, билим мезони, иктисодий фактлар, Кейнс, Мизес, хўжалик тизими.

Илмий билишнинг мақсади объектнинг моҳияти, сифати, хоссалари ҳақида ҳақиқий, объектив маълумотларга эга бўлиш, қонуниятларини кашф этишдир. Объектни ҳар томонлама, теран ўрганиш орқалигина илмий ҳақиқатларини кашф этиш мумкин.

Илмий тадқиқот нимадан бошланади? Унда кузатишларнинг, экспериментларнинг, гипотеза ва назарияларнинг, фактларнинг ўрни ва ўзаро алоқаси қандай? Илмий тадқиқот методологияси билишнинг фалсафий мантиқий аппаратини ишлаб чиқар экан, бу муаммолар тўғрисида баҳс юритади.

“Факт” тушунчаси лотинча “factum” сўзидан олинган бўлиб, содир бўлган, амалга ошган деган маъноларни билдиради. Бу мазмунда факт “вокеа”, “ходиса” тушунчаларининг синоними бўлади. Факт реалликнинг бир парчаси бўлиб, инсон фаолияти ва билишнинг обьекти сифатида майдонга чиқади.

Лугавий маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳамма нарса, жумладан, эксперимент ҳам, гипотеза ҳам, назария ҳам факт деб қаралиши мумкин. Шунинг учун бу тушунчанинг мазмунини аниқ белгилаб олиш зарур. Аввало фактни воқеликдан ажратиб олиш, уни кўриш, қайд қилиш учун инсонда бирор мақсад, манфаат бўлиши шарт. Акс ҳолда фактни кузатиб, кўриб бўлмайди. Дунёдаги ходиса сифатидаги оддий факт тушунчасидан илмий факт тушунчаси фарқ қиласи: бунда воқелик ёки унинг бир қисми, томони билишнинг обьекти бўлади, ундан билиб олинган хусусият, сифат, жараён ва шу кабилар ажратиб олинади, табиий ёки сунъий тилда ифодаланади, бу натижаларни тавсифлаш орқали тўғри ва тўлиқ фактларга эга бўламиз. Илмий факт объектив деб тан олинган, қайси билим тизимига киритилганидан қатъи назар, ўзининг мазмунини йўқотмайдиган фактдир. Объективлик, бир вариантлилик илмий фактнинг муҳим хоссасидир.

Илмий фактларни қайт қилиш, асослаш, тушунтириш, талқин қилиш орқали олим тадқиқоти бошланади. Гегель шундай ёзади: “У ёки бу предметни англаб этиш факат шундан иборатни, Мен бу предметни ўзиники қилиб олади, у предметнинг моҳиятига кириб боради ва унга ўз шаклини, яъни барчага бараварлиги шаклини беради”. Бунга илмий фактларни қайд қилиш, сезиш орқали эришиш мумкин. Илмий факт билиш фаолиятининг ўзида билиш обьектининг у ёки бу хоссалари ҳақида объектив ахборотни мужассамлантиради.

Илмий фактларни тушунишда икки асосий ёндашув тафовут қилинади.

Биз бу икки хил ёндашувнинг-ўзаро тўқнашувини, мунозарасини позитивизмнинг икки тарихий шакли – неопозитивизм ва постпозитивизм фалсафасида кўришимиз мумкин. Маълумки, позитивистлар “ижобий” билимлар – факат эмпирик фактларга асосланган шубҳасиз ва аниқ билимлар тизимини куришга интилган эдилар. Неопозитивистлар позитивизм гояларини изчил давом эттиридилар. Постпозитивизм ҳам бу йўналишнинг янги шакли бўлиб, уни тадқикотий ривожлантирди. Неопозитивизм ва постпозитивизмни айрим масалаларда таққослаб кўрайлик.

### Илмий фактга икки асосий ёндашув

#### 1-ёндашув

#### 2-ёндашув

Илмий факт назарий коидалардан тубдан фарқ қиласди. Фактлар умумлаштирип, гипотезалар тузиш, шунингдек билимларни текшириш учун материалдир. Бинобарин, илмий билиш фактлардан бошланади.	Илмий факт назариянинг тилидан мутлақо ажралмасдири. Негаки, энг оддий кайд килишнинг ўзи умумлаштиришдан иборатдир. Фактларни тасвирловчи мулоҳазалар (ғаглар)га кузатиш шароитлари ҳам, кузатувчи приборларнинг хусусиятлари ҳам, объектнинг ўзига хослиги ва кузатувчининг тавсифи ҳам киради. Демак, фактни кайд килишнинг ўзи унинг маълум назарияга мансублигини билдиради.
---	---


Юқорида келтирилган коидалардан кўриниб турибдики, неопозитивизм ва постпозитивизм методологиялари ўртасида кўп умумий томонлар мавжуд. Зотан улар позитивизм фалсафасининг икки шаклидир. Шу билан бирга постпозитивизм муҳим методологик принциплар бўлгандан назарий нисбийлик ва илмий билимларнинг ўсиши принципларининг аҳамиятига алоҳида диккат киласди.

### **Неопозитивизм ва постпозитивизм**

№	Неопозитивизм	Постпозитивизм
1.	Экспериментал фанларга назария ва фактлар киради.	Тўғри.
2.	Фаннинг асоси – фактлардир.	Нотўғри. Фаннинг асоси назария, аникроғи унинг таркибига кирувчи муаммолардир.
3.	Факт хиссий органлар оркали кайд килинади ва асос мулоҳазаларда ифодаланади, улар назарияга боғлиқ эмас.	Нотўғри. Фаннинг асос мулоҳазалари назариядан келиб чиқади. Фактларни кайд килишда хиссий компонент иксиламчи аҳамиятга эгадир.
4.	Фактларни тушунтириш сингуляр мулоҳазаларни универсал мулоҳазалар таркибига киритишни тақазо қиласди.	Тўғри. Тушунтиришнинг гипотетик-дедуктив усулига альтернатива йўқ. Фактларни тушунтириш гипотеза-назариялардан фойдаланишини тақазо қиласди.
5.	Фан фактлар билан иш кўради	Нотўғри. Фан муаммолар билан иш кўради.
6.	Назария фактларга мос келиши керак.	Нотўғри. Назариядан асос мулоҳазалар келтириб чиқарилади.

Факт ва назариянинг ўзаро муносабати масаласида неопозитивизм ва постпозитивизм нуқтаи назарларининг таққослаб кўрайлик. Бу ерда неопозитивист Р. Карнап ва постпозитивист К. Поппернинг назария ва фактнинг ўзаро муносабати масаласидаги нуқтаи назарларини шундай ифодалаш мумкин:

Р. Карнапнинг нуқтани назарига кўра, назария фактлардан келиб чиқади, у индуктив метод ёрдамида эришилган фактларнинг манзарасидир. Фактлар бўлмаса ҳеч қандай назария бўлмайди. Поппернинг фикрича эса, назария инсоннинг кашифиётидир, уни фактларни оддий кайта ишлаш билан боғлаш мумкин эмас. Олим ихтиёрида бир хил, аммо бир-бирига зид келадиган фактлар бўлиши мумкин. Уларнинг назарияларини яратиш қийинчиллик туғдирмайдигандек туюлади. Аммо энг талантли олимларгина бу мусассар бўлади.



### Р. Карнап К. Поппер концепцияси концепцияси

Поппернинг бу асосий гояларини систематик шаклда кўриб чиқайлик.

(1) **Фанда назариядан фактларга бориб бўлмайди, фактлар назария ёрдамида тушунтирилади.** Аммо савол тугилади: назариянинг ўзи қаердан пайдо бўлади? Поппер уни шундай тушунтиради.

(2) **Янги назария ҳар доимо эски назариянинг танқиди натижасидир.** Унинг манбаларини фактларни қайта ишлашда кўриш шарт эмас. Аммо савол тугилади: “Учинчи назария иккинчи назариянинг танқиди натижаси, иккинчиси биринчисининг танқиди натижаси. Лекин энг биринчи назариянинг пайдо бўлишини қандай тушунтириш мумкин?”

Эҳтимол, у фактларни қайта ишлаш натижасидир?” К. Поппер бунга жавоб бериб таъкидлайдики, биринчи назария тұғмадир.

(3) **Фактни назария ёрдамида тушунтириңг.** Бошқача айтганда, Гипотетик-дедуктив метод билан иш кўринг. Таъкидлаш керакки, илмий тушунтириш механизмини неопозитивистлар ва постпозитивистлар бир хил талқин килишади. Унинг схемаси қуйидагича:

**См**

**Jk**

**мантикий дедукция**

**E**

Бунда См –маълум фактлар ҳақидаги тасдиқ, Jk – фойдаланиладиган конунлар, E – дедукция ёрдамида келтириб чиқарилган факт.

(4) **Назария фактлар орқали текширилиши мумкин эмас, у фактлар орқали фальсификация қилиниши мумкин.** Нима учун назарияни фактлар орқали текшириб бўлмайди. Биринчидан, шунинг учунки, унинг қонунлари ҳодисалар моҳиятига мансуб; иккинчидан, ҳар қандай факт айrim мулоҳазаларда ифодаланар экан, унинг ўзи назария таркибиға киради. Демак, назария фактлар орқали текширилади, десак, мантикий доира, тавталогия вужудга келади: назария назария орқали текширилади.

Икки асосий ёндашувнинг афзалликлари ва камчилликларини кўйирокда кўриб чиқамиз.

Фанни фактларсиз тасаввур килиш мумкинми? Фаннинг том маънода шаклланиши фактлар тўпланиши, тушунтирилиши билан бевосида боғлиқидир.


Илмий фактлар муаммолар қўйишига, турли гипотезалар яратишга туртки беради, эмпирик фактлар назария вужудга келишининг асосидир. Тўғри, фан фактларни шунчаки стихияли равища тўпламайди. Аввало илмий мақсад аниқлаб олиниши, шу асосда ходисаларга маънно ва муайянлик баҳиш этиб, керакли фактларни кўра олиш лозим. Эмпирик фактлар ва назария илмий билим ривожи жараёнида ўзаро диалектик боғлиқликтадир. Уларни айнилаштириш ёки қарама-қарши қўйиш бир томонлама мутлаклаштирилган фактуализмга ва назариябозлилка олиб боради. Бу эса илмий билимларнинг ривожланишида илмий фактларнинг ўрнини тушунишда ўзаро қарама-карши ёндашувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Фактлар тадқиқотнинг турли босқичларида олиниши мумкин. Уни ўрганиш, таҳлилдан ўтказиш, таққослаш, улар ўртасидаги алоқани аниқлаш, булардан хулоса чиқариш ва сўнг янги фактларни излаш учун олинади. Фактлар олимнинг тадқиқотий мухитини яратади. Олим назария ёки гипотезалар яратишда ҳам, уларни текширувдан ўтказишида ҳам фактларга таянади. Ҳар қандай илмий назария фактлар орқали реаллик билан боғланади, фактлар орқали ва фактларда инсон ўзини куршаган оламни ўрганади. Илмий фактлар – ҳақиқатни исботлаш ва илмий хатони исбот этишида энг ишончли далилдир. Назариялар ва гипотезаларни текшириш давомида улар тасдиқланиши ёки инкор қилиниши мумкин, текшириш жараёнида назарияни аниқлаштириши, янги назария яратишни тақозо қиласиган янги фактларга дуч қилиши, уларни топиши мумкин. Гипотезалар, назариялар, парадигмалар, илмий тадқиқот дастурлари алмашиб туради, фактлар эса қолади. Назарияга зид бўлган фактлар илмий тадқиқотнинг энг инқилобий элементи, илмий тафаккурни кучайтириш воситаси, илмий билимни ўстирувчи кучдир.


Фактлар жуда кўп, баъзан улар бир-бирига зид келиши мумкин, зотан воқеликнинг ўзи зиддиятилдири. Фактлар агар илмий бўлса, бир вариантлилик ва объективлик хусусиятларига эга бўлса, объектив дунёнинг кисми сифатида сақланиб қолади.

Сўнгти ўн йилларда янги давр фани ва фалсафасида шаклланган назарийлик ва рационалилк типлари бартараф бўлиши жараёни кечмоқда. Илмий фактларнинг онтологик ва гносологик табиатини қайтадан англаша тенденцияси кўзга ташланмоқда. Фактлар классик рационаллик контекстидаги мураккаб билиш операциялари ёрдамида шаклланадиган эмбриик билим элементларидир. Бундай фаолиятдан мақсад – реал кузатиш ва экспериментнинг маълумотларидан субъектив ҳолатларни – кузатувчиларнинг хатоларини, адашишларини, ускуналарнинг бузуб акс эттиришларини бартараф этишdir. Бунинг учун кузатиш маълумотлари барқарор, инвариант мазмуни ажратиб олиш учун таққосланади, текширилади, рационал жиҳатдан қайта ишланади. Олинган эмпирик билимлар – фактлар – объектив ва ишончли деб баҳоланади. Бу турдаги илмий-тадқиқот фаолияти янги давр рационаллиги идеалларини ифодалайди, факат бир объектив ҳақиқат, бир мантиқ, бир субъект ва ягона борлик бўлиши имкониятини таъминлайди.

Илмий билиш қандай йұналишда тарақкій этмасин, фактларнинг бир томондан билишнинг асоси, иккічи томондан уни асослаш омили бўлиб қолиш хусусияти сакланади. Буни қўйидаги чизмада ифодалаймиз.



Барча фанлар қатори иқтисодиёт фани ҳам турли-туман фактлардан фойдаланади. Объектив иқтисодий жараёнларни ифодалайдиган муҳим тушунчалар, улар мазмунининг аниқ белгилаб олиниши ва талқин қилиниши муҳим иқтисодий фактлардир.



Юқоридаги каби асос бўлувчи фактларга, уларнинг иқтисодий муносабатларда кечадиган жараёнлардан эмпирик билимлар, яъни фактлар тадқиқот этилади. Улар ўз навбатида янги мулоҳазаларга, гинотезаларга, назарияларга, бир сўз билан айтганда янгиликлар тадқиқот қилишга ундайди. Иқтисодиёт фанида қабул қилинган шубҳасиз, объектив фикрларнинг барчаси факт сифатида қаралиши мумкин. Назариялар, гипотезалар тасдиғи ёки инкори сифатида янги илмий фактлар яратилади.

Иқтисодий назариялар иқтисодий фактларга таяниб, уларни тадқиқотий ишлаб чиқиши натижасидир.

Шуни айтиш керакки, илмий фактларни танлаш, талқин қилиш олимнинг дунёкарашита, салоҳиятiga боялиқдир. Фактларни топиш ва ундан хуносалар чиқариш илмий тадқиқотнинг олий шаклидир. Масалан, Ж. Кейж қатор иқтисодий фактларни талқин қилиб, умумлаштириб, неоклассик мактабда қабул қилинган бир қанча аксиомаларни инкор қилди ва иқтисодиёт фанида туб янги қарашларга асос солди.

### Кейнс инкор қилған аксиомалар

1. Талаб ва таклифнинг автоматик жорий бўлиши ҳақидаги тезис.
2. Миллий даромадга мамлакатнинг мазкур иқтисодий потенциали шароитида ўзгармас катталик деб қараш.
3. Пулнинг иқтисодий жараёнларга муносабатда нейтрал характери ҳақидаги ишонч.

Ж. Кейнс юқоридаги тезисларга ишончсызлик билдириб, миллий даромадни белгиловчи сабабларни аниқлаши унинг иқтисодий қарашларининг бош пункти ҳисобланади.

Неолиберализм асосчиси Л. Мизес ҳозирги дунё иқтисодий түзилишининг уч вариантини – соф бозор хўжалигини, “бузилган бозор”ни ва бозорсиз иқтисодни изчил таҳлил килиш натижасида мухим хуласаларга келди. Бозор тизимини таҳлил қилганда у хусусий мулкнинг эволюцияси, бозор хўжалигига унинг ўрни ва роли муаммосини ўрганди. Унингча, хусусий мезон ресурслардан фойдаланишга ёрдам беради ва истеъмолчиларнинг суверенитетини таъминлайди. Фақат хусусий мулкгина рационал иқтисодий фаолиятга асос бўла олади (индивидуалистик рағбатлар туфайли). Мизес бозор хўжалигига пулнинг роли ва вазифаларини, унинг тарихий эволюциясини, инфляция ва олтин стандарт муаммоларини, мулк ва инвестициялар, фоиз, иш ҳаки ва солиқнинг ўзаро муносабати масалаларини ҳар томонлама таҳлил килди.

Мизес хўжаликнинг нобозор тизимини (социалистик тизим) таҳлил қилиб, мантикий ва амалий жиҳатдан социализмнинг мумкин эмаслиги ҳақида хуласа чиқарди.

Юқорида жуда қиска баён этилган қарашлар иқтисодий фактларни тўғри талқин кила олиш натижасидир.

Илмий факт билимнинг оддий шакли бўлса-да, предметнинг моҳиятини тушуниб олишга имкон беради. Фактлар теран назарий илмий билимнинг негизини ташкил этади, уни тасдиклайди ёки инкор этади. Иккала ҳолда ҳам фактлар илмий тадқиқот учун битмас-туганмас салоҳиятта эгадир.

## ТЕСТЛАР

### 1. Факт нима?

- А) Амалга ошган ҳодиса;
- Б) Вокеликнинг бир қисми;
- В) Билиш субъекти предметда қайд қилган нарса;
- Г) Ҳаммаси тўғри;
- Д) Ҳаммаси нотўғри.

### 2. Илмий фактнинг оддий қундалик ҳаёт фактларидан фарқлари:

- А) Тilda ифодаланиши;
- Б) Объективлик ва бир вариантлилик;
- В) Билиш объектидан саралаб олинини;
- Г) Назария унсурлари билан боғликлик;
- Д) Ҳаммаси тўғри.

### 3. Илмий фактларни тушунишда иккни асосий ёндашув

- А) Фактлар – илмий билишнинг асоси, фактлар – назарияни текширувчи мезон;
- Б) Фактларни ҳиссий органлар қайд қиласи, фактларни қайд қилишда ҳиссий компонент – иккиласи;
- В) Факт – ҳақиқат мезони, факт – назарияга мос ҳодиса;

Г) Факт – объектив ҳодиса, факт – субъектив ҳодиса;  
Д) В ва Б тўғри.

4. **Факт ва назария муносабатида неопозитивизм нуқтаи назари**  
А) Фактдан назарияга борилади;

Б) Назария – бирламчи;

В) Факт ва назария бир-биридан ажралмас;

Г) Факт назарияни тасдиқлайди;

Д) Факт назарияни инкор қиласди.

5. **Факт ва назария муносабатида постпозитивизм нуқтаи назари**  
А) Фактдан назарияга борилади;

Б) Назария – бирламчи;

В) Факт ва назария бир-биридан ажралмас;

Г) Факт назарияни тасдиқлайди;

Д) Факт назарияни инкор қиласди.

6. **Ижод жараёнида фактнинг ўрни;**

А) Ижод фактдан кейин бошланади;

Б) Факт – тадқиқот натижаси;

В) Факт – табиий ҳодиса;

Г) Факт факат эмпирик фанларга хос;

Д) Фактнинг тадқиқотга алоқаси йўқ.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.

2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

5. И. Каримов. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.

6. Бартенов С.А. История и философия экономической науки. Пособие к кандидатскому экзамену. -М.: Магистр, 2008.

7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Мақолалар тўплами. -Т.: Чўлпон номидаги нашриёт тадқиқот-матбаси, 2008.

8. Дунёвийлик фалсафаси (мақолалар тўплами). -Т.: ТДИУ, 2007.

9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М., 2006.

10. Канке В.А. Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-л, 2008.

11. Канке В.А. Философия экономической науки: Учебное пособие. -М.: Инфра-М, 2007.

12. Шермухамедова Н. Билиш фалсафаси. -Т., 2005.

13. Летов О.В. Проблема научной объективности в позитивистской философии. //Вопросы философии, 2011, №12

14. Паханов Б.Я. Проблемы индукции: Карл Поппер и Имре Лакатос. // Вопросы философии, 2009 №11.

## **8-мавзу. ЭКСПЕРИМЕНТ – ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДА ДАЛИЛЛАШ МЕТОДИ СИФАТИДА**

**1. Эксперимент түшүнчеси ва экспериментал методнинг вужудга келиши.**

**2. Эксперимент турлари ва унинг турларда құлланилиши**

**Таянч түшүнчелер:** эксперимент, экспериментал фан, ўрта аср Марказий Осиёлик олимлар, Беруний, назарий табиатшунослик, экспериментнинг функциялары, реал эксперимент, фикрий эксперимент, илмий кузатыш, ўлчов, баҳо.

Илмий тадқиқот илмий билиш ўсишининг асосида ётадиган ишончлы фактларни олишдан бошланади. Ишончлы фактларни олиш, түшүниш ва қайта ишлашда эксперимент мухим ахамият касб этади. У илмий кузатышдан фарқ килиб, билиш объектини соф ҳолда ўрганишга, қайта тақрорлаб текширишга имкон беради. Демак, эксперимент предмет ва жараёнларни назорат килинадиган ва бошқарладиган шароитда ўрганиладиган илмий билиш методидир.

### **Эксперимент яратадиган имконияттар**

- Олим учун кераксиз, халақит берадиган, ортиқча омилларни сунъий рационалды бартараф килиб, ходисаларни “соф ҳолда” ўрганишга имкон беради.
- Предметнинг сифат ва хусусиятларини сунъий яратилған экстремал шароитларда ўрганишга ёки табиий шароитларда аниклаш кийин бұладиган (жуда күчсиз намоён бұладиган ва умуман намоён бўлмайдиган) томонларини тадқиқ килишга имкон беради.
- Ҳаққоний натижага еришиш учун турли шароитларни режали рационалды яратиш ва ўзгартириш имконини беради.
- Қаттың қайд қилинадиган ва тақрорланадиган шароитларда жараённинг кечишини кўл марта қайтариш имконини беради.

Хозирги замон фанларининг (табиатшунослигининг) вужудга келиши илмий экспериментал методнинг құлланилиши билан бөглиқ. Қадимги давр маданияти бундай заруратни тақозо қилмас эди. Бу ҳақида батафсил тўхтalamиз.

Экспериментал тадқиқот гояси маданиятда табиат ҳақида, билувчи субъект ва унинг фаолияти ҳақида алоҳида тасаввурлар бўлишини тақозо қилади. Экспериментал тадқиқот гояси материянинг табиатига қарши турға оладиган, ундаги нарсаларга таъсир килиб ўзгартира оладиган куч сифатидаги субъектни таъе олиш билан бөглиқ. Табиий объект сунъий яратилған шароитта қўйилса ўзининг кўринимас туб алоқаларини субъект учун намоён этади. Демак, табиий объектни экспериментда билиш мумкин. Шунинг учун Европа маданиятидаги янги даврда табиатнинг ўзида яширган сирларини “фош қилувчи” эксперимент кенг тарқала бошлаган.

Шуни айтиш кераки, янги давр Европа табиатшунослик фани Қадимги Грек натурфалсафаси асосида шакллана олмас эди. Марказий Осиёлик ўрта асрларда яшаган буюк олимлар ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Беруний, Ибн

Сино ва бошқалар кузатиш ҳамда эксперимент методидан фойдаланишда бир қадам олға кетдилар. Шу даврда табиатшуносликнинг мустақил фан сифатида шаклланиши рўй бера бошлади. Бу борада айниқса, Абурайхон Беруний катта хизмат қилди. Буни Тохир Карим бир қанча китоб ва мақолаларида исботлашга харакат килган<sup>1</sup>. У “Дунёвийлик фалсафаси” мақоласида шундай деб ёзди: “Беруний фикри бўйича” “Хеч қандай моддий ёки маънавий омил тажрибанинг илм-фан соҳасидаги асосий мезонлик вазифасини бажара олмайди. Шунинг учун ҳам у мантиқан тўғри бўлиб кўринган нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги билимлар “аслида синов ҳамда тажрибада аникланиши лозимdir” – деган талабни илгари суришди ва унга ўзи изчил амал қилди, бу билан эса ҳозирги замон фани олдига кўйиладиган мезонларга риоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари, табиатшунослик фанлари асосларини яратиб беришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Бундан шу нарса маълум бўладики, Ал-Беруний XVII аср Европа мутафаккирларидан олтн аср олдин ҳозирги замон фанлари учун асос бўлиб хизмат қилаётган қоидалар (талаблар)ни ўртага ташлаб, унга ўзи изчил амал қилганилигидан дарап беради.

IX-XII аср Шарқ уйғониш даври дунёвий фанлари фақат мантиқий мезонлар билан чекланиб қолмасдан, балки эътиқод ва мантиқ талабларига мос ҳукмрон ҳулосаларни кузатиш ҳамда тажрибалар орқали тасдиқланган билимларни<sup>2</sup> йигиб бир тизимга солишига алоҳида эътибор қаратганлар<sup>2</sup>.

Тохир Карим ўз мулоҳазаларидан шундай ҳулоса чиқаради: “Дунёвий фанларнинг қарор топиши, уларнинг мустақил фан соҳалари сифатида ажralиб чиқиш жараёни XVII Европада эмас, балки IX-XI аср мусулмон Шарқ мутафаккирлари, хусусан, Марказий Осиё алломаларининг машақватли изланишлари туфайли содир бўлган деб ҳисоблаш лозим. Агар IX-XI аср Шарқ илмий тафаккури бўлмаганида эди, XVII-XVIII аср янги давр Европа табиатшунослик фанлари ҳам қарор тапмаган бўлур эди. Чунки қадимги юон натурфалсафаси Европада Янги давр классик фанларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган асосларни яратиб бера олмас эди”.

Табиат бу тасавурлар тизимида бир хил ҳусусиятларга эга бўлган сифат жиҳатидан турлича нарсаларнинг алоҳида композицияси сифатида қабул қилинади. У қайтарилмас индивидул нарсалар сингиб кетган қонунсимон боғланишларнинг харакатлар майдони сифатида намоён бўлади.

Табиатни бундай тушуниш Янги давр маданиятида “натура” категориясида ифодаланди. Қадимги грекларда бундай тушуниш бўлмаган. Уларда табиат тушунчаси “фюсис” ва “космос” категорияларида ифодаланган. Фюсис ҳар бир нарсадаги алоҳида, сифат жиҳатидан ўзига хосликни, нарсаларда жо бўлган моҳиятни билдирган. Бундай тасавур инсонни нарсаларни сифат сифатида, шаклланган материя сифатида, унинг аҳамияти, мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда билишга йўналтирган. Космос бу дунёқараш йўналиши тизимида ўз табиатига кўра алоҳида мустақил моҳият

<sup>1</sup> Бу ҳақда каранг: Тохир Карим. Миллӣ тафаккур тараккиётидан. -Т.: Чўлпон, 2003; Ўша муаллиф. Дунёвийлик фалсафаси// Дунёвийлик фалсафаси. Мақолалар тўплами. Т.: ТДИУ, 2007.

<sup>2</sup> Тохир Карим. Дунёвийлик фалсафаси, 10-бет.

сифатида қабул қилинган. Унда ҳар бир алоҳида “Физик мавжудлик” маълум ўрин ва аҳамиятга эга, бутун космос тугал мукаммаллик сифатида майдонга чиқади.

Космоснинг битмас туганмас ҳаракати антиқ давр мутафаккирига маълум чегарарадаги абадий айланма ҳаракат бўлиб, унинг ичидаги бутуннинг гармонияси доимий қайта ишланади, шунинг учун ҳаракатчан ва ўзгарувчан Космос бир вақтнинг ўзида қисмлари бир-бiriни тўлдириб, тугал гармония яратадиган бутунлик сифатида тасаввур қилинди. Абадий ҳаракат ва ўзгаришлар образи греклар тасаввурнида шарсизон шакл гояси билан уйғунлашиди (космос деярли барча файласуфлар томонидан шарга ўхшатилган). Табиатини бундай алоҳида маъноси шаҳар-давлат эркин аҳолисининг бутун фуқаровий бирлигини ифодалайдиган полис ҳаёти билан ҳамоҳангдир. Полис идеалда турли туманлиқда бирлик, бу бирликнинг реаллиги Космос деб тасаввур қилинган. Табиат қадимги грек учун шахсиз, жонсиз нарса эмас, у алоҳида қисмлари – нормалар ўз аҳамияти ва функцияларига эга бўлган тирик организм сифатида тасаввур қилинган. Шунинг учун антик мутафаккирга дунёни қисмларга зўрлик орқали ажратиш йўли билан англаш ва уларнинг табиатига мос бўлмаган эрксизлик шароитида ўрганиш бегона бўлган. Унинг тасаввурнида тадқиқотнинг бундай усули Космос уйғунлигини факат бузиши мумкин, лекин бу уйғунликни топа олиши мумкин эмас. Шу сабабли барча “физик мавжудлислар”га мақсад берувчи космосни англашга фактат кузатиш, жонли мушоҳада орқали эришиш мумкин. Бу усул ҳақиқатни излашнинг асосий усули сифатида баҳоланган.

Табиат ҳақиқати билимни сунъийлик (тэхне) ҳақиқати билимга қарама-қарши кўйганлар. Антик даврга ҳам, унинг ўрнида қарор топган Европа ўрта аср даврига ҳам табиийлик ва сунъийликни кескин чегаралаш хос бўлган. Механика антик даврда табиат ҳақиқати билим деб ҳисобланмаган, инсон кўли билан яратилган сунъий билим деб ҳисобланган.

Ҳозирги замон фани, назарий табиатшунослик эксперимент методига асосланади ва демак, техноген цивилизациянинг шаклланиши давридагина вужудга келиши мумкин эди. Бу давр маданиятининг маънавий асоси инсон ва инсон фаолиятини янгича тушуниш бўлди. Бу Ренессанс ва Янги даврга ўтиш шароитдаги буюк ўзгаришлар жараёни билан боғлиkdir. Бу тарихий даврда маданиятда ҳар кандай фаолиятга қадрият, ижтимоий бойликнинг манбаси сифатида муносабат шаклланди.

Маданиятдаги ўзгаришлар қадриятли йўналишларнинг янги тизимини вужудга келтирди. Уйгониш даври маданиятида янги қадриятлар тизими мухокама килина бошланди.

Қадриятлар янги тизимининг икки жиҳати бор:

1. Ўрта аср дунёқарашига зид равишида инсон қонцепциясини фикрлайдиган, фаол ҳаракат қиласидиган, табиатга фаол қарши турла оладиган куч сифатида тушуниш билан боғлиқ гуманистик гояларнинг янги тизими қарор топди.

2. Табиатга инсоний кучларни сафарбар этиш майдони сифатида қаралиб, уни билишда манфаатдорлик қарор топди.

Уйгониш давридаёқ, инсон фаолиятида яратиладиган табиий ва сунъий реаллик ўртасидаги бөгланишларни янгича тушуниш шакллана бошлади. Дүнёнинг худо томонидан яратилғанлыги ҳақидаги анъанавий христиан таълимоти бу ерда ўзига хос талқин қилинди. Дүнёни яраттан илохий ақлга муносабатда табиатта сунъий нарса сифатида қаралди. Инсон фаолияти эса яратиш актининг кичик ҳажмига ўхшатиб қаралди. Бу фаолиятнинг асоси табиатдан таъсирланиш (ўрнак олиш), унда ақлий бошлангичларни (қонунларни) билиш ва инсон санъатида – фанда, бадиий тадқиқотда, техник ихтироларда уларни англаб етиш тушунилди. Табиийлик ва сунъийлик тенглашди, уларга таъсир қилувчи ва ўзгартирувчи ақлий фаолият юкори баҳоланди.

Шундай килиб, экспериментал фанлар равнақ топа бошлади. Илмий билишнинг эксперимент, индукция, дедукция ва бошқа методлари ишлаб чикилди. Илмий тадқиқотда, янги илмий натижаларга эришишда айниқса экспериментал методнинг аҳамияти катта бўлди.

Ҳар қандай илмий эксперимент олимнинг ўрганилаётган объект тадқиқотига фаол, тадқиқотий, мақсадга йўналган фаолияти билан бөглиқ. Экспериментда объектнинг табиий шароитда билинмайдиган ёки етарли кузатиб бўлмайдиган сифатларини намоён қилишига кулай шароит яратадилар. Экспериментнинг шароитини у ёки бу йўналишда ўзгартириб, объектнинг турли шароитлардаги сифат ва хусусиятларини характерлайдиган бой материалга эга бўладилар. Одатда экспериментта уч мақсадда мурожаат қилинади.

### Экспериментта таянишнинг З мақсади

- Мавжуд билимлардан келиб чиқмайдиган билимларга эришиш, объектда биз учун номаълум бўлган сифат, хусусиятларни топиш.
- Қайсиdir гипотеза ва назариянинг тўғрилигини текшириш зарурлиги
- Ўкув мақсадида қандайдир ҳодисани “кўрсатиш”.

Илмий эксперимент натижалари илмий гипотезалар ва назарияларнинг ҳақиқат мезони бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги даврда эксперимент барча фан соҳаларида кўлланилмоқда, атрофимизни ўраб турган воқеликнинг янада кўпроқ объект ва ҳодисаларини қамраб олиб, узлуксиз такомиллашиб, ўсиб бормоқда. Фан-техника ривожи оқибатида эксперимент ўтказиш имкониятлари хам ошмоқда. Ҳозирги замон лабораториялари, уларда кўлланиладиган асбоб-ускуна ва аппаратуралар олам ичига тобора чукур кириб боришни, зарур экспериментлар ўтказишни таъминланмоқда.

### **Эксперимент учун зарур шароитлар**

- Экспериментатор ёки тадқиқотчилар гурухи
- Лабораториялар
- Лабораторияларда ўрганиладиган объектлар
- Аппаратуралар
- Ёрдамчи техник мосламалар.

Илмий экспериментнинг барча кўринишларида олим ўрганилаётган ҳодиса ҳақидаги маълум информацияга асосланади, эксперимент ўтказишнинг усули ва конкрет йўлларини белгилашда ундан келиб чиқади. Ҳар бир конкрет

экспериментда маълум илмий муаммоларни ҳал қилиш мақсади кўйилади. Экспериментни ўтказиш шароити ва қўйилган мақсадларга боғлиқ ҳолда унинг кўп кўринишлари мавжуд. Реал ва идеал, параллел ва моделли ва х.к бўлиши мумкин.

Реал, табиий экспериментларга И.П.Павловнинг итлар билан ўтказган тажрибаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Параллел экспериментларга бир хил обьект устида космосда ва ер шароитига ўтказиладиган экспериментларни кўрсатиш мумкин. Бу тажрибалар натижаларини таққослаш космос шароитига объектнинг хатти-харакати, ва сифатларидаги ўзига хослик аниқланади. Иктиносид омиллар сабабли (ўта қимматга тушиши) объектнинг ўзи билан эксперимент ўтказиш кийин бўлганда объектнинг реал назарий модели устида утказилади.

Моделли экспериментнинг алоҳида тури фикрий, идеал эксперимент-лардир. Бундай экспериментларда экспериментаторнинг тасаввурлари, фантазияси мухим роль ўйнайди. Пулнинг микдорий назарияси иктиносид тадқиқотларда фикрий экспериментга мисол бўла олади. Мазкур жамиятнинг маълум босқичида  $M$  пул микдорининг турли ижтимоий-иктиносид шароитда ўртacha айланисини ўзаро таққослаб, модделлаштириб, фикрий эксперимент ўтказилса, куйидаги боғлиқликка олиб келади.

$$MV=PQ$$

бу ерда  $M$  – пулнинг ўртача микдори,  $V$  – ахоли дорамадлари айланмасида пулнинг айланиси тезлиги;  $P$  – товар ва хизматлар баҳоси индекси,  $Q$  – миллий маҳсулот физик ҳажмининг кўрсаткичи. Бу фикрий эксперимент обьект иктиносид параметрлари ўтасида доимий, қайтариладиган қонуний боғлиқликни аниқлаб олади.

Ҳозирги фан даражасида ўлчов асбобларидан линейка, соат, ҳисоблагич ва шу кабилардан фойдаланмасдан эксперимент ўтказиб бўлмайди. Асбобларни тайёрлашдан олдин унинг аҳамиятини илмий англаш бўйича катта иш амалга оширилади. Ўлчов асбоби нимани ва қандай ўлчаш аниқлангандан кейингина пайдо бўлади.

Ўлчашда сифат жиҳатдан бир хил таснифлар таққосланади. Агар ҳодисалар сифат жиҳатдан ўхшащ бўлмасалар, у ҳолда уларни бир ўлчов билан ўлчаб бўлмайди. Шундай қилиб, А ва В ўлчови қуидагиларни талаб қиласди:

- А ва Внинг сифат жиҳатидан айниийлигини белгилаш.
- Ўлчов бирлигини киритиш (секунд, метр, килограмм, доллар, (балл);
- Ўлчовнинг ўёки бу шкаласини таъланаш;
- А ва В нинг улар белгилари катталигини қайд қилиш хусусиятига эга асбоб билан ўзаро таъсири.
- Асбоблар кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- Ўлчов маълумотларини талқин қилиш.

Агар экспериментаторлар у ёки бу асосларга кўра ўлчовларсиз иш кўрсалар, унда асосан обьектнинг сифат характеристикалари билан чекланадилар. Аёнки, қоидаги кўра, экспериментни ўлчаш босқичигача етказиш мақсадга мувофиқдир.

Үлчов табиий ҳодисаларни объект қилиб олувчи дескриптив фанларда ва инсон хатти-харакатларини ўрганидиган аксиологик фанларда, жумладан, ижтимоий фанларда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу тафовут мұхим, принципиал ахамиятта эга. Фақат деструктив фанлардагина ўрганидиган ҳодисалар ҳам, үлчов асбоблари ҳам предмет кўринишида мавжуд. Аксиологик фанларга келганда вазият тубдан ўзгаради. Қадриятлар ва мақсадлар предметли ҳодисалар шаклида мавжуд эмас, моддий объектлар ва уларнинг ўзаро таъсири билан бир каторга қўйиб бўлмайди. Шу сабаб қадрияти-мақсадли таснифларни ўлчаш учун моддий асбоб-ускуналарни кўллаш мумкин эмас. Товар қийматини ва инсоннинг билим даражасини үлчовчи асбоб ясаш учун шунча кўп куч сарфланганки, оқибатда ҳаммаси бекор кетди. Товар қиймати ҳақиқатда ҳам ўлчанади, аммо моддийлашган асбоб-ускуна ёрдамида эмас.

Прагматик фанларда үлчов баҳолаш характеристини касб этади, маълумотлар баҳо кўринишида намоён бўлади. Қадриятлар ва мақсадлар рентген тахлилига бўйсунмайди; уларни мос равишда талқин қилиш ва баҳолаш керак. Баҳолаш қандай ишлаб чиқилиши бу фанларда тушунтириб берилади. Дейлик, талаба баҳолар үлчови жараёни ҳақида етарли тасаввурга эга бўлиши мумкинки, педагоглар имтиҳонларда қўйган баҳога танқидий муносабатда бўлишлари мумкин.

Қиймат катталигини ўлчаш билан боғлик бу мисолимиз кўп муносабатларда намунавийдир. Бу мисол прагматик фанлар учун қўйидаги мулоҳазаларни тасдиқлади:

- Ўлчаш жараёни мумкин;
- Ўлчов бирлиги ва унга мос шкала киритилади (сўм ва тийинни доллар ва цент билан таққослаш);
- Баҳоларни ўлчаш учун асбоб тайёрлаш мумкин эмас.

Экспериментал метод бевосита экспериментнинг мазмунинигина эмас, кўпинча унга ҳақсиз равишда қарама-қарши қўйиладиган кузатишининг мазмунини ҳам ифодалайди. Бунда кузатиш эксперимент босқичларидан бири сифатида эмас, билишнинг алоҳида усули сифатида тушунилади. Ҳолбуки, қатъий айтсак, кузатиш экспериментнинг етилган ҳолатидир, деб талқин қилса бўлади. Ҳақиқатан ҳам, кузатиш жараёнида тадқикотчи бу жараён шароитларини ўзгартириш имкониятига эга эмас. Бу муносабатда, масалан, космик объектлар ёки иқтисодий реформаларнинг боришини кузатиш ҳарактерлидир. Лекин кўрсатилган чекланишларга қарамай, олим кузатилаётган жараёниларга оид тегишли маълумотларни олади, уларни қайта ишлайди. Унинг фаолияти экспериментаторнинг фаолиятига тўла мос келади.

Шундай қилиб, эксперимент методи илмий билимлар ўсишининг маълум босқичида вужудга келиб, фан ривожида янги давр бошланишига асос бўлди. Ҳозирги замин фани экспериментал методни кўллагани билан илгариги билимлардан тубдан фарқ килмади. Ҳодисаларнинг шундай жихатлари мавжудки, уларни фақат экспериментал метод орқали билиб олиш мумкин. Янги, илгари бизга номаълум билимларга эришишимизга имкон берилишидан ташқари эксперимент мавжуд гипотеза ва назарияларни тасдиқлаш ёки инкор қилиши йўли билан фан олдига янги муаммолар қўяди.

Хозирги давр фанида эксперимент янада мустақам ўзини тутади. Техника ва технологиянинг ривожланиши экспериментал методнинг имкониятларини янада кенгайтироқда.

### ТЕСТЛАР

**1. Антик давр илмий билимларнинг асосий ютуғи**

- А) ҳодисалар тақоррланишининг сабабини излаганлар;
- Б) экспериментал методни яратганлар;
- В) назарий табиатшуносликни яратганлар;
- Г) фан ва фалсафани мустақил билим соҳалари сифатида ажратганлар;
- Д) натурфалсафани яратганлар.

**2. Европада экспериментал фанларнинг ясосчиси ким?**

- А) Ньютон;
- Б) Галилей;
- В) Ф.Бэкон
- Г) Коперник;
- Д) Леонардо да Винчи.

**3. Эксперимент нималарга имкон яратади:**

- А) ҳодисаларни соғ холда ўрганишга;
- Б) ҳодисаларни ўзи истаган вактда кайта кузатишга;
- В) нарсаларнинг табиий шароитда билиб бўлмайдиган томонларини билишга;
- Г) янги билим олишга;
- Д) ҳаммаси тўғри.

**4. Кузатиш ва экспериментни илмий метод сифатида қўллашда илгарилаб кетган олим қайси қаторда;**

- А) Форобий;
- Б) Фаргоний;
- В) Хоразмий
- Г) Ибн Сино;
- Д) Беруний.

**5. Экспериментдан мақсад нима?**

- А) эришилган билимни текшириш;
- Б) янги билимларга эришиш;
- В) гипотезалар яратиш;
- Г) назария яратиш;
- Д) ҳаммаси тўғри.

**6. Ижтимоий фанларда ўлчовни тушунтиринг:**

- А) ўлчов бўлмайди.
- Б) баҳо кўринишида намоён бўлади;
- В) ўлчов-табиий фанларга хос, ижтимоий фанларда чекланган
- Г) энг такомиллашган асбоблар ишлатилади;
- Д) ўлчов ижтимоий фанларда сонда ифодаланади.

**7. Фикрий эксперимент экспериментнинг қайси күрнишга киради:**

- А) параллел эксперимент;
- Б) Табиий эксперимент;
- В) Моделли эксперимент;
- Г) Ижтимоий эксперимент;
- Д) Жавоб йўқ.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий–иктисодий инкиrozи ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Бартенов С.А. История и философия экономической науки. Пособие к кандидатскому экзамену. -М.: Магистр, 2008.
7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Мақолалар тўплами. -Т.: Чўлпон, 2008.
8. Дунёвийлик фалсафаси (мақолалар тўплами). -Т.: ТДИУ, 2007.
9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М., 2006.
10. Канке В.А. Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-Л, 2008.
11. Пахомов Б.Я. Проблемы индукции: Карл Поппер и Имре Лакатос. /Вопросы философии, 2009, №11
12. Перегудов ва б. Илмий тадқиқот методологияси. -Т.: Молия, 2002.
13. Каримов Т. Миллий тафаккур тараккиётидан. -Т.: Чўлпон, 2003.
14. Канке В.А. Философия экономической науки. Учебное пособие. -М.: Инфра-М, 2007.
15. Мамчур Е.А. Фундаментальная наука и современные технологии// Вопросы философии, 2011, №3
16. Шермухамедова Н. Билиш фалсафаси. -Т., 2005.

## **9-мавзу. ГИПОТЕЗА ВА УНИНГ ТАДҚИҚОТ ЖАРАЁНИДАГИ РОЛИ**

1. Гипотеза тушунчаси ва моҳияти.
2. Гипотезанинг турлари.

**Талич тушунчалар:** тахмин, гипотеза, гипотеза босқичлари, ишчи гипотеза, гипотеза ривожининг йўналишлари, гипотеза ва эксперимент, гипотеза ва назария, конвенционализм, индуктив метод, меркантилизм, К. Менгер, Е. Бем-Баверк, тўлдирувчи гипотеза, илмий тадқиқот дастури.

Илмий тадқиқот жараёни мураккаб тузилмага эга, у ўзаро боғлиқ бўлган катор босқичлардан иборат. Илмий фактлар, илмий муаммолар, эксперимент ва гипотезалар, назариялар илмий билишнинг ана шундай унсурларидир.

Биз юқорида кўриб ўтдикки, илмий тадқиқот нимадан бошланади деган саволнинг ечими ҳам мунозарали бўлиб, у муаммолардан, фактлардан кузатишлардан бошланиши ҳақида мулоҳаза юритиши мумкин. Бундай ҳолат илмий тадқиқот унсуриларнинг билишнинг маълум босқичида босиб ўтилиб, кейинги босқичларда зарур бўлмаслиги ҳақидаги тассаввурни инкор қиласди. Илмий тадқиқот унсурилари кўп қиррали, турли босқичларда, турли мақсадларда фойдаланилади. Гипотеза ҳам бундан мустасно эмас. Ўз навбатида фактлардан, назариялардан янги-янги гипотезалар келиб чиқади.

Гипотеза мавзуси мантиқ, фалсафа фанларида кўриб ўтилганлиги учун биз муаммонинг айрим жиҳатларига тўхталамиз.

Гипотеза илмий билимлар ривожланишнинг асосий шаклидир. У муаммолилиги ва эҳтимоллиги билан характерланадиган назарий билим. Ҳар кандай фараз ҳам гипотеза бўлавермайди. Маълум даражада мантикий ва эмпирик асосларга эга реал мумкин бўлган билимни гипотеза сифатида қабул қилиш мумкин. Бунинг учун у бир қанча талабларга жавоб бериши (зарур шароитларга эга бўлиши) шарт.

### **Илмий гипотезанинг зарур шароитлари**

1. Фанда қабул қилинган қонунларга мослиги.
2. Ўзи асосланган ва уни тушунтириш учун ўзи олға сурган фактик материалга зид бўлмаслиги.
3. Формал мантиқ қонунларига зид бўлмаслиги керак.
4. Ортиқча, соф субъектив истаклардан ҳоли, сунъий қўшимчаларсиз бўлиш керак.
5. Тасдиқланиш ёки рад килиниш имконияти бўлиши керак.

Олимнинг тафаккурида туғилган дастлабки фараз интуитив, кўпинча тасодифий, куттилмаган хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Мавжуд билимлар умумлашмаси бўлган гипотеза олимнинг фантазияси, илмий сезгисини кўзғатади. Гипотезани исботлаш учун далиллар қидириш мавжуд билимни кенгайтиради ва теранлаштиради, олимни янги ғояларни илгари суриш ва уларни асослашга олиб келади. Илмий тадқиқотнинг натижаси, пировард мақсади ҳақиқий, исботини топган билимга эришишдир.

Олим илмий гипотезани ҳаққоний билимга айлантириш учун илгари суради. Ж.С.Милл ўзининг “Мантиқ тизими” асарида шундай деб ёзган эди: “Илмий гипотезанинг шарти абдий гипотеза бўлиб қолища эмас, балки кузатилган фактларга уни таққослаб, исботлаш ёки бўлмаса инкор этишдадир”.

Гипотеза учун етарли илмий шароит бўлмаса, у оддий фараз бўлиб колаверади. Бунинг учун қундалик ҳаёт онги даражасидаги далиллар эмас, илмий далиллар керак. 1856 йилда Неандер водийсида ҳозирги одамнига нисбатан энли, узун бош суяги топилган. У ҳақда қўйидаги 4 та фараз олга сурилди:

1. Доктор Майер: бу Наполеон армиясини қувиб, ғорга кириб ўлган рус казаги.

2. Франсуз олими Прюнер-Бей: Бу бош суяги жисмонан кучли, ақли камроқ кельтга тегишли бўлса керак.

3. Доктор Вагнер: Кекса голландга тегишли бўлса керак

4. Рудольфа Вихров: болалигига раЖит бўлган, кексайганда бошига бир неча зарба олган, патологик ўзгаришларга учраган кишининг бош суяги.

Бу фаразларни олга сурган олимларнинг ҳаммаси бир масалада яқдил эдилар: Бу калла суяги-Наполеон даврида Ерда яшаган одамнинг калла суяги.

Юқорида келтирилган тўрт фараз ҳам етарли илмий далилларга асосланмаган. Ҳали фан ўтган вақтни – калла суяги қаҷондан бери мавжудлигини аниқлаш имкониятига эга эмас эди. Кейинчалик маълум бўлди, бу бош суяги бир неча ўн минг йил илгари мавжуд бўлган одамнинг (неандертал одамнинг) калла суяги экан.

Гипотеза ўрганилаётган ҳодисанинг моҳияти олимлар томонидан қай даражада теран тушунилганлигини кўрсатади, илмий ҳақиқатни излашга, фактларни саралаб, тўғри ва соҳталарини ажратишга йўналтиради, бу илмий билишнинг ўсишига кўмаклашади.

#### Гипотеза ривожининг асосий босқичлари

Босқичлари	Мазмуни
Биринчи босқич	Ўрганилаётган ҳодисани маълум бўлган фактлар, мавжуд конун ва назариялар асосида тушунтиришга уриниш.
Иккинчи босқич	Мазкур ҳодиса конуннинглари, сабаблари, боғланиш ва муносабатлари ҳақида тахминни олга сурини.
Учинчи босқич	Олга сурилган тахминнинг асосланганлигини, самарадорлигини баҳолаш, тахминлардан гипотезани танлаш.
Тўртинчи босқич	Олга сурилган қондани билишнинг яхлит тизимига айлантириш ва ундан эмпирик текшириш мақсадида дедуктив хулосалар чиқариш.
Бешинчи босқич	Гипотезадан келиб чиқадиган хулосаларни тажрибада, экспериментда текшириш. Оқибатнинг эмпирик тасдиғи унинг тўла чинлиги учун кифоя эмас, оқибатнинг бироргаси инкор килинishi гипотезанинг умуман ҳатолигини билдирамайди. Унинг чинлигини ҳал килувчи текширув охир-оқибатда амалиётдир. Бунда назарий мантикий мезон ҳам маълум рол ўйнайди.

#### Гипотеза қўйидаги ҳолларга лаёҳатли бўлиниши зарур:

- Муайян маъно ва мазмунига эга бўлиши;
- Илмий башорат қилиш, асослаш қобилиятига эга бўлиши;

- Илмий дунёкараш принципларига мувофиқ бўлиши;
- Илмий тадқиқот меҳанизмидаги фаол ишлари.

Илмий тадқиқот жараённида, янги, Нилье Бор тавсир билинг айтганда, “тебанамо” гипотезалар олга суридлас экан, бу фанда тургулилк ҳукм суроёттанидан дарак беради. Қарама-қарди гипотезалар илмий билиш оламида яшаб қолиш учун ўзаро кураш олиб борадиган ҳакиқий мухит илмий билимнинг жадал ўсишида кўзга ташланади.

Гипотеза илмий билимни ривожлантириш методи сифатида 5 асосий босқичси босиб ўтади.

Илмий гипотеза уч йўналишда ривожланади.

#### Илмий гипотеза ривожининг уч йўналиши

1. Гипотезани ўз доирасида аниқлаш ва конкретлаштириш
2. Гипотезанинг ўз-ўзини инкор қилинг.
3. Гипотезанинг назарияга айланниш.

Гипотезаларнинг эксперимент ва назариялар билан ўзаро боғлиқнинг, ўзаро муносабати унинг характери ва функцияларидаги намоён бўлади.


Илмий гипотезанинг эксперимент ва назария билан алокасини кўйидаги кўринишда ифодалаймиз.



Бунда илмий тадқиқот уч шакли (босқич) ўзаро боғлиқнинг, бу боғлиқликнинг турли-туманлиги кўриниш турбиди. Эхтимол чин билим бўлган гипотезалар унинг ишончлилигини аниқловчи усул сифатида экспериментда текшириб кўрилади. Ўз навбатида эксперимент натижасида гипотеза тасдиқланиши, конкретлашиши ёки инкор қилинини мумкин. Гипотеза амалиётда тасдиқланса, шубҳасиз чин билимга, назарияга айланади. Ўз навбатида назария турли янги гипотезаларнинг шаклланишига олиб келади.

Гипотезанинг шаклланишида экспериментнинг ўрни ҳар хил бўлини мумкин.

#### Гипотезанинг эксперимент билан муносабат гипотеза



Гипотезаларни турли асосларга кўра туркумлаш мумкин, улар мазмунининг умумийлигига кўра (хусусий, умумий, умумийлайтириш асосида), акс эттирган обьектлар даражасига кўра (микрообъектлар, макрообъектлар ва мегаобъектлар ҳакидаги гипотезалар), вакт омилларига кўра (тмиш, хөзирги замондаги ва келажак ҳодисалари ҳакида), обьектнинг турли жиҳатларига кўра (объектнинг тузилиши, унинг қисмларининг) фаолияти, мавжудлик максадлари

хакида, объектнинг моҳиятига кириш даражасига кўра (тавсифий, тушунтирувчи, тизимли гипотезалар), ифодалаш усулига кўра (расмийлаштирилмаган ва умуман расмийлаштирилмайдиган ва умуман расмийлашмайдиган, расмийлаштирилган (мас, математик ва моделли), тадқиқот жараёнидаги ролига кўра (фараз гипотеза ишчи гипотеза, конструктив гипотезалар) туркумларга ажратиш мумкин.

Биз бу ерда тўлдирувчи гипотезалар тўгрисида гаплашамиз. Фан файласуфи К.Поппер индуктив методни ярақсиз деб ҳисоблади. Назарияни (гипотезани) рад этувчи бир далил унинг ҳатолигини исботлайди, дейди. Ҳакиқатан ҳам детерминизм принцинига асосланган индуктив холоса эҳтимоллик унсурларини ўзида саклади. Лекин табиатдаги барча қонунлар ҳам бир хилдаги детерминацияга эга эмас. Ҳатто эҳтимоллиги бўлган қонунларда ҳам бир хил оқибатлик принципи ўзига хос ҳолда намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Чекиши билан боғлиқ қасалликлардан ўлимнинг эҳтимоли, тибиёт статистикаси маълумотларига кўра, бир йилда 50000 кишига 5 та тўғри келади – бу рақам йилдан йилга, мамлакатлардан мамлакатларга таққосласангиз, барқарор турганига ишонасиз ва бу статистик қонун ҳолати учун табиат бир хиллиги принципининг намоён бўлишидир, ҳамда хусусий статистик маълумотлар асосида индуктив умумлаштиришларга имкон беради. Бундай индуктив умумлаштиришлар шубҳасизdir.

Индуктив методни конвенционализм принципи кутқаради. Масалан, “Ҳамма оқкушлар оқдир” деган кундалик ҳаётдаги умумлаштиришни биргина мисол, қора оқкушларнинг учраб қолиши инкор қиласидек туюлади. Аммо илмий билим доирасида ҳатто эмпирик умумлаштиришлар даражасида ҳам масала анча мураккаб. Орнитолог олимлар табиатда оқкушларнинг бир қанча турини кайд қилганлар. Фанда “Ҳамма оқкушлар (мазкур биологик тур) оқдир” ҳукми “Оқкушлар (Австралияда яшайдиган бошқа биологик тур) корадир” ҳукми билан инкор қилинмайди. Одатдаги инкор илмий тил доирасида атамани аниклаш билан ҳал қилинади. Фан ривожи эҳтиёжлари вакти-вакти билан асосий тушунчаларни қайта кўриб чикишни, келишувларни зарур қилиб кўяди. Ҳакиқатан ҳам, масалан, күёш системасида ҳозиргача маълум бўлган нечта сайёра бор, деган саволга жавоб бериш учун қандай осмон жисмларини сайёра деб аташ мумкинligини олдиндан келишиб олиш керак. Сўнгти йилларда күёш системасида анча катта ҳажмдаги осмон жисмлари кашф қилинди, аммо мутахассисларнинг қарорига кўра, улар янги сайёralар деб тан олинмади. Чунки уларнинг ҳажми энг кичик сайёра деб ҳисобланадиган Плутоннинг ҳажмидан кичик бўлиб чиқди.

Келишувларни ва қўшимча гипотезаларни бошидан инкор қилиш ҳам илмий тадқиқотга фойда келтирмаслиги мумкин. А.Эйнштейн маҳсус нисбийлик назариясини яратишда маълум йўналишдаги ёруғлик тезлигини қарама-қарши йўналишдаги ёруғлик тезлиги билан таққослашда нокулай ҳолатга дуч келди. Буни экспериментал асосда исботлаш мумкин эмас эди. Мос вақтни ўлчаш учун ёруғлик сигналини олдин бир йўналишда, кейин қарама-қарши йўналишда фойдаланиш керак эди. Ҳолбуки, муаммо уларнинг тезлигини ўлчашда эди. А.Эйнштейн бир йўналишдаги ёруғлик тезлигини

карама-қарши йўналишдаги ёруғлик тезлигига тенг деган фаразни таклиф килди. Бунинг ёрдамида кузатишлар билан мос келадиган зиддиятсиз назария яратилди.

Нептун сайёрасининг кашф этилиши қизиқ ҳолатни вужудга келтирди. XIX асрнинг ўрталарида астрономлар юлдузлар фонида Уран сайёрасининг фактик ҳолати назарий башоратлар билан мос келмаслиги муаммосини хаяжон билан мухокама қилганлар. Бу кузатишлар нимани инкор киласи – бутун дунё тортилиш қонуниними, Ньютон механикасининг асосий қонунлариними ёки ҳар иккаласини ҳамми? Бу тушунарсиз эди. Кейинчалик бутун дүён тортилиш қонунининг ҳам, Ньютон механикаси қонунларининг ҳам ноаниклиги аниқланган. Мазкур ҳолатда муаммо бошкача ҳал қилинди. Тўлдирувчи гипотеза киритиш ёрдамида вазиятдан чикиш йўли топилди: Эҳтимол, Күёш системасида бизга номаълум яна бир сайдёра бўлиб, у Ньютон қонунларига қаттий мос ҳолда ўз тортиш кучи билан Уран орбитасини ўзgartираётгандир. Мураккаб математик ҳисоблашлар бажарилди ва ҳақиқатда 1846 йилда кўрсатилган жойда Нептун сайдёраси кашф қилинди (бунга объектив шароит ҳам ёрдам берди: айнан шу йилларда Уран ва Нептун сайдёлари бир-бирига яқин масофада эдилар).

Кейинчалик П.Дюэм ва У.Куайн ҳар қандай назарияни тўлдирувчи гипотезалар билан кутқариш мумкин, деб ёздилар Поппернинг эса тўлдирувчи гипотезаларга муносабати салбий эди. У, истаганлар бу билан шугулланишлари мумкин, лекин назариянинг илмий мақоми муқаррар пасаяди, деб ёзи. Унингча, назарияни кутқариш эмас, инкор қилиш керак, кутқарувчи гипотезалар кўпайиб, конструкцияни шубҳали қилиб кўяди. Поппер кисман ҳақ. Аммо маълум меъёрдаги тўлдирувчи гипотезалар билимнинг реал тараққиётiga олиб боради.

Уран мисолида ягона объектга мансуб башорат (гипотеза) ҳақида гап кетган бўлса, XX асрда физикадаги нейтриномуаммоси физика умумий қонунларини қўллашга таалукли вазиятга мисол бўла олади.

XX асрнинг 20-йиллари охирида атом ядросининг электрон иштирокида радиоактивликнинг турли варианatlарида заррачаларнинг тушунарсиз ҳатти-харакатларидан ҳайрон бўлдилар. Физика учун фундаментал бўлган энергия ва импульсънинг сакланиш қонунлари шубҳа остида қолди. Ҳатто бу қонунлар микродунёда бузилади, деган гипотеза ҳам олҳа сурилди. Бу вазиятдан чикиш учун В.Паули 1930 йилда гипотеза таклиф килди: электрон иштирок этадиган барча тарқалишларда ҳозиргача бизга номаълум бўлган, бунинг устига фотоземульсияда ва бошқа қайд қилувчи приборларда ҳеч қандай из қолдирмайдиган, электр заряди бўлмаган заррача хосил бўлади. Бу номаълум заррачани нейтринома деб аташ таклиф қилинди.

Нейтринонинг гипотетик мавжудлиги тахминан 25 йил давом этди. Уни ҳеч ким кузатмаган бўлса ҳам физиканинг мухим қонунларини кутқариш учун бу гипотеза мавжуд бўлиши керак эди. Факат 50-йиллардагина ядро реактори нейтринома кучли оқимидан фойдаланиб, физиклар нейтринонинг бошқа заррачалар билан ўзаро таъсирида мавжудлигини қайд қилдилар.

Гипотеза эхтимол тутилган, ҳақиқатнамо билимни илгари суриш усули сифатида ижтимоий билишда, шу жумладан иқтисодда ҳам кенг қўлланилади. Бутун иқтисодиёт фани тарихи бундан гувоҳлик беради. Мавжуд назарияларни гипотетик – дедуктив методнинг маҳсулси сифатида қараш мумкин.

Иқтисодиёт фани тарихидан айрим таълимотларни олиб қўрайлик.

Иқтисодий фикр тарихида биринчи мактаб бўлган “Меркантилизм” вакиллари шундай мулоҳаза юритишган: Миллат қанча кўп олтин ва кумушга эга бўлса, шунчай бой бўлади. Бойликнинг пул шаклида тўпланиши ташки савдо ёки қимматбаҳо металларни мамлакатда сақлаб қолиш учун маъмурий чораларни тавсия қиласидар. Жумладан, чет эл савдоғарларига олтин ва кумуш олиб чикишни таққиша, товар сотишдан келган пулни шу мамлакат худудида сарфлаш таклиф килинди. Сўнгги меркантилистлар қимматбаҳо металларни кўпайтириш учун иқтисодий воситалар билан, жумладан товарлар экспортининг импортдан кўп бўлишини таъминлаши орқали қимматбаҳо металларни кўпайтириш мумкинлигини таклиф қиласидар. Бунинг учун шундай товарлар ишлаб чиқарайликки, уларни четдан олиб келишдан воз кечилсин, товар импортида бож юкори бўлмасин.

Меркантилизм танқидчилари эса бу тадбирлар вактинча самара бериши мумкинлигини, охир-оқибатда эса зарарли эканлигини исботлашга уриндилар. Чунки, улар фикрича, мамлакатга қимматбаҳо металларнинг кириб келиши ички нархни кўтаради ва “Қиммат сотиш, арzon сотиб олиш” доктринасини мамлакатнинг ўзига қарши қаратади.

Бу жihatдан “Австрия мактаби” вакилларидан биринчиси, К.Менгернинг (1840-1921) таълимоти ҳам foят қизиқарлидир. Ҳар қандай нарса ўзига мос эҳтиёжларни кондириш учун етарли бўлмасагина қимматга эга бўлади, акс холда нарса хеч қандай кийматга эга эмас. А.Смитнинг сув ва олмос ҳақиқати парадаксини ҳал килишга уриниб, у камаядиган фойдалилик принципини тарифлаб берди. Бу принципга кўра, нарсанинг киймати (қимматини) сўнгги қисмининг энг кам фойдалилиги билан белгиланади. Нарсанинг қимматини аниқлашда эҳтиёжлар кўринишларининг шкаласи эмас, конкрет инсоннинг конкрет эҳтиёжлари шкаласи асос қилиб олиниш керак. Бу ҳолатни яққол намойиш қилиш учун “Менгер жадвали” деб аталган жадвални келтирамиз.

**Менгер жадвали**

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
10									
9	9								
8	8	8							
7	7	7	7						
6	6	6	6	6					
5	5	5	5	5	5				
4	4	4	4	4	4	4			
3	3	3	3	3	3	3	3		
2	2	2	2	2	2	2	2	2	
1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Бу жадвалдаги рим ракамлари билан белгилантан вертикаль катақларда эҳтиёжларнинг турли кўринишлари ва уларнинг аҳамияти камайиб борадиган тартибда берилган: I – эҳтиёжнинг энг муҳим туридир (масалан, озиқ-овкат); V – ўртача зарурлиқдаги эҳтиёж кўриниши, X-эҳтиёжнинг энг кам аҳамиятли кўриниши. Ҳар бир вертикаль қаторлар чегарасидаги ракамлар (араб ракамлари) мазкур эҳтиёжнинг 10 дан 1 гача камайиб бориши тартибидан намойиш этади.

Жадвалдан кўринадики, муҳимрок бўлган конкрет эҳтиёж уздан камроқ муҳим бўлган алоҳида конкрет эҳтиёждан куйироқда бўлиши мумкин. Масалан биринчи турдаги эҳтиёжларнинг саккизинчиси эҳтиёжлар этичичи кўринишининг биринчисидан камроқ кимматга эга бўлади. Нарсалар миқдорининг кўпайиш билан улар кимматининг камайишини австря мактаби вакиллари инсон табиатининг хусусиятлари билан боғлайдилар, яъни бир турдаги сезгилар узлусиз такрорланаверса, инсонни камроқ қаноатлантира боради ва ниҳоят қаноатланиш ҳатто ўз қарама-қаршислик айланади. Бу ерда биз камайиб борадиган фойдалилик чегараси конунини кўрамиз. Бу баҳо шаклланиши концепцияси билан бевосита боғлиқ. Нарсанинг баҳоси (киммати) шу нарсанинг фойдалилик даражаси билан белгиланади, эҳтиётда турган сўнгти кисмнинг фойдалилиги билан белгиланади. Эҳтиётда турган беш коп уни бўлган Робинзон мисолида буни яққол кўриш мумкин. Биринчи коп очдан ўлмаслик учун, иккичи коп саломатликин саклаш учун, учничи коп күшларни бокиши учун, тўртиничи коп спиртли ичимликлар тайёрлаш учун, бешинчи коп тўтини бокиши учун керак. Бир коп уннинг киммати қандай аниқланади? Сўнгти қопнинг энг кам эҳтиёжни кондирадиган фойдалилиги билан аниқланади. Бу эса бошка қопларнинг хақиқий қимматини белгилайди. Ўз нафбатида фойдалилик чегараси нарсанинг миқдори ва индивид истебмолининг интенсивлиги билан белгиланади. Шундай қилиб, қимматдорлик фойдалилик ва камёблик даражасига боғлиқ.

Харидорлар	Субъектив баҳолари	Сотувчилар	Субъектив баҳозари
1	300 флорин	1	100 флорин
2	280 флорин	2	110 флорин
3	260 флорин	3	150 флорин
4	240 флорин	4	170 флорин
5	220 флорин	5	200 флорин
6	210 флорин	6	215 флорин
7	200 флорин	7	250 флорин
8	180 флорин	8	260 флорин
9	170 флорин		
10	150 флорин		

Фойдалилик даражасининг юқорилиги субъектив эҳтиёжлар ва объектив (нарсанинг миқдори) омиллар билан белгиланади. Бирок субъектив баҳолар канча кўп бўлсада, товарга бир ҳил баҳо мавжуд. Бу зиддиятни ҳал қилиш учун Е.Бем-Баверк (1851-1919) бозордаги рақобат жараённада пайдо бўладиган объектив қимматдорлик тушунчасини киритди. Бем-Баверк нарх

шаклланишини от бозори мисолида тушунтиради. Бозорда от ўзига қанчалик фойдалилигига қараб субъектив нархларга эга бўлган ҳаридорлар ва сотувчилар тўқнашиди.

Ҳаридорларнинг баҳолари от учун тўлашлари мумкин бўлган максимал нарх, сотувчиларнинг баҳолари от учун рози бўлишлари мумкин бўлган максимал нарх. Олди-сотди ҳар икки томонга ҳам фойдали бўлиши керак. Шунинг учун ҳеч бир томон ўзи берган субъектив баҳога тенг нарҳда сотолмайди ва сотиб ололмайди. Тенг фойдалиликни тенг фойдалиликка ҳеч ким алмашмайди. Савдо натижасида сотувчи ва ҳаридорлар сони камая боради. Бозор нархи ҳаридор ва сотувчилар субъектив баҳоларининг тўқнашуви натижасида максимал ва минимал баҳолар ўртасида бўлади.

Бу келтирилган мисолларни сиз иқтисодиёт мутахассиси сифатида яхши биласиз. Иқтисодий таълимотлар турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади. Бироқ барчасида гипотетив-дедуктив метод, турли фаразлар, гипотезалар кўлланилади. И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари” асарида кўплаб илмий гипотезаларга асосланган мулоҳазаларни топишимиз мумкин. Маълум йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурлари, Давлат бюджетини шакллантириш, турли соҳалар ривожланишини режалаштириш кабиларнинг барчаси асосли, илмий гипотезаларга таянганини кўришимиз мумкин. Ҳар қандай инсон ўзининг қундалик ҳаётида маҳаллий иқтисодий фаразларни илгари суради: оила бжджетини кай йўл билан оқилона ва самарали сарфлаш мумкин бўлади, ўз шахсий жамғармаларидан қандай фойдаланиш фойдалироқдир. Бундай фаразлар негизида ҳаётий тажриба ва соғлом фикр ётади.

## ТЕСТЛАР

### 1. Фараз қандай ҳолда гипотезага айланади?

- А) илмий исботланса;
- Б) фактик материалларга зид бўлмаса;
- В) етарли илмий асосларга эга бўлса;
- Г) формал мантиқ қондаларга зид бўлмаса;
- Д) б, в, г жавоблар тўғри.

### 2. Илмий гипотеза ривожининг уч йўналиши;

- А) шаклланиш, етилиш, ҳал қилиниш;
- Б) шаклланиш, тасдиқланиш, инкор қилиниш;
- В) таҳмин, фараз, назария;
- Г) конкретлашуви, инкор қилиниши, назарияга айланishi;

Д) Эмпирик билимга айланishi, назарий билимга айланishi, қонунга айланishi

### 3. Гипотеза тажрибада текширилганда бир факт унга зид келса, гипотеза нима бўлади?

- А) инкор қилинади;
- Б) фаразга айланади;

- В) бошқа далиллар билан қиёсланади;
- Г) гипотеза конкретлаشتрилади;
- Д) в ва г жавоблар тұғри.

**4. Тан олинган гипотеза нима дейилади?**

- А) назария;
- Б) қонун;
- В) илмий гипотеза;
- Г) амалиёт;
- Д) жавоб йүк.

**5. Гипотезанинг эксперимент билан муносабати:**

- А) экспериментдан гипотеза келиб чықади;
- Б) гипотеза асосида эксперимент ўтказилади;
- В) иккаласи бир-бираин тақозо қылади;
- Г) бир-бираига алокаси йўқ;
- Д) а ва б жавоблар тұғри.

**6. Физиократлар бойлик мянбан деб нимани хисоблашган?**

- А) олтинни;
- Б) техникани;
- В) кишлоқ хўжалигини;
- Г) ҳунармандчилликни;
- Д) меҳнатни.

**7. Конвенционализм нима?**

- А) олимлар ўртасида келишиб олиш;
- Б) гипотезани далилсиз қабул қилиш;
- В) гипотезани назария деб тан олиш;
- Г) фаразни чин деб қабул қилиш;
- Д) илмий билимни шубҳасиз деб қабул қилиш.

**8. Нептун сайдесининг кашф этилишига нима сабаб бўлган?**

- А) бутун дунё тортилиши қонуннинг ноаниклиги;
- Б) Ньютон механикаси асосий қонунларининг ноаниклиги;
- В) а ва б жавоблар тўғри;
- Г) Уран сайдесининг ҳолатидан келиб чикқан гипотеза;
- Д) астрономик асбоблар мукаммаллашуви.

**9. Тўлдирувчи (кутқазувчи) гипотезага мисол:**

- А) Кантнинг космогоник гипотезаси;
- Б) Дарвиннинг эволюцион таълимоти;
- В) Кейнснинг иқтисодий кризисдан чиқиш ҳақидаги гипотезаси;
- Г) приборларда хеч бир изи қолмайдиган, бизга номаълум, электр зарядсиз зарра, ҳақидаги гипотеза;
- Д) жаҳон молиявий-иктисодий кризисидан кутилиш йўллари ҳақидаги гипотезалар.

**10. Бем-Баверкнинг нарх ҳақидаги қарашлари қандай гипотезага асосланган?**

A) ҳаридор ва сотувчиларнинг субъектив баҳоларининг тўқнашуви бозор нархини белгилайди;  
 B) объектив қадрлилик нархни белгилайди;  
 C) нарсанинг мөндори нархни белгилайди;  
 D) нарсани ишлаб чиқаришга кетган меҳнат бозор нархини белгилайди.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Бартенов С.А. История и философия экономической науки. Пособие к кандидатскому экзамену. -М.: Магистр, 2008.
7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Маколалар тўплами. -Т.: Чўлпон, 2008.
8. Дунёвийлик фалсафаси (маколалар тўплами). -Т.: ТДИУ, 2007.
9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М.: Омега-л, 2008.
10. Канке В.А. Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-л, 2008.
11. Кохановский В.П. Философия и методология науки. Учебник М – Росъетов на –Дону, 1999.
12. Летов О.В. Проблема научной объективности в позитивистской философии. //Вопросы философии, 2011, № 12.
13. Пахомов Б.Я. Проблемы индукции: Карл Поппер и Имре Лакатос. //Вопросы философии, 2009, № 11

**10-мавзу. НАЗАРИЯ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ЖАРАЁНИ ВА НАТИЖАСИ СИФАТИДА**

1. Илмий назария тушунчаси ва унинг асосий функциялари.
2. Назарияларнинг ўзаро муносабати.
3. Иктиносидий назарияларнинг ривожланиш хусусиятлари.

**Таъиҷ тушунчалар:** назария, илмий назария, А.Эйнштейн, объектив ҳакимат, асосланиш, назария ва эксперимент, радија ва факт, синтетик функция, тушунтиручи функция, методологик функция, баҳорат функцияси, амалий функция, назарияларнинг ўзаро муносабати, мөно назарийлик, Диюғем-Куайн тезиси, назарияларни тақосиб бўлмаслиги, назарияларнинг ўзаро мослиги концепцияси, илмий-назарий катор, илмий-назарий тузилиш, Иктиносидий назариялар, иктиносидий назария омиллари.

Илмий тадқиқотдан максад объектив воқеаликдаги муносабатларнинг ҳақиқий сабабларини, чукур алоқаларини, мөхиятини билиб олишdir. Илмий тадқиқотни воқелик мавжудлиги ва ривожланишининг объектив қонулари қизиқтиради. Бундан кўринадики, назария илмий тадқиқотнинг олий шакли, натижасидир.

“Назария” (теория) – грекча *тео-кўринадиган, қиёфа, шамойил, ога-биљмоқ, эгалламоқ, билдиrmоқ* – сўзларидан олинган бўлиб, кўрилганлар ҳақида билдиrmоқ деган маънони англатади. “Назария” тушунчасининг “нұктан назар”, “маълум тамойиллар асосида тушунтириш”, “назар солиш, кўриш”, маъноларида англасак бўлади.

Назария – воқелик маълум соҳасининг қонуний ва мухим боғланишларини яхлит акс эттирадиган илмий билишнинг энг ривожланган шаклидир. П.В. Алексеев, А.В. Панинларнинг дарслитигда назарияга шундай таъриф берилади: “Назария воқеликнинг маълум соҳасидаги айrim гуруга хос ҳодисаларни кайд киладиган, тушунтирадиган ва баҳорат қиладиган ўзаро боғлиқ қоидаларнинг йигиндишидир.... назария ўз структурасида умуман предметнинг мөхиятини, яхлит структурасини акс эттирадиган тушунчалар, принциплар ва қонунлар тизимишdir”. Ньютоннинг класик механикаси, Дарвиннинг эволюцион назарияси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, яхлит тизимларнинг ўз-ўзини ташкил килиш назарияси унинг ёркин миссонларидир.

Назарияга таъриф берганда унинг қўйидаги 3 мухим белгисини назарда тутиш керак:

**Илмий назария:**

- Ривожланадиган билимлар тизими;
- Ҳодисалар мөхияти ва қонуниятларининг тўти, адекват ифодаси;
- Амалий фаолият, илмий тадқиқот ва тадқиқот учун йўлланма.

Назария ўз таркибига бир канча унсурларни олади. Бу унсурларсиз назария яратиб бўлмайди. Улар ўзаро боғлиқликда, тизимланган ҳолда назарияни ташкил килади.


<sup>1</sup> Алексеев П.В., Панин А.В. Философия. У-е изд. М., 2009. с. 397.

### Назариянинг асосий унсурлари:

- Бошлангич асослари – фундаментал тушунчалар, принциплар, аксиомалар, қонунлар ва б;
- Идеаллашган объект – ўрганилаётган предметнинг муҳим хусусиятлари ва алоқаларининг идеал модели;
- Назариянинг мантиқлилiği – билимнинг структураси ва ўзгаришини аниклашга йўналган исботлаш усуслари ҳамда қоидаларининг мажмуу;
- Фалсафий йўналганлик ва қадриятли омиллар;
- Оқибат сифатида келиб чиқадиган мулоҳазалар ва қонунлар мажмуу.

Объектив ҳақиқатлилік , мантиқий тўлақонлик , формал зиддиятсизлик , ўз-ўзидан ривожланиш лаёкати , нисбий мустақиллик, амалиётга фаол таъсир қилиш назариянинг асосий хусусиятларидир. А. Эйнштейн назария олдига қатъий талаблар кўядики , бу талабларга жавоб бермайдиган фикрларни назария деб қабул қилиш мумкин эмас.

### Назария олдига кўйилладиган талаблар (А. Эйнштейн бўйича)



Хар қандай ишончли тўгри билим (илмий бўлса ҳам) назария бўлавермайди. Назария билимларнинг оддий йигиндиси ҳам эмас. Унда билимлар уйғунлашуви, тизимга тушиши керакки, билимлар маълум яхлитлик касб этсин, назария функцияларини бажара оладиган бўлсин.

### Назариянинг энг муҳим хусусиятлари.

- Назария алоҳида олинган ишончли илмий қоида эмас , уларнинг мажмуу, яхлит ривожланаётган тизим. Билимнинг назарияга қўшилиши тадқиқот предмети, унинг қонуниятлари билан амалга ошади;

- Қоидаларнинг ҳар қандай йигиндиси назария эмас. У назарияга айланиши учун маълум етукликка эришиши керак. Айнан у фактлар йигиндисини қайд қилишигина эмас, тушунтириши керак, ҳодисаларнинг сабаблари ва қонуниятларини очиши керак;

- Назария албатта асосланиши, унга кирувчи қоидалар исботланиши шарт;

- Назария имкон борича ҳодисаларнинг кенг доирасини тушунтириши, улар ҳақидаги билимлар узлуксиз чуқурлашиб бориши керак;

- Назариянинг характеристери уни белгиловчи бошланғичларнинг асосланиш даражаси билан белгиланади.

Ҳар қандай билимнинг аҳамияти у белгилайдиган қонуниятларнинг аҳамияти билан белгиланади. Илмий назария илмий билимнинг олий шакли сифатида мураккаб структурага эга, унинг функцияларини шу үнсурларга нисбатан ҳам, ташки омилларга нисбатан ҳам аниқланиши мумкин. У тўпланган фактларни умумлаштиради, тушунтиради, янги фактларни кўришга, ўрганишга йўл очади. Назариянинг асосий функцияларини кўриб чиқамиз.

#### **Назариянинг асосий функциялари**

№	Функциялари	Мазмуни
1	Синтетик функция	Алоҳида ишончли билимларни ягона, бутун тизимга бирлаштириш
2	Тушунтирувчи функция	Ҳодисаларнинг сабабларини, бошқа боғлиқларини, унинг мухимларини, келиб чиқиш ва ривожланишини аниқлам
3	Методологик функция	Назария асосида турли методлар, усуллар ва воситалар шаклланади
4	Башпорат функцияси	Ҳодисаларнинг маълум ҳолати ҳақидаги назарий тасаввурлардан илгари маълум бўлмаган фактлар, ҳодисалар ўртасида боғланишлар мавжудлиги ҳақида хулоса қилинади
5	Амалий функция	Ҳар қандай назариянинг асосий вазифаси амалиётда кўлланниши, ҳаракат учун кўлланма бўлишидир. Яхши назариядан амалийроқ хеч нарса йўқ, дейдилар.

2. Ҳар қандай фан ривожланар экан, янги назариялар пайдо бўлаверади. Бундан ташқари бир вақтда турли назариялар мавжуд бўлиши ва улар ўртасида кескин кураш кетганилиги, кетаётганилигини кўпгина фактлар мисолида кўришимиз мумкин. Шундай экан, янги назария шаклланганда, эски назарияга муносабат қандай бўлиши керак? Ўзаро қарама-қарши бўлган назарияларга муносабатчи? У ёки бу фанлардаги назариялар ўртасида қандайдир боғланиш борми ва бор бўлса, у айнан қандай боғланиш? Шу муаммолар муносабати билан турли концепцияларни кўриб чиқамиз.

Бу концепцияларда янги ва эски назариялар у ёки бу даражада таққосланади. Аммо улар назарияларнинг ўзаро муносабати масаласини тўла ҳал қила олмайди. Россия файласуфи В.А. Канке уларнинг камчиликларини кўрсатар экан, “илмий-назарий қатор” ва “илмий назарий тизим” принципларини кўллади. Унинг фикрича, назариялар бир-биридан канча

тафовут қылса ҳам, тартибланган яхлитликни, ёки илмий-назарий қаторни ташкил қиласы.

### Назарияларнинг ўзаро муносабати ҳақида концепциялар

Концепция	Муаллифлари ва мазмуни
Мононазарийлик	Бу концепцияни неопозитивистлар олға сурғандар (Р. Карнап ва б.). Улар нұктаи назарининг мөхияти шундай: ҳақиқий назарияда ракобатчилар бўлмайди.
Дюгем-Куайн тезиси	Мавжуд илмий назарияни ҳар доим экспериментал фактларга мослаб таҳрир қилиш мумкин. Бу ерда гап назарияни қисбий деб билувчи көп-венционализм ҳақида кетади. Назариялар ўртасида муносабат қандай бўлиши аниланмайди. Назариянинг кўплигига йўл қўйилади, аммо улар “мазкур вазият учун кулај бўлгани назариядан фойдаланиш” принципи асосида қисман тартибиға солинади.
Назарияларни танлаш ва алмаштириш концепцияси	Постпозитивист К. Поппернинг қарашлари билан боғлик. Унинг фикрича, янги назария эскисини бекор қиласы, ҳар доимо битта назария дол зарб бўлади. Бу неопозитивистларнинг мононазарийлик концепциясига якин.
Назарияларни тақкослаб бўлмаслиги концепцияси	Бу концепцияни тарихий мактаб вакиллари бўлган постпозитивистлар П. Фейерабенд ва Т.Кун ривожлантирилар. Бу файласуфларнинг таъкидлашларича, концептларнинг табиатида бартараф қилиб бўлмайдиган тафовутлар бўлганилиги учун назариялар тақкосланмайди. Тақкосланмайдиган назариялар ўзаро боғлик бутунликни тацкил қиласы.
Назарияларнинг ўзаро мослиги концепцияси	Бу концепция физик Н.Бор томонидан олға сурйилган. Ривожланиш ва билим жараённанда янги назариядан илгарисига кайта ўтиш, айрим вазиятларда қонунлар амал қилиш чегараларида улар ўртасидаги тафовут аҳамиятсизdir. Масалан, квант механикаси қонунлари квант ҳаракати катталиги эътиборга олинмаган шароитда классик қонунларга ўтади, қисбийлик назарияси қонунлари эса, агар ёргулар тезлигини чексиз деб хисобласак, классик механика қонунларига ўтади. В.Гейзенберг релятивистик механика ҳақиқатда ҳам кичик тезликларнинг чегарасида Ньютон механикасига ўтади... Биз бугун ҳам Ньютон механикасининг чинлигини, қатъйилти ва умум аҳамиятини тақ оламиз, лекин қаерда унинг тушунчалари кўлланиладиган бўлса Ньютон механикасининг кўлланиш соҳаси чегараланган деб хисоблаймиз. “Шундай қилиб, ҳар қандай назария ўзидан камроқ умумий бўлган назарияга ўтади. Янги назария илгариги назариянинг амал қилиш чегарасини кўрсатади. Ўз ривожининг ҳар бир босқичида фан ўтмиш даврдаги фактик материалларидан, тадқиқот материяллардан, назария ва гипотезалардан, қонун ва илмий тушунчалардан фойдаланади.

Т. Негеши фикрича, эски ғояларга қайтишни инкор қилиб бўлмайди.

#### Эски назарияларнинг зарурлиги сабаблари

- Эски назариялардан воз кечсак, ҳисобга олмай тадқиқотда давом этсак, улар ўз-ўзидан қайта туғилаверади. Биз эски назарияларга зиналар каби асосланиб, юқорига интилсак, фан чўққиларида турса оламиз.
- Эски назариялардан воз кечиш истаги уларга барча камчиликлари билан қайта тикланишга олиб келади.

• Эски назарияларсиз янги назарияларнинг мазмундорлигини тўла тушуниб бўлмайди.

Шундай қилиб, назариялар тарихи мантиқи тарихий ва муаммоли боғланишда бўлган назариялар қолипидан иборат. Постпозитивист И.Лакатосга кўра тарихий боғланиш ўзаро рақобатдаги илмий-тадқиқот дастурларини хосил қиласди. Т.Кун парадигмалар алмашинувига эътибор қаратди. Нормал фан деб аталадиган олимлар жамоаси томонидан парадигмал, намунавий деб тан олинадиган умумий принциплар даври ўргасида илмий инкилоблар авж олади. Лекин И.Лакатосда ҳам, Т.Кунда ҳам илмий назарияларнинг турли обьектлари ўргасида қандай боғланиш бўлиши тушунтириб берилмайди. Шу муносабат билан илмий долзарблик принципига эътибор қаратиш зарур.

Илмий назарий қаторни нима бирлаштириб туради? Агар иқтисодий назариялар мантиқи эскидан янгига йўналган бўлса, катта тарихий янглишувларни хосил қиласди. Фанда илгариги янглишувлар йўлидан бориши шарт эмас. Моҳият шундаки, илмий назарий қаторнинг ўзи доим янгиланиб боради. Илмий долзарблик принципига кўра, энг ривожланган назария эски назариялар мазмунини талқин қилиш ва уларни илмий танқид оловига дош беролмаган барча томонларидан халос қилишнинг қалитидир. Иқтисодий назариялар тарихи ва унга тегишли мантиқ тубдан бошқа нарсалардир. Шу муносабат билан икки формула келтирамиз:

$$\begin{matrix} T_1 \rightarrow T_2 \rightarrow T_3(1,1) \\ T_3 \rightarrow T_2 \rightarrow T_1(1,2) \end{matrix}$$

(1.1) формуласи иқтисодий назариялар ривожининг тарихий йўлини намойиш этади: бу назарияларнинг қиёсан афзаллиги аникланмагунча давом этади. (1.2) формуласи назариялар ўзаро алоқасининг тартибга солиниши жараёнини ифодалайди.  $T_1$  ва  $T_2$  нинг мазмуни  $T_3$  асосида талқин қилинади.  $T_3$ - $T_2$  ва  $T_1$  ни тушуниш қалитидир. (В.А.Канке Философия экономической науки. Учебное пособие. М.: Инфра-М, 2007; 27-31-бетлар).

$$T_1, \dots, T_3$$

(1.1) формула ҳам, (1.2) формула ҳам маълум қаторларни ифодалайди, лекин уларнинг мазмун йўналиши бир-биридан фарқланади. (1.2) қатор аник ифодаланган муаммоли характер касб этган. да зиддиятлар бартараф этилади, парадокслар ечилади. (1.2) қаторда талқин биринчи ўринга чиқади. Буни “илмий-назарий тузилиш” (ИНТ) атамаси билан ифодалаймиз.

Илмий-назарий қатор ва илмий-назарий тузилишининг мазмун йўналицида тафовутлар билан бирга уларнинг бирлигиги ҳам кўриш мумкин. Илмий-назарий тизим ўз асоси – илмий-назарий қатордан ташкарида мавжуд бўла олмайди. Муаммо тугилиши билан муаммовий ёндашув ишга тушади ва у бошқа ҳолатга талқин қилишга ўтқазади. Бунда эскирган деб хисоблашувчи назария ҳам ташлаб қўйилмайди.

$$T_3, \dots, T_2, \dots, T_1$$

тузилишнинг ахборот потенциалининг ахборот потенциалидан кўпроқдир.

$$T_3, \dots, T_2$$

### Асосий иктиносидий назариялар

Назариялар ва мактаблар	Йили	муаллифлари	Принциплари ва кадрнитлари
Меркантилизм	1664 йилдан	Т.Ман, Ж.Стоарт	Металл пул
Физиократия	1768 йилдан	Ф.Кенз, М.Тюрго	Қишлоқ хўжалиги
Классик иктиносидий назария	1776 йилдан	А.Смит, Д.Рикардо, Ж.С.Миллс	Мехнат – қиймат субстанцияси, бойликнинг адолатли тақсимоти
Марксизм	1859 йилдан	К.Маркс	Эксплуатациянинг йўклиги
Институционал мактаб жумладан: тарихий мактаб	XIX аср ўргаси	Ф.Лист, Г.Шмоллер	Иктиносидий ва ижтимоий хаёт бирлиги; эволюция; мотивация
“Эски” институционализм	1867 йилдан	К.Маркс, Т.Веблен, Ж.Гелбрейт	Давлат – иктиносидий институт; бизнес ва технология уйғунлиги
неоинституционализм	1940 йилдан	Р.Коуз, Ж.Стиглиц, Ж.Бьюкенен	Мулк ҳукуки, оптимал контракт, трансакцион
–Янги институционал экономика	1980 йилдан	Ж.Норт, Л.Тевено	Иктиносидий институтлар ва иктиносидий агентларнинг шахсий манфаатлари ўзаро нисбати
Маржинализм	1871 йилдан	У.Жевонс	Энг фойдалилик ва самара-дорлик
Шу жумладан: мувозанатнинг умумий назарияси	1874 йилдан	Л.Вальрас, В.Парето	Мувозанат – оптимал ҳолат
Австрия мактаби	1871 йилдан	К.Мегнер, Л.Фон Мизес, Ф.Фон Хайек	Субъектив фойдалилик
Иктиносидий тараққиёт назарияси	1942 йилдан	Й.Шумпетер	Инновация тадбиркорлик даромади.
Неоклассик иктиносидий мактаб	1890 йилдан	А.Маршалл, Ж.Хикс, П. Самуэльсон	Истеммолчилар эҳтиёжини кондириш учун ноёб ресурсларнинг оптимал жойлашви
Янги классика, шу жумладан рационал кутиш назарияси	1970 йилдан	Ж.Муг, Р.Лукас, Т.Сержент, Р.Холл	Иктиносидий агентларнинг рационал кутишини хисобга оладиган мақсадли функциялари оптимумини тъминлаш
Кейнчилик жумладан: неокейнчилик Посткейнчиллик	1936 йилдан	М.М.Кейннес, Ж.Барро	Давлатнинг фискал сиёсати-бозор ўтирилишини барта-раф этиши шароити
	1960 йилдан	Ж.Грей, Н.Менкью	Коллектив шартнома; маош даражаси; баҳо адаптация-сига номукаммал рақобат
	1960 йилдан	Р.Харрод, С.Вайнтрауб, Х.Минский	Шартномавий келищув ва ўзаро синовлар тизими но-аниклиги шароитида иктиносидий тизим ишлашининг муваффакиятли тъмин-ланиши

Монетаризм	1960 йилдан	М.Фридмен, К.Бруннер, А.Швар	Иқтисодиёт ишлашига пулнинг тасьири
Иқтисодий ўсиш назарияси	XX аср ўрталари	Е.Домар, Р.Солоу	Иқтисодий ўсиш
Эволюцион назария	XX аср ўрталари	А.Алчиан, Р.Нелсон, С.Уинтер	Новинлик шароитида инновация
• Эҳтимолли иқтисодий назария: жумладан: Иқтисодий оптималаш ва ўйин назарияси	1944 йилдан	Ж.фон Нейман, О.Маргенштерн, Д.Неш	Иқтисодий хулкнинг ютиш стратегияси
• Кутиласиган фойдалилик назарияси	1947 йилдан	Л.Севидж, М.Фридмен, Д.Канеман	Объектив ва субъектив эҳтимолликни ҳисобга олиб, карор кабул килиш.

3. Иқтисодий назарияларни таҳлил қиласар эканлар, кўпчиллик муаллифлар иқтисодий шароитларнинг доимо ўзгариб боришини, аммо бу ўзгаришларни иқтисодий қарашларда аниқ акс эттириш кўпчилликка насиб қилмаслигини таъкидлайдилар. Агар иқтисодий фаолиятнинг мазмуни, ҳарактери ўзгарса, бу иқтисодиёт фани предмети, муаммолари (назариялари) аниқланиш, ўзгаришга олиб келади. У ёки бу қарашларнинг, назарияларнинг, концепцияларнинг пайдо бўлиши ҳар доим объектив шароит билан, иқтисодий амалиётнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан боғлиқдир.

Қарашлар, назариялар	Объектив шароити
Меркантилизм	Савдонинг бойлик яратувчилик ролини мутлақлантирганлар. Бу савдо муносабатларининг бекиёт ўсиши, буюк жуғрофий қашфиётлар, савдо капитали намоёндалари ролининг кучайиши билан боғлик. Шарқ мамлакатлари билан жуда фойдали савдо, колонияларнинг босиб олинниши ташки савдо ва “куч ишлатиш” методининг афзалликларини намойиш этди. Қимматли металларни тўплашга ҳўжалик ривожининг бош максади, давлатнинг асосий ичи деб қаралди.
Физиократия	Савдо капиталининг босимини кучсизлантиришга уриниб, миллий бойликни факат “Ер маҳсулотлари”, яъни кишлоқ ҳўжалиги кўпайтиради, деб ҳисоблайдилар. Ислоҳотлар ёрдамида ерга эгалик хўмронлиги билан боғлик эски тартибларни сақлаб колишига, янги ижтимоий тизимнинг кескин таъсиrlаридан куттилишга уриниладар.
Сиёсий иқтисоднинг классик мактаби	Эркин ракобат даврида бозор муносабатларининг ривожланиши иқтисодий билим тизимининг мантиқан катъий, изчил, ўзаро боғлиқ бўлиши зарурятини туғлirdи.
Кейинги мактаблар, назариялар, концепциялар	Иқтисодий ҳаётнинг, иқтисодий амалиётнинг ўзгаришлари билан боғлик. XIX асрнинг охри, XX аср бошларида иқтисодий ҳаётда мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди. Фан, технология, транспорт ва ишлаб чикаришнинг ривожланиши бу ўзгаришларининг асосида ўтади.

Иқтисодий билимларининг яхлитлиги шундаки, фан ҳўжалик фаолияти иштирокчилари ўзаро таъсиrlарини ҳам янги, ҳам эски шаклларини ўрганади, унинг эволюциясини асосий муаммо сифатида таҳлил қиласи.

Хўжалик фаолияти кўп соҳаларининг ривожланиши нафақат ўтмишда, хозирги шароитда ҳам тўпланган тажрибага, анъанавий кўнкималарга асосланади. Иқтисодий ҳаёт тарихини таҳлил назария ва эмпирик кузатишлар, фан ва кундалик тажриба ўртасида кескин чегара кўйиб бўлмайди. Ижтимоий, шу жумладан иқтисодиёт фанларида анъанавий тасаввурларга, бир хил бўлмаган умумлаштиришлар ва хulosаларга, билишнинг манбаларини, усусларини, воситаларини кенгайтиришга кучли қизиқиш қонунийдир. Иқтисодий назарияларнинг ривожланиши ва бойиши, бу-ўзгараётган шароит ва ўзаро алоқаларни доимо ҳисобга олиш, турли ёндашувларни, турли мактаб ва қарашларнинг нуқтаи назарларини тақдослашлар билим ва хulosаларнинг ворисийлигини таъминлайди.

Назариянинг ўсиши у ёки бу фактларни оддий умумлаштириш сифатида бўлмайди. Бу жараён илгариги назарияларда ривожлантирилган ва тажрибани бойитища қўлланилган назарий тушунча ва тизимлардан фойдаланишни талаб қиласди. Шу аснода назариялар эмпирик фактлар билан ўзаро таъсиридаги қандайдир мантиқий структура, яхлит тизим сифатида намоён бўлади.

#### Иқтисодий назария шакллантирадиган асосий омиллар:

• Илгари яратилган концепциялар вакилларининг ишлари ва қоидалари, уларнинг ёндашувлари, атамалари, муаммолари;

Мавзуларнинг кенгайиши, иқтисодиёт фани предмети бўлган қарашларнинг ўзгариши;

- Илмий тадқиқот методларининг такомиллашуви;

- Миллий мактабларнинг ўзаро таъсири;

• Иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан бирлашган бўлимларининг (статистика, иқтисодий социология, бошқа илмий соҳалар) ривожланиши;

• Иқтисодий назариялар алоҳида бўлимларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро мослашуви, категориал аппарат ички мантигининг, ўзаро боғликларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;

Ана шу омиллар таъсири остида иқтисодий қарашлар ривожланади, турли назариялар, концепциялар яратилади.

#### **Иқтисодиёт фани учун характерли ҳусусиятлар**

1. Турли билим йўналишлари, бир-бирига зид назариялар, мактабларнинг параллел (бир вақтда) ривожланиши.

2. Билимларнинг аралаш соҳалари (психология, социология, политология, математика, бадийи қарашлар) билан узвий алоқа.

3. Улар ўртасидаги ўзаро таъсир шароитида иқтисод ривожининг турли даражалари мавжудлиги.

4. Ўзаро боғлиқ ва рақобатдаги бир қанча ривожланиш мақсадларининг олга сурилиши ва асосланиши.

Иқтисодий назарияларнинг турлича ёндашувлари охир-оқибатда жаҳон ҳамжамиятининг марказий вазифасини – ривожланган ва бошқа (ривожланаётган ва қолоқ) мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутнинг барҳам топишига ҳизмат қиласди.

**ТЕСТЛАР:**

**1. Назария яратишида идеаллашган объекттинг роли қандай?**

- А) эмпирик обьекттга таянмаганда керак;
- Б) назарияни тасдиқлайди ёки инкор қилади;
- В) назарияни яратиш учун зарур;
- Г) энг умумий назария яратишида зарур;
- Д) Б ва Г жавоблар түгри.

**2. Назариянинг гипотезадан фарқи нимада (К. Поппер қарашига кўра)?**

- А) назария фальсификация қилинмайди;
- Б) назария гипотезанинг амалга ошуви;
- В) назариянинг асосини қонун ташкил қилади;
- Г) назария ҳам, гипотеза ҳам инкор қилинади, уларнинг фарқи йўқ;
- Д) гипотеза фальсификация назария, верификация қилинади.

**3. Назариянинг асосий вазифаси**

- А) билимларни ягона тизимга бирлаштириш;
- Б) янги методларни яратиш;
- В) тушунтириш;
- Г) келаражакни башорат қилиш;
- Д) ҳаракат учун кўлланма бўлиш.

**4. Ҳар доим бир назария устун, қулай, долзарб бўлади. Бу фикр кимнинг қарашларига мос?**

- А) Р.Карнапнинг;
- Б) К.Поппернинг;
- В) Н.Борнинг;
- Г) П.Фейерабенднинг
- Д) Р.Карнап ва К.Поппернинг.

**5. Янги назариянинг эскирган назарияга муносабати қандай бўлади?**

- А) эски назарияни тўла бекор қилади;
- Б) эски назариянинг хатоларини кўрсатади;
- В) эски назариянинг амал қилиш доирасини белгилайди;
- Г) назариялар чин бўлса, эскирмайди;
- Д) жавоб йўқ.

**6. Объектив ва субъектив эҳтимолликни ҳисобга олиб, қарор қабул қилиш принципи қайси назарияга тегишли?**

- А) Монетаризмга;
- Б) иқтисодий ўсиш назариясига;
- В) мувозанатнинг умумий назариясига;
- Г) эволюцион назарияга;
- Д) кутиладиган фойдалилик назариясига.

**7. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда қайси назария асос бўлмоқда?**

- А) Монетаризм;
- Б) посткейнисчилик;
- В) иқтисодий тарракиёт назарияси;
- Г) барча иқтисодий назариялар;
- Д) Ўзбекистон шароити ва мақсадларига мос барча назариялар.

**8. Классик сиёсий иқтисоднинг шаклланиши қандай зарурат билан боғлиқ?**

- А) савдо муносабатларини ўстириш зарурати билан;
- Б) ерга эгаликни мустаҳкамлаш зарурати билан;
- В) иқтисодий билимлар тизимининг рақобат шароитида мантиқан изчил, ўзаро боғлиқ бўлиши зарурияти билан;
- Г) ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурияти билан;
- Д) эксплуатацияни йўқотиш зарурияти билан.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Бартенов С.А. История и философия экономической науки. Пособие к кандидатскому экзамену. -М.: Магистр, 2008.
7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Мақолалар тўплами. -Т.: Чўлпон, 2008.
8. Дунёвийлик фалсафаси (мақолалар тўплами). -Т.: ТДИУ, 2007.
9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М.: 2006.
10. Канке В.А. Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-л, 2008.
11. Канке В.А. Философия экономической науки. Учебное пособие. -М.: Инфра-М, 2007.
12. Фокина И. Современная западная философия. (вторая половина XIX века и XX век). Учебное пособие. -М.: Проспект, 2008.

## 11-мавзу. СИНЕРГЕТИКА ИЛМИЙ БИЛИШ МЕТОДИ СИФАТИДА

1. Синергетика тафаккурнинг моҳияти ва аҳамияти.
2. Иктисодий синергетик жараёнлар

**Талич тушунчалар:** Синергетика, ёпиқ тизим, очик тизим, мураккаб тизим, термодинамика, бифуркация, флюктуация, атTRACTор, иктисодий синергетик жараёнлар, В.Парето, Штапельберг, Неш, Хаос, мувозанат, барқарорлик, бекарорлик.

Фонда парадигманинг ўзгариши тафаккур услубининг тубдан ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Чунончи ноклассик фаннинг шаклланиши диалектик тафаккурнинг ҳаётйлигини исботловчи, метафизик тафаккурни инкор қилувчи қарашларни асослади. Ўз-ўзидан ривожланувчи мураккаб объексларни ўрганувчи ноклассик фан диалектик таффакур ягона усул эмаслигини, олам ва унинг ҳодисаларига янгича кўз билан караш лозимлигини кўрсатиб берди. Постноклассик фан ўз-ўзидан ривожланиш назарияси – синергетикада ўз ифодасини топмоқда. Синергетика метафизикани ҳам, диалектикани ҳам бутуналай инкор қилмайди, уларнинг амал қилиш доирасини белгилаб беради, оламнинг ичига янада чукурроқ кириб бориш усули сифатида янгича тафаккур тарзини шакллантиради.

Синергетика атамаси қадимги грек тилидан олинган бўлиб, биргаликда таъсир қилиш, иштирок этиши маъноларни билдиради. Илмий тадқиқотларда у келишишлган ҳаракат, узлуксиз ҳамкорлик, биргаликда фойдаланиш маъноларida кенг қўлланилган.

Г. Хакен синергетиканинг асосчиси ҳисобланади. У 1973 йилда ўз-ўзидан ташкиллашшиш муаммоларига бағишланган анжумандада бу янгича қарашга асос солди. Г.Хакен корпоратив ҳодисалар турли-туман тизимларда - астрофизик ҳодисаларда ҳам, фазовий ўтишларда, гидродинамик бекарорликда, атмосфераларда циклонларнинг ташкил топшишида ҳам, ҳатто мода жараёнларида ҳам кузатилишига биринчи бўлиб эътибор қаратди. Шундан кейинги йилларда синергетика ташкиллашувнинг ҳозирги замон назарияси, ўз-ўзидан ташкиллашув, бекарорлик, бекарорлик орқали тартиблиликтининг шаклланиши жараёнларини, бифуркацион ўзгаришларни, вактнинг орқага қайтмаслигини, бекарорликни эволюция жараёнларининг асосий таснифи сифатида ўрганиш билан боғлиқ ўз-ўзидан ташкиллашувнинг ҳозирги замон назарияси сифатида қарор топди.

Дунёни тушуниш сифатида синергетика кўйидаги анъанавий гояларни бартараф қилди:

- илмий назарияларни яратишида микрофлюктуациялар ва тасодифлар арзимас омиллар эканлиги ҳақидаги гояни;
- макросоциал ҳодисаларнинг амалга ошуви жараённада индивидуал ҳодисаларнинг муҳим таъсир кўрсата олмаслиги ҳақидаги гояни;
- бекарорлик ва мувозанатсизликни нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатига мос бўлган тасаввурларидағи элиминация қилиш зарурлиги ҳақидаги гояни;

- ривожланиш мөхияти муқобилсиз изчил жараён эканлиги ҳакидаги гояни;
- тизимга таъсири күлгүнч ташки омиллар ҳажмининг кутиладиган натижалар ҳажмига мувофиқлиги ҳакидаги тезисни;
- ривожланиш “портлашсимон” жараёнларининг экспоненциал характеристири ҳакидаги гояни.

Куйидаги тезислар дунёни синергетик кўришнинг асосий шарт-шароитлари бўлиб хизмат қилди:

а) мураккаб ташкил топган тизимлар эволюциясининг тенденцияларини қатъий аниқ белгилаб қўйилишига, программалаштирилишига амалда эришиб бўлмайди;

б) хаоснинг яратувчилик потенциали янги ташкиллашган шаклларни яратиш учун етарли (ҳар қандай микрофлуктация макроструктурани келтириб чиқаришга лаёқатлидир);

в) ҳар қандай мураккаб тизимга унинг ривожланишдаги манзараларининг муқобиллиги атрибутив хосдир;

У бутун ва унинг қисмларининг йигиндиси – сифат жиҳатидан турли структураларга эгадир; уларни бутунга бирлаштирганда асос структураларни арифметик кўшиш орқали эришиб бўлмайди;

д) бекарорлик баркарор ва динамик ривожланишнинг шарт ва шароитларидан биридир – факат шундай тизимларгина ўз-ўзидан ташкиллашишига лаёқатлидир;

е) дунёни турли ночизиқли ривожланиш шароитларининг иерархияси сифатида тушуниш мумкин ҳоказо.

Бу қоидаларга асосланган синергетика гоялари ва методлари ҳозирги даврда кенг тарқалмоқда. Шу муносабат билан диссипатив структуралар, бифуркация, хаослик, ғалати атTRACTOR, ночизиқлилик, ноаниқлилик, қайтарилмаслик каби тушунчалар ҳозирги замон фанларида кенг оммалашиб кетди. Бу гояларни янада соддароқ тушунтирадиган бўлсак, куйидагича мулоҳазаларни айтиш мумкин.

Тизимнинг ташкил тунё билан ўзаро таъсири, бироз бошқачароқ шароитга мослашув ҳолати – диссипатив структуравий тизимнинг атроф-дунё билан ўзаро таъсирини акс этирадиган материя ҳолатидир. Бифуркация (бекарорлик нуктаси иккига бўлинishi) нуктаси яқинида тизимларда анча микдордаги флюктуация (тасодифий оғишлилар) кузатилади. Бундай тизимлар эволюциянинг қатор йўлларидан бирини танлашда гўёки “иккиланиб” қолади. Кичик бир флюктуация эволюциянинг бутунлай бошқа йўналишда кетиши учун асос бўлиши мумкин, бу эса макроскопик тизимларининг бутун хатти-харакатини кескин ўзгаририб юборади. Бифуркациядан кейинги ўтиш жараёнлари нисбатан баркарор структураларга, яъни атTRACTORларга (лотинча сўздан олинган бўлиб, ўзига тортмоқ деган маънони англатади) олиб келиши мумкин. АтTRACTORлар тизимдаги бошқа жараёнлардан устунроқ бўлган маълум тартиб параметрлари билан характерланади. Тизимда тартиб параметрлари қанча кам бўлса, уни бошқариш шунча осонлашади. Хаос ҳам атTRACTOR бўлиши мумкин. Бундай ҳолда ғалати атTRACTOR деб аталади. Хаос бузувчи бошлангич сифатида

эмас, тартибга лаёқатли бўлган тартибсиз мураккаблик сифатида талқин килинади.

Синергетик гоялар жараёнларнинг моҳиятини тушуниш ва уларга мосланишда, таъсир килишда гоят мухим методологик хуласаларга олиб келди.

Синергетик гояларнинг методологик аҳамияти.

1. Ҳар қандай табиий, айниқса ижтимоий жараёнлар стохастик (тасодифийлик, эҳтимоллик) унсурларни ўзида саклайди ва у ёки бу даражада номаълумлик шароитида кечади.

2. Тизимнинг келажақдаги (бўлғуси) ҳолати ҳозирги ҳолатини гўёки ташкил қилади, шакллантиради, ўзгартиради. Ҳозир ва демак келажак ҳам ўтмишга боғлиқлиги амалда йўқ бўлади.

3. Бу сифатларнинг мавжудлиги эволюциянинг йўналишини принципиал жиҳатдан олдиндан айтиб бўлмаслигини ва демак вақтнинг орқага қайтмаслигини келтириб чиқаради.

4. Тизим ташкиллашувининг мураккаблашуви билан бир вактда ривожланиш жараёнларининг тезлашуви ва барқарорлик даражасининг камайиши жараённи кечади.

5. Ижтимоий тизимнинг ҳар қандай бекарор ҳолатида алоҳида бир кишининг фаолияти, хатти-харакати макросоциал жараёнларга катта таъсир кўрсатиши мумкин.

6. Тизимнинг ўз-ўзидан ташкиллашуви тенденцияларини билиб олиб, эволюциянинг кўпгина зиг-загларини четлаб ўтиш, уни тезлаштириши мумкин.

Шундай килиб, синергетик тафаккур ҳозирги даврда оламни, ундаги жараёнларни тамоман янгича кўришга имкон беради, илм-фан соҳасида янги янги кашфиётлар килишнинг умуммиллий, умумфалсафий методи сифатида карор топмоқда.

Янги эпистемологиянинг асосланиши сифатида майдонга чиқар экан, синергетика XXI аср ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам асос принципларини кайд қилди. Бу фикрнинг исботи сифатида К.Майнцернинг синергетик ёндашувнинг аҳамияти ҳақидаги мулоҳазаларидан иқтибос келтирамиз: “Бизнинг ёндашувимиз физик, ижтимоий ва ментал реаллик чизиқсиз ва мураккаб эканлигини назарда тутади. Синергетик эпистемологиянинг бу мухим натижалари бизнинг хатти-харакатимиз учун жиҳдий оқибатларни ўзида саклайди. Чизиқли тафаккур чизиқсиз мураккаб реалликда ҳавфли бўлиши мумкинлигини яна бир марта таъкидлаш ўринлидир... Бизнинг докторларимиз ва психологларимиз инсонларга мураккаб чизиқсиз мавжудотлар сифатида қарашга ўрганишлари зарур... чизиқли тафаккур тўғри ташҳисларни белгилашда муваффақиятсизликка учраши мумкин. Биз сиёсатда ва тарихда бир сабаблилик догматизмга, толерантликнинг бўлмаслигига ва фанатизмга олиб келиши мумкинлигини эсда тутишимиз керак. Мураккаб тизимларни ўрганишга ёндашув эпистемология ва этикада янги оқибатларни келтириб чиқаради. У мураккаб чизиқсиз дунёда хаоснинг олдини олишга ва синергетик эффектларнинг яратувчилик имкониятларидан фойдаланишга имкон беради” (К.Майнцер. Размышление в сложности. Сложная динамика материи, разума и человечества. М., 1994).

Кўпгина иқтисодий жараёнларни англашда синергетик тафаккурга мурожаат қилиш орқали муваффакиятга эришиш мумкин. А.Смитнинг эркин бозор қарор топишига олиб ҳолатиган “кўринмас кўллар” таъсири хозирги даврда аттрактор ҳолатга олиб борувчи ташкиллаштириш жараёни сифатида тушунилади.

А.Смит эгоистик манфаатни инсон фаолиятининг бош омили эканлигини тан олади. Ўз манфаатини рӯёбга чикариш учун инсон ўз хизмат ва товарларини бошқа одамларга алмашишга мажбур. Демак, ҳолатини яҳшилашга табиий интилиш жамиятни фаровонликка олиб боришга кодир бўлган жуда кучли рағбатдир. Эгоистик манфаат концепциясидан “табиий эркинлик” ёки аралащмаслик сиёсати келиб чиқади. Агар ҳар кимнинг иқтисодий фаолияти охир-оқибатда жамият фаровонлигига олиб борса, уни сикиб кўйиш керак эмас. А.Смит нима адолатли бўлса, у табиийдир, инсоннинг бошқа кишиларга зарар келтирмасдан ўз фаровонлигига интилиши табиийдир деб таъкидлайди. Эгоизм ва бошқаларга мойилликнинг мос келиш имконияти, А.Смит фикрича, табиат-худо томонидан берилган.

А.Смитнинг турили кишилар манфаатларининг ўйғуналиги ҳакидаги тезиси “кўринмас кўллар” (объектив иқтисодий қонунлар) таъсиридан эмас , худога ишончига асосланган бошлангич дунё карашидан келиб чиқади; шунинг учун иқтисодий қонунларни излаш табиий ўйғуналашувга эътиқодга асосланади. А.Смитда “кўринмас кўллар” таъсирини тасвирлашда иқтисодий жиҳат билан бирга, дунёқараш жиҳати – яратувчининг донишмандлигига ишонч ҳам иштирок этади. Айнан унинг кўллари билан йўналтириладиган, хиссий, мағрур ва хасис бой мулқдор ўз бойлиги ҳакида ўйлаб туриб, олдиндан ўйланмаган истакларсиз жамият манфаатларига хизмат қиласи: мулксизларга иш бериб, ўз бойлигидан бир қисмини уларга ажратади А.Смит фикрича, мулкий тенгсизлик бўлиб туюлган нарса, дикқат билан қаралганда асрда тенглиkdir.

Яна бир синергетик эффект иқтисодий тизим эволюцияси келажакка факат маълум муддатгагина олдиндан айтиш мумкин бўлган ҳолатда намоён бўлади. Иқтисодий тизимларда шундай вакт спектри мавжудки, у чизиксиз эволюцион тенгламалар кўринишида аникланиши мумкин. Чизиксиз тенгламалар аппаратига мурожат қилишдан илгари иқтисодчилар айrim тўлкини ўзгаришлар даврини статистик маълумотлар асосида аниқлаганлар. Масалан, Н.Д. Кондратьевнинг узок муддатли тўлкинлар (40-50 йил), ёки К.Жюглярнинг ўрта муддатли (7-12 йил) тўлкинлар ҳакидаги таълимотлари шундайдир. Бу тўлкинларнинг баъзан бўлиши, баъзан бўлмаслиги тушунарсиз эди. Энди аниқ бўлдики, иқтисодий жараёнлар даврларини улар кичик бўлганда ҳам, катта бўлганда ҳам, уларнинг микдорий параметрлари мумкин ва ҳисобга олишга тўғри келади. Иқтисодий вазиятларни бошқаришда мувозанат ҳолатига жуда катта аҳамият берилади. Аникландикси, мувозанат ҳолатлари кўп бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан мувозанат ҳолатлари ҳакидаги назарияларни таққослаб кўрилиши мумкин.

Иқтисодиёт фанида иқтисодий тизимларнинг амал қилиши ва эволюциясининг исталган йўналишда кетиши энг мураккаб муаммолардан. Шу муносабат билан мувозанат ва мувозанатсизликнинг ўзаро муносабати долзарб

масаладир. Бу икки омилнинг ўзаро боғликлиги шубҳасиздир. Лекин уларнинг макоми турли иқтисодий назарияларда турличадир. Сўнгти ярим асрда иқтисодчилар мувозанат концепциясига асосий эътибор қаратдилар.

### Иқтисодий мувозанат назариялари

Муаллифлар	Назариянинг мазмуни
Л. Вальрас	Иқтисодий мувозанатнинг ёпиқ умумий моделини яратди. Асосий гояси – иқтисодиётда барча нарх ва майдорий пропорцияларининг (нисбатнинг) ўзаро боғликлиги. Бозор мувозанатни ўрнатишга кодирми? Тенг нарх барча бозорларнинг – товарлар, ишчи кучлари, кимматли бозорларнинг ўзаро таъсири натижасида ўрнатилилади. Мувозанатнинг нарх, ҳажм, бошқа параметрлар ёрдамида ўрнатилиши бозор иқтисоди таҳтили учун бошлангич ҳолатдир. Иштирокчиларнинг максимум фойда олишига интилиши барча соҳани камраб олади ва барча бозорларда талаб ва тақлиф шаклланади. Умумий мувозанат барча бозорларнинг ўзаро таъсиридир. Барча бозорлар бир-бирига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш иштирокчиларнинг максимум фойдага интилиши барча бозорларда умумий мувозанатта олиб келади. Ракобат туфайли тенг баҳолар тизими шаклланади.
В. Парето	Агар ресурсларни тақсимлашнинг ҳар кандай ўзгариши ҳеч бўлмаса иқтисодий тизим бир субъектининг фаровонлигини ёмонлаштируса, жамиятнинг фаровонлиги максимумга стади, ресурсларни тақсимлаш эса оптималь бўлади. Парето бўйича оптимал шароитда иқтисодий жаҳён ҳар кандай иштирокчисининг фаровонлиги ҳеч бўлмаса бир иштирокчиларнинг фаровонлигини ёмонлаштирусадан яхшилаша олмайди. Бозорнинг бу холати Парето-оптимал ҳолат дейилади. Парето мезонига кўра (ижтимоий фаровонликнинг ўсиш мезони) оптимум сари ҳаракат ҳеч бўлмаса бир кишининг фаровонлигини бошқага зарар келтирумасдан яхшилашга имкон берадиган ресурслар тақсимланиши шароитидагина мумкин. Тизимнинг мувозанат холати мақсад функцияларининг оптималлашувини (истеъмолчида – фойдалиликнинг максималлашуви, тадбиркорда – фойданинг максималлиги) тақозо киласди. Парето қарашларидан икки хулоса келиб чиқади: ҳар кандай рагобатли мувозанат оптималдир; б) оптимумга рағобатли мувозанат орқали эришиш мумкин, бошқача айтганда, айрим мезонлар асосида тўйланган оптимумга бозор механизми орқали энг яхши эришиллади.
Штакельберг	Ҳеч бир ўйинчи бир томонлама тартибда ўз галабасини кўпайтира олмайди, карор эса дастлаб бир ўйинчи томонидан қабул қилинади, кейин бошқасига маълум бўлади – бу ҳар доим мумкин, лекин иқтисодий субъектларнинг ўзаро таъсири учун жуда ҳам типик эмас.
НЭШ	Ўйинчилардан ҳеч бири ўз ҳаракат режасини ўзгартирмасдан, бир томонлама тартибда ўз галабасини кўпайтириш имкониятига эга эмас – бу коида ҳамиша мавжуд бўлавермайди.

Нокорпоратив ўйин назариясининг марказий тушунчasi НЭШ бўйича мувозанатдир, бунда нотулиқ аҳборот ҳолатда байес мувозанатига қадар умумлаштирилади. Байес мувозанати Нэш бўйича мувозанат каби тавсифланади, бунда ҳар бир ўйинчи ўз галабасини табиат ҳолати ҳақида кисман аҳборот билан белгиланган кутиладиган фойдалилик сифатида

баҳоланади. Нэш бүйича, шунингдек байес мувозанатининг асосий камчилиги шундаки, уларда мувозанат нукталари кўп бўлиши мумкин.

Иқтисодий тизимларнинг динамикасини “характерлаб” “мувозанат мувозанатсизлик” концептларини “барқарорлик бекарорлик” тушунчалари билан тўлдирадилар. Тизимнинг мувозанати маълум омиллар тасири остида ўз ҳолатига қайтса, у барқарор бўлади. Мувозанат ҳам, мувозанатсизлик ҳам барқарор ёки бекарор бўлиши мумкин. Анъанавий иқтисодий назарияларда мувозанат ва барқарорлик идеаллари хукмрон бўлиб келди. Маълумки мувозанатсизлик ва бекарорликни унтиш хавфидир. Узоқ вакт бу хавф етарли баҳоланмади. Бекарорлик аҳамиятга эга эмас, деган тезис ғалаба қилди. Г.Ҳакин ва И.Пригожин томонидан математика, физика ва ҳимияда синергетик дастурларнинг ривожлантирилиши синергетик иқтисодий эфектлар ҳақидаги масалани кун тартибига кўйди. Синергетик дастур у ёки бу шаклда барча фанларни (жумладан иқтисодиёт фанини ҳам) камраб оладиган очизиқли тенгламалар кенг класси билан боғлиқдир.

Иқтисодиёт фанлари учун синергетика долзарб аҳамиятга эга. Синергетиканинг 4 асосий қоидасини иқтисодиётдаги аҳамиятини кўриб чиқамиз.

#### **Синергетиканинг 4 асосий қоидаси:**

- Флуктуация ва бифуркация долзарб аҳамиятга эга
- Вакт спектрал шаклга эга
- Хаос тушунишга арзийди
- Тартиб параметрлари макроиқтисодий табиатга эга.

Бу қоидалар иқтисодий фанларнинг келажаги ва иқтисодий сиёsat имкониятлари учун алоҳида қизикиш уйғотади.

Синергетикларнинг тадқиқотларида кўрсатилгани каби флуктуациянинг алоҳида бекарор нуктасида бифуркация механизми ишга тушиди, энг кичик ўзгаришлар тасирида ҳам сифат муносабатларининг боришида янгилиниш содир бўлади. Флуктуация чақирадиган эфектлар, кўпинча тошқинсимон кўринишни олади. Бифуркация-флуктуация жараёнлари ноодатийдир, лекин уларни ўрганиш мумкин. Бунда омилларнинг “коллектив” тасирига эътибор берилади. Иқтисодчилар учун уларнинг янгилиги “кўтарилиш” ва “тушишларни” кўзғовчи резонанс ўзаро тасирилардир.

Эмпирик жиҳатдан вактнинг ўткинчи портловчи, баъзан фожеали бўлиши кузатилган. Вакт спектрининг мавжудлиги сиёsatчилар учун турли-туман имкониятларни очади. Улар фойдаланишлари керак.

Хаоснинг (тартибсизликнинг) умумъэтироф этилган таърифи мавжуд эмас. Иқтисодиётга нисбатан уни максимал доирада ноаник келажак ҳолати деб тушуниш мумкин. Хаос шароитида олдиндан айтиш жуда кийин, аммо, шундай бўлсада, мумкин. Хаос потенциал ижобий имкониятларга эга. Агар хаотик оқим онга эга бўлса эди, у ўтмишни ҳам, келажагини ҳам билмаслигини эътироф этишга асослари бўлган бўларди. Инсоният эса ўтмишини нафакат эслайди, балки унга мос ҳолда ўз келажагини режалаштиради. Инсон ўтмиши фоал куч сифатида хаосга маълум структура беради, унинг номаълум хусусиятларидан ўз

манфаатлари йўлида фойдаланишга лаёқатлидир. Хаосга нима хос бўлса, ўрганиш мумкин. Рационализм унинг олдида имконсиз ҳолатга тушиб қолмайди.

Турли даражадаги эркинликларни ўз ичига олган тизим мураккаб дейилади. Фанда оммавий бўлган микро – ва макроҳолатларга бўлиш эркинлик даражаси сонини тафовутлаш билан боғлиқ. Макроинтигисодиётда ҳар бир истеъмолчининг ўзига хослигини ҳисобга олиш керак. Макроинтигисодиётда стратегик омиллар ҳисобга олинади. Микро ва макроинтигисодиётнинг ўзаро муносабатини тушуниш ҳамиша кийин бўлган. Синергетик ёндашув бу масалага ойдинлик киритиши мумкин. Тихонов-Хакеннинг бўйсунниш принципига кўра, баркарор ҳолатлар бекарорлик томонидан бўйсундирилиши мумкин. Айнан шулар микротизимлар параметрининг тартиблари бўлади. Макро- ва микротизимларда эркинлик даражасининг микдори бир-биридан фарқ қилиши аниқланади Тахмин қилиш мумкинки, охир – оқибатда барча макро эффектлар иктиносидай субъектларнинг моҳият – мақсадли ҳатти – ҳаракати билан тушунтирилади. Тадқиқотлар макроинтигисодий ҳодисаларнинг қандай кечишинигина эмас, нега айнан шундай кечишини ҳам тушунтириш имкониятига эга бўладилар.

Шундай қилиб, ҳозирги давр иктиносидчиси флюктуация ва бифуркацияларнинг аҳамиятига, хаос ҳолатига бўлгани сингари жуда эътиборли бўлишлари зарур. Ундан чиқиш жараёнларига ҳам синергетик тафаккур асосида ёндашувлари зарур. Агар эҳтимолдаги хаос ҳолатида фожиавий эҳтимолликлар кўп бўлса, барча имкониятдаги усууллар билан ундан қочишлари керак. Иктиносчи масъулият этикасига ҳам амал қилиши шарт. Иктиносий жараёнларни бошқармаса, ҳалокатлардан қутилиб бўлмайди.

### ТЕСТЛАР:

**1. Классик термодинамика қандай муаммони тушунтириб бера олмади?**

- А) тирик табиат қонунларини;
- Б) жамият қонунларини;
- В) маънавий ҳодисаларни;
- Г) оламда ривожланишнинг юкори босқичига ўтишни;
- Д) энергиянинг сабабларини.

**2. Мувозанат термодинамикаси қандай тизимларни ўрганади?**

- А) ёпиқ тизимларни;
- Б) физик тизимларни;
- В) биологик тизимларни;
- Г) очиқ тизимларни;
- Д) ижтимоий тизимларни.

**3. Очиқ тизимларга хос бўлган ҳусусият:**

- А) энтропия;
- Б) энтропияни ўзида тўпламаслик;
- В) ташқи муҳит билан модда, энергия, ахборот алмашиш;

Г) мувозанатнинг барқарор ва устунлиги;  
Д) ўзгарувчанлик.

**4. Синергетик тафаккурга мансуб тезис?**

- А) тасодифлар аҳамиятсиз;
- Б) хаос – салбий ҳолат;
- В) ривожланишда муқобиллик йўқ;
- Г) бекарорлик вақтинча ва аҳамиятсиз;
- Д) дунё – ночизиқлик шароитлари иерархияси.

**5. Синергетика нуқтаи назаридан эволюциясига хос хусусият:**

- А) кўп вариантли;
- Б) режалаштириш;
- В) хаоснинг салбий ҳодиса эканлиги;
- Г) энтропиянинг устуворлиги;
- Д) жавоб йўқ.

**6. АтTRACTор нима?**

- А) маълум йўналишда ҳаракат;
- Б) бекарор ҳолатнинг вужудга келиши;
- В) бекарорлик нуқтаси;
- Г) кўп вариантлилик;
- Д) бирор жараённинг устун бўлиши.

**7. А.Смитнинг “кўринмас қўллари” нима?**

- А) хаос;
- Б) тартибнинг устунлиги;
- В) илохий бошлангич;
- Г) объектив иқтисодий қонунлар;
- Д) мувозанат

**8. “Жамият фаровонлиги максимумга етади, ресурслар тақсимланиши эса оптимал бўлиб, бу тақсимлашда ҳар қандай ўзгариш иқтисодий тизим ҳеч бўлмаса бирор субъектнинг фаровонлигини ёмонлаштиради”. Бу коида нима дейилади?**

- А) мувозанат;
- Б) барқарорлик;
- В) Парето бўйига оптимум;
- Г) Штакельберг бўйича мувозанат;
- Д) Нэш бўйича мувозанат.

**9. Ҳар бир истеъмолчининг ўзига хослиги қаерда ҳисобга олинади:**

- А) иқтисодий рационализмда;
- Б) иқтисодий мувозанат назарияларида;
- В) макроиқтисодиётда;
- Г) микроиқтисодиётда;
- Д) статистикада.

**10. Оқибатлари эҳтимоллилик характеристига эга қонуниятлар?**

- А) динамик;
- Б) статистик;
- В) стохастик;
- Г) диалектик;
- Д) синергетик.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Бартенов С.А. История и философия экономической науки. Пособие к кандидатскому экзамену. -М.: Магистр, 2008.
7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Мақолалар тўплами. -Т.: Чўлпон, 2008.
8. Дунёвийлик фалсафаси (мақолалар тўплами). -Т.: ТДИУ, 2007.
9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М., 2006.
10. Канке В.А. Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-Л, 2008.
11. Канке В.А. Философия экономической науки. Учебное пособие. -М.: Инфра-М, 2007.
12. Новейший философский словарь. – Минск, 1999.
13. Фокина И. Современная западная философия. (вторая половина XIX века и XX век). Учебное пособие. -М.: Проспект, 2008.

## **12-мавзу. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

1. Диссертация нима?
2. Муаммони шакллантириш.
3. Фактлар түплаш.
4. Тадқиқот объекті ва предметі.
5. Ишнинг янгилиги ва аҳамияти.
6. Малака ишини расмийлаштириш.

**Таянч тушунчалар:** диссертация, тадқиқот объекті, тадқиқот предметі, малакавий иш, илмий иш, илмий янгилик, илмий ишнинг ҳимояси, библиография, долзарб муаммо, мавзунинг ишланғанлық даражаси.

Диссертация нафакат илмий, аввало малакавий ишdir. У муаллифнинг малакавий даражасини тасдиқлади. У фақат истак эмас, ҳақиқатда илмий тадқиқот билан шугуланадиган профессионаллар жамиятiga киришнинг асосидир.

Диссертация (лотинча-мулоҳаза, тадқиқот) малакавий характердаги илмий асар шаклидир. У расмий ҳимоя ва илмий даража олиш учун тайёрланади.

Диссертациядан вазиятни тасвирлаш, фактларни асослаш, улардан фойдаланиб кутилган натижага эришиш, натижаларни оптималлаштириш шароитларини аниклаш талаб этилади. Бу ва бошқа сифатлар диссертантнинг интеллектуал тайёргарлиги, малакаси, аналитик кўнимкамларини характерлайди.

Магистрлик иши малакавий иш бўлгандиги учун уни ёзиш ва ҳимоя килишда катор талаблар келиб чиқади. Уларга тўларок тўхталамиз.

Диссертация тадқиқотини мустақил кўйиш ва ишлаб чиқиш биринчи талабдир.

Бундан изланувчи кўриладиган факт ва жараёнларни ижодий англаш лаёқатига эга, маълум кўниммага эга деб тахмин қилинади. Бу кўнимкамлар диссертация иши жараёнида ривожланади ва мукаммаллашади.

Ҳимояга факат эришилган натижалар-умумлаштиришлар, хulosалар, тавсияларгина кўйилмайди. Тадқиқотнинг бутун жараёни – мавзуни танлаш ва муаммони кўйишдан бошлаб, уни якунлашгача жараёнлар қайд қилинади. Тадқиқот жараёни, унинг натижалари кириш ва хulosада, адабиётлар рўйхатида, баён қилиш усулида, ишнинг структураси ва мазмунида акс этади.

Диссертант ҳимояга олиб чиқадиган коидаларни шакллантириш билан чекланмайди, балки уларни тўла асослаб беради.

Бунга эришиш осон бўлмайди. Кўп фактлар, ўзаро алокалар, зиддияtlар маълум; айримлари шундок юзада туради. Лекин изланувчи кескин, долзарб масалаларга тегишга ботинмайди. Маълум тенденция ва ҳодисаларни қайд қилиш, обзорлар типик “муаммосиз” мавзулар сифатида майдонга чиқади. Уларда нари борса кўриладиган жараёнлар системага солинади, янги материалларни кўшиш, янги ахборотларни жалб қилиш йўли билан эмас,

фактларни оддий санаб ўтиш, эмпирик тавсияларни санаб ўтиш ёрдамида амалга оширилади.

Ёш тадқиқотчи унда фикр туғилиши билан баён қила олмайды; улар баъзан устма-уст, баъзан навбат билан келади. Малакавий ишда фикрлар “зиг-заги” мумкин эмас. Диссертант тўплланган материални гурухларга ажратиши, ўзининг мулоҳазаларини, баҳоларини, хулосаларини мантиқан қатъий ва изчил баён қилиши лозим.

Баъзан диссертацион тадқиқот киёфасида ўзаро боғлиқ бўлмаган, бир-бирини тўлдирмайдиган турли факт ва тезислар тақдим қилинади. Натижада А.Маршалл айтгандай “бизнинг ақлий энергиямиз гоҳ у, гоҳ бошқа нарсага сарф бўлади, ҳеч бир масала чукур аниқлаб олинмайди, ҳеч бир олга ҳаракат бўлмайди” (Маршалл А. Принцип политической экономии. В 3-хт М. 1983-1984. Т.1.С 96)

Натижада баён қилишнинг қатъий мантиғига, изчиллигига, ишнинг ички бирлигига эришиб бўлмайди. Бу ҳол тадқиқотчиларнинг комплекс тадқиқот ўтказишга уринишларида кўринади. Комплекс ёндашув ўрнига маълум факт ва сабабларнинг аралаш-куралаш кўйилиши келиб чиқади.

Магистрлик диссертацияси одатда нисбатан тор мавзу бўйича тайёрланади. Қамраб олиш ва аҳамияти бўйича билимнинг маҳсус соҳасида тор мавзу устида ишлар экан, тадқиқотчи умумий ҳарактердаги қатор қоидаларга амал қилиши керак.

#### **Улардан қўйидагиларни ажратиб кўрсатамиз.**

- юқори умумтаълим ва маҳсус таёргарликнинг бирлиги; иқтисодчи учун статистикадан фойдалана олиш лаёқати, чет тилларни билиши, компьютер технологияларини ўзлаштирган бўлиши керак;

- ўтмиш олимлари тажрибасини англаш лаёқати, уларда энг қимматли томонларини аниқлаш, эҳтимол бўлган қусурларни топиш;

- ўз ёндашувини топишга интилиш, ҳодиса ва фактларни янги жиҳатларда тассавур қилиш лаёқати; маълум фактларни танқидий англаш;

- билимнинг конкрет соҳаси учун янгилик ва амалий аҳамиятли бўлган ўз ғояларини олга суриш лаёқати;

- олга сурган ғояларини асослаш, илмий мунозарада иштирок этиш лаёқати;

- тадқиқот натижаларини саводли шакллантириш кўнилмалари мавжудлиги.

Диссертация мазмунининг асоси янги фактларни, ўзаро алоқаларни, қонуниятларни ўз ичига олувчи тубдан янги материалдир. Маълум фактларга бошқа нутқан назардан карашиб ёки бошқа аспектда таҳлил қилиш ҳам шунга киради. Тадқиқот мунозарали масалаларга тегиши, эскирган карашиб ва тассавурлар бўйича танқидий баҳо ва фикрларни ўзида ифода этиши жуда муҳимдир. Диссертант тадқиқот методикасини ҳарактерлаб, излаш жараёни ва натижаларни очиб берар экан, илмий ахборотни тўла тақдим қилиши керак.

## **Шундай қилиб, диссертация:**

- 1) муаллиф томонидан олга сурилган янги натижалар ва қоидалар мажмумини ифодалашти;
- 2) ички бирликка эга бўлиши;
- 3) шахсий ҳиссаси хақида гувоҳ бўлиши;
- 4) янги ечимларни тақлиф килиши;
- 5) тадқиқотчининг мустақил илмий тадқиқотга лаёқатини намойиш қилиши;
- 6) қатъий асосланган бўлиши;
- 7) амалий ва назорий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Ижодий тафаккур ривожи ва интиллект ривожи – параллел хал қилинадиган масалалардир. Билим, яъни қасб соҳасида барча доноликларни эгаллаш ва тадқиқотий тафаккур узвий боғлиқдир, билимсиз тадқиқот бўлмайди. Ижодий кўнкималарга ўрганиш керак. Диссертация устида ишлаш бунга ёрдам беради. Шу билан бирга барча нарсани «тадқиқот технологияси» дан, қулай усул ва формуласларни ишлаб чиқаришдан иборат қилиб кўйиш керак эмас. Ижоднинг ўзига хос қонунлари бор, у мантикий тафаккур принципларидан иборат деб бўлмайди. Ижодий тафаккурни тарбиялаш доимий фидойиликни, маълум кўнкима ва одатларини қатъий ишлаб чиқишини талаб қиласди. Ижод янгилиги, оригиналлиги, тақрорланмаслиги билан ажralиб туради.

Иш йўналишини танлаш – эҳтимол тутилган обьектни, тадқиқот «панорамаси» ни энг умумий ва таҳминий шаклида ифодалаштириш. Дейлик, давлатнинг инситуционал иқтисоднинг бошқарувчиси сифатдаги ролини ёки ҳалқаро савдода хизмат кўрсатиш соҳаси жараёнларини ўрганиш кўзда тутилди. Лекин нимани тадқиқ қилиш керак? Ўтказилаётган тадбирнинг мақсади нима, иқтисодий сиёсатнинг шакл ва методлари қандай, рақобатбардошлик пастлигининг сабаблари нимада? Структур ўзгаришлар қай даражада, қайси вақтда, қайси босқичда, қандай материаллар асосида кечмоқда?

Бундай саволларга жавоблар тадқиқот муаммоси аниқлангач, шакллана бошлайди.

Муаммони шакллантиришда кўпинча мураккабликлар вужудга келади. Нима учун? Биринчидан, кўп изланувчилар айнан муаммони излаш тадқиқотининг мазмуний маркази деб ҳисоблайдилар. Иккинчидан, муаммони қандай топишни, уни қандай ифодалашни ҳамма ҳам билавермайди. Кимдир охир – оқибат муаммо ўзи келиб чиқади, ҳозирча режани аниқлаб, фактик материалларни йига бориб, бобларни ёзib кўйса бўлаверади деб ўйлади. Ж.Бернал фикрича, муаммони кўриш уни ечимини топишдан қийинроқдир. Муаммо учун ўзига хос идрок ва тасаввур, унинг ечими учун эса факат лаёқат керак.

Изланувчилар ҳар доим ҳам мавзуни шакллантириш ҳали муаммо эмаслиги хақида ўйлаб кўрмайдилар. Муаммо ва тадқиқот мавзуси ўргасида тафовутларни аниқлаб олмайдилар. Агар муаммо аниқланмаса, мавзуни қайд

қилиш қишин бўлади. Агар мазмуний йўналиши бўлмаса, диссертация мақсади ва вазифаларини шакллантиришда қийинчиликлар тугилади.

Мавзу одатда диссертант муаммони ечиш орқали эришадиган тадқиқотнинг тахмин қилинган, исталган сўнгти натижалари ифодаси кўринишида намоён бўлади. Мавзунинг якуний шаклланниши ва демак диссертациянинг номланиши иш тугалланганидагина аниқ бўлиши мумкин; бу вақтда тадқиқотнинг моҳияти ўзгармайди.

Мавзунинг аниқ мукаммал ифодаси ҳамиша ишнинг бошланишидаёқ топилавермайди. Агар муаммо аник белгилаб олинган бўлса, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шаклланган бўлса, диссертация устида ишни давом эттириш мумкин. Бошлангич боскичда ишнинг номланиш варианти узил-кесил эмас, у иш жараёнида конкретлашади.

Муаммо сўроқ шаклида ифодаланиб, мавжуд муаммоларни аниқлаб бериши керак. Муаммо мақсаднинг мавжудлиги, аммо унга эришиш йўллари ҳақида билимлар мавжуд эмаслиги характерли бўлган вазият ҳақидаги савол ва муҳокамалар тизимини ифода этади. Масалан, пул назариясида фундаментал характердаги муаммо шундай жаранглаши мумкин: иқтисоднинг реал сектори ривожига пулнинг таъсири қандай? Ёки амалий муаммонинг ифодаланиши шундай бўлиши мумкин: пул бозорида мувозанатта эришишда фоиз ставкасининг роли нимадан иборат?

Бу ерда кенг режанинг ифодаси келтирилди. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида тадқиқот мавзусини янада аниқроқ белгилаб олиши мумкин, дейлик, Ўзбекистон саноатининг кайта ишловчи соҳалари ривожига импорт билан боғлиқ инфляциянинг таъсири қандай? Ёки: Ўзбекистон валюта бозорини ташкил қилишда Англия тажрибасидан фойдаланишининг имкониятлари қандай?

Шундай қилиб, муаммо савол кўринишида ифодаланади. Лекин бу одатдагидай савол эмас. Дейлик ўтган йилда инфляция дәражаси қандай? Буни билиш керак бўлсин? Бу фактологик савол. Бунга жавоб маълум характер касб этади (фalon фоиз) ва маҳсус тадқиқотий изланишни талаб қилмайди.

Муаммонинг “савол – факт”дан тафовути шундаки, масаланинг қўйилиши ёқ тадқиқотий фантазияни, интеллектуал уринишни, фикрларнинг янгича йўналишини, янги билимни тақазо қиласди. Одатдаги (муаммосиз) саволга жавоб учун “эски” билимлар, дейлик, статистик маълумотномаларга мурожаат қилиш етарли бўлади. “Нима, қаерда, качон?” деган оддий изланишдан фарқ қилиб, муаммоларни ҳал қилиш жараёнида билим тўлдирилади, эски тасаввурлар тизимидан воз кечилади.

Мисолларга мурожаат қиласми. К.Ланкастер ўз тадқиқотининг асосий саволини шундай ифодалайди: “Ишлаб чиқаришда қилганимиз каби эҳтиёжларимизни ўзгартира, янгилай ва технологиясини техник мукаммалаштира оламизми?”

И. Фишернинг “Пулнинг сотиб олиш кучи” ишининг асосий мақсади “пулнинг жами кучини белгиловчи принципларни аниқлаш” дейилган. Асосий мақсадни конкретлаштириб, у “ва бу принципларни тарихий ўзаришларни ўрганишга татбиқ қилиш” деб қўшимча қиласди: жумладан “инфляция ва ҳаёт

қиймати ошиши оқибатларини ўрганишга татбиқ қилиш". Муаммо савол шаклида кўйилмаган, лекин етарли даражада аниқ.

Муаммони мунозарали савол кўринишида тасаввур килиши ҳам мумкин. Маълумки, иқтисодиёт фанида циклик ривожланишининг сабабларини тушунтирувчи турли талқинлар мавжуд. Америка иқтисодчиси У.Митчел бу тортишувларни ҳал қилишга интилган. Унинг ишларидан бири ўз номига кўра муаммонинг турли талқинлари тарзида кўйилган: "Иқтисодий цикллар: муаммо ва уларнинг кўйилиши".

Муаммоларнинг моҳиятини очиб беришар экан, иқтисодчилар ва социологлар ўзлари олга суроғтган коида ва аргументлардан қандай оқибатлар (коидалар) келиб чиқишини тасаввур қилишга уринадилар. У.Митчел «Пулни сарфлаш санъатида қолоклик» асарида пул топишнинг ривожланган санъати ва оиласви бюджетда уни самарасиз сарфлаш ўртасида реал зиддиятдан қандай оқибатлар келиб чиқишини аниқлашга интилган.

Муаммонинг ривожланиши усулларига нисбатан тасаввурлар алоҳида аҳамиятга эга. Энг умумий усуллар сифатида кўйидагиларни кўрсатиш мумкин.

- Айрим асос зиддиятларни аниқлаш ва ўзаро инкор қилувчи ёки тасдиқловчи тенденцияларни ифодаловчи зиддиятлар иерархияси орқали уни конкретлаштириш;

- Бош муаммони айрим кичик муаммоларга ёки вазифаларга бўлиш – муаммони тизимлаштириш. Р.Декартнинг методик коидаси: ҳар бир муаммони имкон борича уни бартараф этиш мумкин бўлган даражагача қисмларга бўлиш;

- Агар муаммоли вазият яширин савол бўлса, унда муаммони ифодалаш ечишин талаб қиласиган конкрет масалани ўз ичига олиши керак. Шаклланган вазифа олга сурилган зиддиятнинг моҳиятини, эҳтимол бўлган йўналишларини ва уни ечиш йўлларини деталлаштиради.

- Муаммоли вазиятнинг моҳияти ўта соддалаштириб ифодаланиши мумкин. Бу излаш варианtlарини чегаралайди, ечим гояларини мақсадга мувофиқ излашга ёрдам беради.

Муаммоли вазият мураккаб обьектларни ўрганадиган ҳозирги замон фанининг жуда кўп боғланишларини қайд қилишдан ҳам келиб чиқиши мумкин. Мамлакатда кечеётган инфляция жараёнлари, масалан турли аспектларда кўриб муаммоли вазият чиқиши мумкин.

Дейлик, валюта курси ва ички нарх ўртасида қандай функционал боғликлик бор? Ёки: айрим гурухдаги товарлар нархининг ўсиш тезлигидаги структур ўзгаришлар қандай омиллар таъсири остида кечади? Иқтисодий сиёсат мақсадларини тузатиш (такомилаштириш) методларида қандай акс этади? Ва ҳ.к.

Муаммони излаш жараёнида юқори интеллектуал фаоллик обьектив вазиятни баҳолаш, бу вазиятни нимага айлантириш ва бунинг учун нима қилиш кераклигини билишга интилиш билан боғлик. Муаммоли вазиятнинг таҳлили натижасида долзарб масалалар гурухини қайд қилиш ва муаммони асослаш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, муаммоли вазиятни ечишга йўналган изловчи фаолият охир-оқибат эҳтиёжни, муаммони, зиддиятни ўз ичига олади. Зиддият-

атрофида ностандарт вазият бўлган, конкрет муаммо шаклланадиган фикрлаш марказидир.

Иқтисодий мавзуларда тадқиқотнинг ўзига хослиги иқтисодиёт фанларининг ўзига хослиги билан, унинг нотекис ривожланиши, иқтисодий тафаккурнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Айнан қуйидаги ўзига хосликларни қайд этамиш:

- ахборотни яшириш ва бузиш, бундан кўпинча унинг эгалари маңфаатдор бўлади;
- тадқиқот обьекти ва даражаларининг ҳар хиллиги;
- тафаккурнинг консервативлиги, унинг эскирган, аҳамиятини йўқотган ахборотлардан, концептуал қоидалардан ажralишга лаёқатсизлиги;
- кадрларнинг, жумладан, оппонентларнинг паст фалсафий ва методик тайёргарлиги;
- иқтисодий ва қўшма фаолият чегараларини соҳаларнинг аралашиб кетиши, таҳлил предметини тадқиқотчи томонидан аниқ белгилаб олиш кийинчилликлари;
- атамавий хусусиятлар, иқтисодий тушунчаларнинг кўп маънолилиги ва ўзгарувчанлиги.

Иқтисодиёт олимлари илмий изланишларнинг аҳамиятига юқори баҳо берганлар. Й.Шумпетер сўзига кўра, фактлар ва маънони кўриш аналитик ишдан асосан олдин келади. У «ҳақиқий илмий ютуқнинг» уч шароитини асослаб берди: «илмий вазиятнинг етуклиги, муҳим гояни илгаб олиш ва унга энтузиаз билан қизикиш лаёқати, бошка илмий гоялар ва реаликнинг бошка аспектлари томонидан халақит берувчи омиллардан четлаша олиш лаёқати». А.Маршалл таъкидлашича, ўз идеалларининг амалга ошиши учун «иқтисодчига тасаввур керак», иқтисодчи идрокини, тасаввурини, соглом фикрини, яхши истак ва зийраклигини машқ қилдириши керак”.

Ахборот муаммога (илмий вазифага), тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мос ҳолда изланади.. Мақсад – тадқиқотининг сўнгти натижаси, илмий муаммонинг ҳал қилинишидир. Мақсад хеч бўлмаса ишнинг бошланишидаёқ аниқланади. Иш жараёнида у ўзгармайди, фақат ифодаси аниқланади.

Диссертациянинг структураси, мазмуни, хуросаларининг диссертация мақсадига мослиги доимо текцириб борилади. Мақсад ишнинг номига мос келмайдиган, хуросалар мақсад ва вазифалардан ташқарига чиқиб кетган ишлар хам учраб туради. Илмий муаммонинг комплекслигига берилиб кетиш олға сурилаётган мақсаддан четта олиб кетиши мумкин. “Концептуал ёндашувни ишлаб чиқиш ” (Унинг маъноси нима? Муаммо шунчалик чексизми?), “Ҳозирги замон тенденцияларини аниклаш” (Айнан қайсиларни? Нима зарурати бор?), “Комплекс методологияни ишлаб чиқиш” (Бундай турдаги муаммоларни ҳал килишга фақат жамоа кучи билан эришилади.) – тадқиқот мақсадларини шакллантиришнинг яхши бўлмаган мисолларидир.

Тадқиқот мақсадини “асослаш”, “аниклаш”, “характерлаш”, “ишлаб чиқиши”, “конкретлаштириш”, “тизимлаштириш” каби сүзлар билан ифодалаш мақсадға мувофиқидір.

Диссертацияда одатда амалий вазифалар эмас, илмий ишнинг мақсади олға суриласы. “Самарадорлыгини ошириш”, “рақобатдошлигини күтариш” “жараённи оптималлаш” типидаги мақсад йұналишлари амалий тадқиқотларда ҳам мақсадға мувофиқ эмас. Булар тадқиқот вазифаларидан бири бўлиши мумкин. Масалан, илмий таҳлил асосида амалий таклифлар ва тавсияларни асослаш. Баъзан “вариантларнинг танлаш мезонларини олға суринш”, “Тенденцияларни прогноз қилиш”, “имкониятларни аниклаш” каби “юмшокрок ифодаларни” таклиф қилган маъкул.

Тушунчаларни аниклашни диссертациянинг вазифаларидан бири қилиб олиш шарт эмас. Магистрлик иши учун тушунчаларни аниқлаштириш – асосий вазифа эмас, бу муаллифга фан ривожи учун эмас, “ички фойдаланиш учун” керак. Аммо бу огохлантиришни мутлаклаштириш ярамайди; диссертантни атамаларни излаш, таклиф қилиш, асослаш, ўз таърифини олға суришлардан четлатиши мумкин эмас.

Тадқиқотнинг мақсадига мувофиқ қатор вазифалар белгиланади. Иш бошида кўйилган вазифалар унинг якуннда таҳрир қилиниши мумкин. Гап шундаки, статистик маълумотлар йўқлиги ёки тадқиқот методикаларининг мос келмаслиги кўйилган вазифани ҳал қилишга ҳар доимо имкон беравермайди. Салбий натижка берганда, хато вариантда, кутилган тренддан тасодифан оғиб кетилганда ҳам илгари олға сурилган вазифалардан воз кечиш керак эмас. Хато, қарама-қарши йұналишдаги ҳаракат ҳам натижадир. У ижобий натижадан кам бўлмаган фойда келтириш мумкин.

Диссертантлар жуда кўп вазифаларни (6-8 ва ундан кўп) олдиларга кўядилар. Докторлик диссертацияси учун бу баъзан мумкинdir, аммо магистрлик иши учун 3-4, кўпи билан 5 та вазифа етарли. Вазифаларни шакллантириб, изланувчи ўз ишини енгиллаштиради. Одатда бу вазифаларни амалга ошириш диссертация иши бобларининг мазмунини ташкил этади. Вазифаларни шакллантириш диссертация бобларининг мазмунига яқин бўлиши мумкин. Диссертацияда тадқиқот вазифалари қандай ечишганини, қандай асосланганлигини кўрсатиш зарур.

Ахборот излашга қайтамиз. Катта микдордаги ахборотни излаш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш муаммоси илмий-техник таракқиёт таъсирида мураккаблашиб кетган. Ахборотнинг мазмуни ва унинг микдорий ўлчовини фарқламоқ керак. Ахборотнинг оддий микдори эмас, унинг мазмуни, аҳамияти мухимdir.

Иккисидий тадқиқотларда ахборот манбаларининг ўзига хослиги уларнинг турли-туманлиги ва зиддиятилигига, асосий, энг янги ва муҳим манбаларни топиш ва фойдаланишда, иккиламчи эмас, бирламчи материалларга, энг обрули статистик маълумотларга мурожаат қилиш зарурлигига кўринади. Уларнинг ишончлилигини танқидий баҳолаш керак. Бунинг учун статистик ҳисоблар, таққослашлар, асослашлар, моделлар кенг кўлланилади.

Иқтисодий фанларда олинган ахборотларни мослаштириш ва бирлаптириш, уларни ягона, ўзаро боғлиқ кўринишида тақдим қилиш осон эмас. Олинган ахборотларни танлаш, тизимга солиш ва баҳолаш қийин. Иқтисодий ахборот мураккаб ва кўп томонламадир. У эскирган, хато, ноаниқлардан тозалашга муҳтоҷ бўлиши мумкин. Сонлар, таққослашлар, баҳоловчи маълумотлар, жадваллар, графиклар жуда кўп. Лекин уларнинг ишончлилиги нашрий ва компьютер ахборотларининг фақат ва оддий обрўси билан аникланмайди.

Талқинда турличалик, кўрсаткичларда мос келмаслик, индексларнинг ишнинг реал ҳолатига номутаносиблиги жуда кўп учрайди. Иқтисодий ҳисобнинг қаттиқ стандартлари зарур. Товар, пул оқимлари, даромадлар кўрсаткичлари, ривожланиши динамикаси ва самарадорлигининг мутаносиблиги ниҳоятда зарурдир. Магистрлик диссертациясига талаблардан бири – муаллифларнинг ахборот манбаларига қатъий танқидий муносабатидир. Гап танқидий ўқиши хақида кетмоқда.

Мисоллар келтирамиз. Балиқ овлаш соҳаси билан таниша туриб, Сиз Норвегияда 90 фут узунликдаги қайқдан фойдаланишга йўл қўйилмаслигини билиб олдингиз. Янги соҳа бўлган денгиз фермерчилигида эса ферманнинг ҳажми кескин чеклаб қўйилган. Бошқа манбада очик денгизда нефть қазиб олиш манфаатларидан келиб чиқиб бутунлай ўзгача чеклашлар амал қиласди. Гап нимада? Биринчи ҳодисада (қайқнинг ҳажми) муаллиф эскирган, яrim аср илгариги манбага таянган. Балиқ овлаш воситалари ҳажми ҳақидаги маълумотлардан фойдаланишда конун чиқарувчи (давлат) нинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун эмас, хусусий шахслар фойдаси учун шароит яратиш ҳақидаги “хато” фикрдан келиб чиққанлар.

Бошқа мисол. Иш муаллифи “пул массаси” атамасини қўллади, лекин у келтирган маълумотлар ўзаро боғланмайди. Нега? Диссертант “пул массаси” атамасининг турли талқинлари мавжудлигини ҳисобга олмаган ва турли мазмундаги тушунчаларни характерловчи рақамлардан фойдаланишга уринган. Бошқа мисол. Муаллиф ташки иқтисодий алоқалар кўрсаткичларини келтиради, лекин экспорт ва импорт қандай баҳоларда ҳисобланганлиги, тўлов баланси ҳақидаги маълумотлар қандай ҳисобланганлиги аникланмайди. Бундай хатолар бошқа кўрсаткичларни талқин килишида ҳам учрайди, чунки иқтисодий категориялар бир мазмунли эмас, муаллифлар эса ҳисоблаш методологиясига етарли эътибор бермайдилар.

Шундай қилиб, маълумотномаларда, обзорларда, Интернетда мавжуд бўлган барча маълумотларга сўзсиз ишониб бўлмайди. Агар рақам нашрий ишларда пайдо бўлса ҳам, бу унинг воқеликка тўғри келишини исботламайди. Хатолар ҳамма нарсага, жумладан расмий, нашрий ва статистик ахборотларга ҳам тегишилдир.

Манбалар ва кўрсаткичларга танқидий муносабат тадқиқотий ишнинг зарурий шароитидир. Материаллар тўғрилигининг мезони нашр фактида, унинг матбуотда, Интернетда пайдо бўлишида эмас, изланувчининг қаттиқ ва жиддий баҳосидадир.

Биз фойдаланаётган манбанинг обрўйи – ишончли маълумотлар олишнинг муҳим шароити. Лекин иктисадчи учун фактларни доимий таққослаш, баҳолаш, у ёки бу қоидани, карашларни талқин қилишни ҳисобга олиш ҳам жуда зарур.

Танқидий ўқиш стратегияси сифатида манбалар билан танишишнинг муносаб ташкил қилиниши тавсия қилинади.

1. Иш мавзусига мос манбаларни излаш ва танлаш.

2. Қизиктирган адабиётларни кўриб чиқиш. Бу манба тўғрисида умумий тасаввур беради. У ишнинг структураси, мақсади ва асосий мазмунини аниқлашни ўз ичига олади. Боблар бўйича натижаларни, хulosани, манбаларга оид библиографияни кўриш ҳам фойдали.

3. Ишнинг мазмуни билан ўз қарашларини солиштириш. Муаллиф кайдаражада об'ектив ва унинг ишидан нимани олиш мумкин? Агар манба фойдали бўлса, кейинчалик тўлароқ танишиш учун қисқа характерлаб қўйиш керак.

4. Ўқиши ва қисқача конспектлаштириш. Конспектда албатта ишнинг тўла номини (муаллифи, номи, нашр қилинган жойи ва иили) ва фойдаланилайдиган адабиётлар рўйхатига киритиш – киритмаслик ҳақида белги. Акс ҳолда кейинчалик манбалар рўйхатини тузиш осон бўлмайди, баъзи ҳолларда мумкин ҳам эмас.

5. Ўқилганларни баҳолаш. Бу мавзуга, мазмунига, конспектингиздаги тавсифга ва бошқаларга боғлиқ маҳсус, ўта кийин жарабён. Қуидаги ҳолатларга эътибор бериш фойдали: оригиналлик ва материаллар баёнининг устуворлиги; муаллиф қоидалари ва хulosаларининг асосланганлик даражаси; муаллиф ёндашувидан, фактик маълумот ва гояларидан фойдаланиш имконияти; танқид қилинадиган тушунчалар, кўрсаткичлар.

Манбалар излаш, гурӯхлаш ва таҳлил қилиш тадқиқотнинг обьекти ва предметини, мақсад ва вазифаларни тўғри баҳолаш билан боғлиқ. Тадқиқот фаoliyati йўналтирилган реаликнинг соҳаси, қисми обьект бўлади. Билишининг предметини эса тадқиқотининг ўзи белгилайди.

Тадқиқотнинг обьекти ва предметини аниқлашда баъзан кийинчиликлар туғилиши мумкин. Одатда обьект ва предмет тушунчалари кўпинча синоним, айниш тушунчалар сифатида кўлланилади. Шунинг учун улар ўргасида, ҳар доимо аниқ тафовут кўрсатилмайди. Кўпинча кенг тадқиқот соҳасини обьект деб, нисбатан тор соҳасини эса предмет деб атайдилар.

Илмий назарий ишларда тадқиқот обьекти – талқин қилинаётган нарса – муаммоли вазият яратадиган обьект ёки ҳодиса, субъектга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган хусусиятлар, алоқалар ва муносабатлар мажмудидир. Обьект мазкур фан доирасида бўлиб, ундан ташқарига чиқмайди.

Предмет тадқиқот обьекти ҳақидаги тўпланган билимларига асосланаб тадқиқотчи томонидан аниқланади. Предмет илмий обьект доирасида илмий тушунтирилайдиган нарса, тадқиқотчи обьектни ўрганадиган томон, жихат ёки нуқтаи назардир.

Объект ва предмет алоҳидалик ва умумийлик каби муносабатда бўлади; предмет объектнинг ичидаги бўлади ва диссертантнинг доимий дикқат марказида туради.

Бир объект кўп фанлар томонидан ўрганилиши мумкин, аммо ҳар бири ўзининг предметига эга бўлади. Масалан, жамият объект сифатида фалсафа, тарих, иқтисодиёт, социология, демография ва бошқа фанлар томонидан ўрганилади, бунда ҳар бири ўз ўрганиш предметига эга. Бошқача айтганда, объект ҳодисаларнинг мавжудлигини, уларнинг сифатлари, алоқалари ва ривожланиш қонунларини қайд қиласди. Предмет эса бу объектни ўрганиш чегараларини кўрсатади, конкрет ишда объектнинг айнан қайси хусусиятлари, алоқалари ва ривожланиш қонунлари ўрганилиши белгиланади.

Масалан, тадқиқот объекти хўжалик фаолияти технологияси бўлиши мумкин, предмети эса – унинг ўзига хос хусусиятлари. Объект – мураккаб тизим, предмет унинг алоҳида жиҳатларини характерлайди. Тадқиқ килинаётган объектда бир қанча тадқиқот предметлари бўлиб, тадқиқот жараёнида диссертант уларнинг бирини танлаб олиш керак.

Баъзан тадқиқот объекти осон аникланади, предметини излаш эса кийинчилик тутдиради. Тадқиқот предметини аниклаб, тадқиқотчи ўз ишини енгиллаштиради, иш мақсадга йўналган ва конкрет характер касб этади.

Афуски амалдаги таълим тизими илмий ходимларни тайёрлашга етарли зътибор бермайди. Диссертация устида ишлай туриб, тадқиқотчи мутлақ кўпчилик ҳолда биринчи марта жиддий тизимлашган илмий ишга кўникишни ўрганади. Ахборотни излаш ва таҳлил килиш ҳам осон эмас. Бунинг учун диссертант илмий тадқиқотларни ўтказниш методикасини билиш керак. Иш жараёнида диссертант кенг кўламдаги бошқа кўнимкамларни ҳам эгаллаб олади.

Илмий тадқиқотда ҳаммаси муҳим. Тўпланган материалини туркумлашни, уни статистик жиҳатдан қайта ишлашни, таҳлил килиш ва умумлаштиришни, мантикий изчилликда жойлаштиришни, холосалар чиқариш ва амалий тавсиялар беришни ўрганиб олиш керак.

Мавзунинг асосий масалаларига бутун дикқатини жамлар экан, дастлаб караганда аҳамияти камроқ кўринган фактларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Айнан ана шундай фактлар муҳим кашфиётларга туртки бериши тез-тез учраб туради.

Фанда қандайдир илмий фактни топиш етарли эмас – уни ҳозирги замон фани нуктаи назаридан тушунтириш, унинг умумилмий, назарий ёки амалий аҳамиятини кўрсатиш муҳимдир.

Тадқиқот жараёнида илмий фактларни тўплаш тадқиқотий жараён бўлиб, унинг асосида ҳамиша олимнинг фикрлари, ғояси ётади. Фалсафий нуқтai назардан ғоя инсон тафаккурнинг маҳсули, воқелик инъикосининг шаклидир. Ғоя тафаккурнинг бошқа шакллари ва илмий билимлардан ўрганилаётган объектнинг инъикоси бўлиши билангина фарқланмайди, балки у мақсадни ангглаш, билим истиқболи ва воқеликни амалий ўзгартириш билан боғлиқликни ҳам ўзида сақлади.

Ғоялар ҳаёт эҳтиёжларини кузатишдан, амалиётдан келиб чиқади. Ғоялар асосида реал фактлар ва ҳодисалар ётади. Ҳаёт конкрет вазифаларни олға

суради, лекин уларни ҳал қилиш учун самараали гоялар дархол топилмайди. Бундай вактда тадқиқотчининг вазифага янгича, бутунлай ноодатий жиҳатини таклиф қилувчи лаёқати ёрдамга келади. Ҳолбуки эскича ёндашувда узқ вакт бу вазифани ҳал қилиб бўлмаган эди.

Гоянинг вазифани ҳал қилиш босқичигача ривожланиши илмий тадқиқотнинг тадқиқотий жараёни сифатида каралади. Тасодифий “кашфиётларга”, кутилмаган баҳтли англашларга таяниб бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан. Илгаридан кўзланган режа асосида ишлаш фойдали, бу ҳолда дастлабки мулоҳазалар аниқлашади, тадқиқотнинг кўзда тутилган схемасига зарур ўзгаришлар киритилади.

Тадқиқот илгари олға сурилган муаммоларни тўлдиришни тақозо қиласди. Тақдим қилинаётган ечимнинг, асослаш ва тавсияларнинг қандай камчиликлари мавжудлигини; улар қандай эътиrozларга учраши мумкинлигини; сизнинг хулоса ва тавсияларнингизга қарши қандай асослар келтирилиши мумкинлигини; сиз олға сурәётган ечимнинг афзаллилигига кимларни ишонтириш лозимлигини; оппонентларни ишонтириш учун айнан нима қилиш зарурлигини ва шу кабилар аниқ тасаввур қилиш керак.

Қайта ишлаш усуллари – ўз ечимнинг, баҳоингиз ва кўрсаткичларингизнинг камчиликларини излаш демакдир. Тадқиқотчининг мақсади – уларни янада реалроқ, янада ишонарлироқ қилиш. Дейлик, ахолининг жамғармаларга мойиллигини, унинг ҳажми ва динамикасини аниқлаш зарур. Статистика берадиган ракамлар етарли даражада обўрули туюлади. Ҳақиқатда шундаймикан? Уларга турли томондан қарашга урининг. Маълумотларни бошка мамлакатлардаги жамғармалар ҳажми билан солиштиринг; даромадларни ҳаражатлар билан тақкосланг; жамғармаларнинг структурасини аниқланг. Бир сўз билан айттанди, охиригача ишланмаган томонларини, ноаниқликларни, муаммоли масалаларни имкон қадар бартараф қилишга урининг.

Ноаниқликларни, зиддиятларни, етарли ишлаб чиқилмаган томонларни аниқлаш танланган муаммо, унинг таркибий унсурларни устидаги тадқиқотий ишдир. У куйидагиларни ўз ичига олади: а) деталларни, айниқса рақам кўрсаткичларини, ҳаволаларни, асослашларни аниқлаш; б) зиддиятларни, охирига етказилмаган томонларни, мос бўлмаган фикрларни излаш; матнни мукамаллаштириш, тузатишлар киритиши, қайтариқларни олиб ташлаш; г) умумлаштиришларни, хулоса ва таклифларни гўзalроқ қилиб ифодалаш.

Диссертациянинг кириш қисмидаги тадқиқотчи муаммонинг долзарблигини асослаш, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларни, обьекти ва предметини белгилаб олиши керак. Тадқиқотни ўтказиши методларини кўрсатиши, мавзуни ишлаб чиқишида муалифнинг кўшган ҳиссасини (ишининг назарий ва амалий аҳамияти) қисқача тавсифлаши, химояга кўйиладиган асосий қоидаларни санаб ўтиши керак.

Шундай қилиб, диссертант мавзуни очиб беришга етиб келади, ўз тадқиқотининг зарур тавсифини беради.

Диссертация малакавий иш экан, мавзуни танлаш лаёқати уни ижтимоий ахамияти нұқтаи назаридан түғри баҳолаши тадқиқотчининг илмий етуклиги ва касбий тайёргарлыгини тавсифлайды.

Мавзунинг долзарблизини кўрсатиш – бу масала бўйича мавжуд тадқиқотлар бўлса ҳам, бу соҳадаги илмий билимлар етарли эмаслиги ёки эскирганлиги ҳақида батафсил хулоса демак. Долзарблизини асослар экан, диссертант таклиф килдиган иш қилинмаган ёки уларда у таклиф килган жиҳат хисобга олинмаган, ёки етарлича очиб берилмаганлиги ҳақида ишончли муроҳаза юритиши керак.

“Кўрилаётган масала комплекс ёки системали ўрганилмаган”, “Бу соҳада илмий тадқиқотлар оз” каби умумий характердаги ифодалар ишонтира олмайди ва фойдасиз.

Мавзунинг долзарблизини баҳолашда мамлакат ёки минтақадаги сиёсий вазиятдан келиб чиқиши керак эмас. “... бозор муносабатлари шароитида янги шароитда” каби таъкидлар билан асослашлар илм кадрини оширмайди. Илмий янгиликни тўғридан тўғри фанга боғлаши керак: ишнинг долзарблизиги умуман илмий муаммонинг долзарблизиги билан белгиланади.

Мавзунинг долзарблизини асослаш қисқа, шу билан бирга тўла, кўп аҳборот берувчи бўлиши керак; муҳими – ахамиятини, муаммонинг янгиликини кўрсатиш.

Ишнинг илмий янгиликни ва амалий ахамияти ҳақида гапирганда илгариги олимлар нима иш қилганлиги, ким бу мавзу бўйича чукурроқ ишлаганлиги аниқ тасвирланиши керак. Муаллифнинг фамилиясини оддий санаш муаммонинг ишланиш даражаси ва диссертант кўшадиган янги ҳолат ҳақида ҳеч қандай тасаввур бермайди. Ишнинг янгиликни, амалий ва назарий ахамияти ҳақида таъкидлаганда ўз ишини “фан ва амалиётта муҳим ҳисса” деб мутлақлаштириб юбормаслиги ёки ўта камтар бўлишдан ҳам қочиш керак.

Ишнинг янгиликини аниқлашда адашиш, манбалардан яхши хабардор эмасликни намоён қилиб кўйиш мумкин.

Янгилик ўзигача мавжуд бўлган қарашлар, талқинлар, тушунишлар билан таққослаганда келиб чиқади. Бошқача айтганда, янгилик илгариги, эскирган нұқтаи назар у ёки бу шаклда келтирилганда якқол кўринади. Ўз нұқтаи назарини намойиш килиш учун энг обўрули замонавий муаллиф ва ишларга тўхтаб ўтиш зарур.

Мавзуга доир барча ишларни эслатиб ўтиш зарурати йўқ, муаммо бўйича оригиниаллиги ва ахамиятига кўра диққатга сазовор ишларни кўрсатиш етарли. Масалан, жаҳон молиявий бозори бекарорлиги жараёнларини ўрганишда Ж.Сароснинг “глобал” бошқаришнинг шакллари ва мутлако янги тенденциялари очиб берилган “Жаҳон капитализмининг инқирози” асарига асосланиш фойдали. Анъанавий қарашларни танқид учун “мамлакатлар ўсишининг тезлиги (темпи) улар иқтисодининг очиклик даражаси билан белгиланади” қоидасида турувчи Ж.Сакс ва Э.Уорнерлернинг нұқтаи назарларини эслатиб ўтса бўлади.

Ишнинг мавзуси ва вазифаларига муносабатда тадқиқотдаги янгилик энг муҳим томондир. Янгилик ишнинг техник томони, арзимас, иккинчи даражали

қисми эмас, илмий билимнинг зарурий ҳаракати, ҳодиса, факт ва қарашларининг янтича талкинидир. Тадқиқотчи мунозара қилганда, мавжуд қарашларни, гипотезаларни аниқлаётганда бу айниқса мухимдир.

“Фойдалы” ва аҳамиятли янгилик муаммоли масалаларга жавоблардан, бу масалаларга жавоб излаш ва топишдан келиб чиқади. Шунинг учун янгиликни ишнинг ўзидан, тадқиқотнинг боришидан келтириб чиқариш керак. Янгилик у ерда “яширинганд”, уни топиш, ажратиб олиш ва максимал даражада аниқ ифодалаш зарур.

Янгиликни етарли даражада ишончли, асосли ифодалаш зарур. Агар, дейлик, пул омилининг инфляция ҳаракати ва ҳажмига таъсири ҳакида гап кетар экан, унда “пул омили” тушунчасини аниқлаш, кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий ишларда янгиликнинг мухим жиҳати ўз ҳисоб-китобларини, тақдослашларини келтиришдир. Аниқланган, таҳрир қилинган кўрсаткичлар, айниқса мустақил қилинган ҳисоб-китоблар тадқиқотнинг аҳамиятини оширади, диссертантнинг илмий саводлилик даражасини намойиш этади. Ўз ҳисоб-китоблари тадқиқотнинг янгилигини яққол ифодалайди.

Ҳакиқат яширинишни севади, иқтисодий ҳакиқат эса мураккаблиги, кўптомонламалилиги ва кўп ҳажмалилиги, стихиявий ва иродавий қарорлар устуворлиги оқибатида уч ҳисса кўпроқ яширинишни севади. Иқтисодиёт фанида фактик маълумотлар ва аҳборотларни умумлаштириш масаласида ахвол яхши эмас. Рақам, факт ва сўзлар кўп, ҳақиқий ҳолатнинг исботланган рақамлар ва фактлар билан тасдиқлануви, ишнинг ҳақиқий ҳолатининг ҳақиқий баҳоси деярли йўқ ёки улар жуда ёмон.

Бундан кўринадики, янги қарорларни излашда, янги натижаларни олиш учун изланишда кичик қадам ҳам фактик маълумот ва аҳборотларни тадқиқотий қайта англашсиз жуда қийин. Статистик ҳисоблар ва ўлчовларга ўз кўнімка ва ёндашувларини аста-секин эгаллаб бериш зарур .

Маълумки, ҳар қандай янгилик ҳам амалий аҳамиятга эга эмас. Фанни янада ривожлантиришга ёрдам берадиган, илмий билимларнинг ўсишини таъминлайдиган тадқиқот жараёнида олинган билимлар ҳакиқатан янгиидир.

Кўпинча илмий янгиликни ҳимояга олиб чиқадиган ҳолатлар билан айнилаштирадилар. Авторефератнинг маҳсус бўлимларида бир нарсани турли сўзлар билан таъкидлайдилар. Диссертация ҳимоясида бу тадқиқот фанга нима янгилик киритди, деган савол албатта тугилади ва ноаниқлик ёки номувофиқлик аниқланса, тадқиқотчи асосий масалада – эришилган натижаларни асослашда ютқазади.

Диссертацион тадқиқотнинг муаллифи унинг илмий янгилигини мустақил аниқлаши, уни аниқ ифодалаши ва асослаши керак. Илмий янгиликни аниқлашда нафақат асосий қоидаларни, балки камроқ аҳамиятли жиҳатларни статистик кўрсаткичларни, анъанавий қарашларни таҳрир қилиш, бошқа методикаларга мурожаат қилганлик, фактларни тизимга солиш, мавжуд концепцияларни танқид) ҳам қайд қилиш мухим.

Иш янгилигининг моҳияти кўпинча “ишлиб чиқилди”, “асосланди”, “очиб берилди”, “аниқланди” каби сўзлар билан ифодаланади. Янгиликнинг

даражаси турлича бўлиши мумкин, лекин янгилик ҳамиша тақдим қилинаётган масалани ечиш методини, усулини масала ечимини шунга ўхшаш мавжуд усуллар билан таққослаганда аникланади.

Тадқиқот амалий натижаларини баён қилиш ҳам муҳим томондир. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти дарҳол аникланмаслиги мумкин, иқтисодий амалиёт ўзгарувчан, лекин олга сурилаётган қоидаларни умумий шаклда эмас, етарли даражада конкрет ва ишончли характерлаш зарур.

Амалий аҳамияти ўтказилган тадқиқот натижалари монографияларда, илмий мақолаларда, ўкув материалларида, бошқа нашрий ишларда тасдиқланиши мумкин. Муаллифлик гувоҳномаси, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, дастурий материалларни ишлаб чиқишида, янги норматив техник ҳужжатлар тайёрлашда улардан фойдаланиш кабилар ҳам ишнинг амалий аҳамиятини тасдиқлаши мумкин.

Фан ва амалиётнинг тури соҳаларида илмий-техник ютуқларни кўллаш бўйича тадбирларни иқтисодий асослашда, диссертацион материаллардан фойдаланиш бўйича тавсияларнинг, ташкилот ва корхоналарнинг амалий фаолиятида нашрларнинг асосланиши ҳам ишнинг амалий аҳамиятига гувоҳ сифатида қаралиши мумкин. Илмий тадқиқот мавзуларини ишлаб чиқишида муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар жуда муҳим.

Нима бўлганда ҳам диссертация – қатъий стандартлашган илмий изланишлар. У биринчи навбатданжод, ақлнинг, тасаввурнинг, фантазиянинг кескинлигини талаб киладиган тадқиқотдир.

Тадқиқотчи иш жараёнида, нима натижага эришган бўлса, ҳаммаси тўғри ифода этилиши зарур. Ёзма баён малакавий характер касб этар екан, у маълум қоида ва анъаналарга мос бажарилмоги лозим. Олиб борилган тадқиқотнинг ифодаси рамкалари ҳар вактда ҳам қатъий, ҳам етарли даражада ўзгарувчан маълум моделга сигиши керак.

Тадқиқотчи унутмаслиги керак: билимнинг барча соҳаларида бир хил кўлланиладиган фаннинг умуммажбурий модели йўқ. Ҳатто конкрет тадқиқот йўналишларида ҳам қатор вариантлар ва ўзига хосликлар мавжуд.

Анча илгари киритилган нормативлар тадқиқотчи олдида кўндаланг бўлади ва асабига тега бошлайди. Формал технологик расмийлаштириш мавжуд ва уларни инкор қилиш керак эмас. Шунингдек, тадқиқотнинг мазмунини формал-бюрократик талабларга тўла, сунъий бўйсундирилиши ҳам ярамайди. У ҳолда диссертациянинг мазмуни формаллашган қоидалар, стандартлар, пунктларнинг мазмунсиз йигиндисидан иборат бўлиб қолади.

Яхши структурага эга ва диккат билан бажарилган диссертация муаллиф малакаси даражасининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ҳатто уни расмийлаштиришда ҳам тадқиқотни намоён қилиш фойдалидир. Грамматик ва стилистик ҳатолар билан бажарилган, боб ва параграфлар номланишининг матнда ва мундарижада мос келмаслиги, манбаларга эҳтиёtsиз таъкидлар, асосий матнда ва авторефератда принципиал ноўрин берилган ҳаволалар, иқтибослар, қоидалар талқинида йўл қўйиб бўлмайдиган тафовутлар ҳамон учраб туради.

Булар гўё фалсафий қоидалардан йироқдай туюлади. Аммо элементар шароитларга, оддий талабларга риоя қилинmasа қандай илмий тушунчалар, тадқиқот натижалари ҳақида, фан тили ҳақида гап бўлиши мумкин? Диссертацияда шрифтни танлаш, титул варагини тўлдиришдан тортиб, кўшимчаларни расмий ифодалаш мухимдир. Иктибос келтириш, чизма, график, диаграммаларни бажариш, барча-барчаси иккинчи даражали, арзимас томонлар эмас.

Диссертацияни расмийлаштириш бўйича барча зарур талабларни маҳсус нашрлардан, справочниклардан топиш мумкин. Расмийлаштириш диссертация устида ишлашнинг алоҳида босқичларидан биридир. Аммо бу якунловчи босқич эмас, билки матннинг ҳар бир сўзини дикқат билан текширишгача узлуксиз, системали ишдир. Адабиётларнинг библиографик рўйхатини якунловчи босқичга қолдириш керак эмас, ишнинг бошланнишиданоқ йўлга кўйиш лозим. Ҳар қандай илмий иш аҳборот манбаларни излаш ва ўрганишдан бошланади. Дастлабки босқичданоқ адабиётлар рўйхатини тўплаш ва тўлдира бориш зарур. Якунловчи босқичда у аниқланади, ортиқчалари қисқартирилади, фойдаланган манбалар қайта текширилади.

Тадқиқотчи – диссертацион ишнинг ягона муаллифи. У оппонентлар билан келишмаслиги, ўз нуктаи назарини ҳимоя қилиши, кўшимча асослар ва исботлар келтириши мумкин. Аммо белгиланган қоидалар ва стандартлар бўйича мунозарага ортиқча вақт сарфлаш ярамайди. Уларни билиш ва уларга амал қилиш керак.

Шундай килиб, расмийлаштириш – тадқиқотчи малакавий ишининг ажралмас кисмидир. Тадқиқотни палапартиш, эҳтиёtsиз расмийлаштириш ўюшқоқсизлик белгиси, илмий тадқиқот ўтказиш методи ва кўнікмаларининг йўқлигидан нишонадир. Агар улар бўлмаса, фан ҳам, керакли натижалар ҳам бўлмайди.

#### **ТЕСТЛАР:**

##### **1. Диссертациянинг монографияядан фарқи нимада?**

- А) факат бир киши томонидан ёзилишида;
- Б) белгиланган қатъий стандартлар асосида ёзилишида;
- В) расмий ҳимояга ва илмий даражага олишга мўлжалланганилигига;
- Г) Тафовути йўқ;
- Д) А,Б,В жавоблар тўғри.

##### **2. Илмий муаммо нима?**

- А) фан олдида турган ҳал қилинмаган масала;
- Б) Илмий йўналишнинг мавзуси;
- В) Илм-фандаги янги мавзу;
- Г) пардокс кўринишидаги масала;
- Д) жавоб йўқ.

##### **3. Куйидагилардан қайси бирин илмий муаммо?**

- А) 2011 йилда Ўзбекистонда инфляция даражаси қандай бўлди?

Б) Ўтган йилда Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасида қандай ютуқларга эришиді?

В) Сўнгти йилларда Ўзбекистонда иқтисодий тараккиёт қандай суръатларда кечди?;

Г) Иқтисодий эҳтиёжлар ўзгаришда қандай тенденциялар намоён бўлмоқда?

Д) Барча жавоблар тўғри.

**4. Илмий тадқиқотнинг обьекти қайси қаторда тўғри ифодаланган?**

А) онгдан ташқарида мавжуд воқелик;

Б) билимимиз йўналган моддий олам;

В) билишимиз йўналган барча нарса;

Г) нарса ҳодисаларнинг субъектга боғлиқ бўлмаган, фанда муаммоли вазият яратадиган жараёнлари мажмуи;

Д) Нарса-ҳодисаларнинг ўрганиш учун субъект томонидан ажратиб олинган конкрет хусусиятлари.

**5. Илмий тадқиқотнинг предмети қайси қаторда тўғри ифодаланган?**

А) онгдан ташқарида мавжуд воқелик;

Б) билимимиз йўналган моддий олам;

В) билишимиз йўналган барча нарса;

Г) нарса ҳодисаларнинг субъектга боғлиқ бўлмаган, фанда муаммоли вазият яратадиган жараёнлари мажмуи;

Д) Нарса-ҳодисаларнинг ўрганиш учун субъект томонидан ажратиб олинган конкрет хусусиятлари.

**6. Магистрлик диссертациясида илмий янгилик бўлиши шартми?**

А) Илмий янгилик бош вазифа эмас;

Б) мавжуд адабиётлардан етарли фойдаланиб, мавзунинг мазмунини чукур очиб бериш кифоя;

В) диссертация – малакавий иш, ягона мақсад – малакани намоён қилиш;

Г) илмий аҳамияти бўлмаса ҳам, амалий тавсиялари, ишлаб чиқариш учун аҳамияти етарли;

Д) Шарт, илмий янгилиги бўлмаган диссертация маъносизdir.

**7. Илмий ишнинг библиографиясини тузиш қайси босқичда бошланади?**

А) Диссертация ёзиб бўлингандан кейин;

Б) Диссертация режаси тузилгандан кейин;

В) Кириш кисмини ёзиш даврида, мавзуга доир ишларни эслатиб ўтиш учун;

Г) Диссертациянинг назарий кисмини ёзгандан кейин;

Д) Дастрлабки босқичда, мавзуни ўрганиш давридаёқ бошланади.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2011.

2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

3. Каримов И. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Каримов И. Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада тукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Бартенов С.А. История и философия экономической науки. Пособие к кандидатскому экзамену. -М.: Магистр, 2008.
7. Дунёвийлик ва ижтимоийлик. Мақолалар тўплами. -Т.: Чўлпон, 2008.
8. Дунёвийлик фалсафаси (мақолалар тўплами). -Т.: ТДИУ, 2007.
9. История и философия экономики. Пособие для аспирантов. -М., 2006.
10. Канке В.А. Философия для экономистов. Учебник. -М.: Омега-л, 2008.
11. Канке В.А. Философия экономической науки. Учебное пособие. -М.: Инфра-М, 2007.
12. Кузин Ф.А. Кандидатская диссертация. Методика написания, правила оформления и порядок защиты. -М., 1998
13. Фокина И. Современная западная философия. (вторая половина XIX века и XX век). Учебное пособие. -М.: Проспект, 2008.

## ХУЛОСА

Ижод, кишиларнинг яратувчилик фаолияти инсон ва жамиятнинг ҳар томонлами камолга эга бўлиши кафолатидир. Фуқаролари эркин, танқидий, тадқиқотий фикрлашга киришган мамлакат ривожи тезлашади, замонавий цивилизациянинг олдинги сафига чиқиб олади, гуллаб яшнайди.

Инсоний тадқиқот шакллари ичida илмий тадқиқотнинг ўзига хос ўрни бор. Илмий тадқиқот жамият ва инсон ҳаётининг барча томонлари билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бундай деб ёзган эди: «Бу мураккаб дунёнинг азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлами асосий илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно – мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган қашфиёт – бу янгича фикр ва дунёкарашга туртки бўлади, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир кўрсатади!»

Хозирги даврда глобал муаммоларнинг кескинлашиб, жамият ҳаёти учун зарур бўлгун табиий ресурсларнинг тугаб бораётганлиги инсониятни ташвишга солмоқда. Айримлар глобал инқирознинг асосий сабабчиси қилиб, илмий тадқиқотни кўрсатмоқдалар. Аммо бу инқироздан илмий тадқиқотдан воз кечиши орқали чиқиб бўлмаслиги ҳам аён. Илмий тадқиқотни янада юксалтириш, эзгу мақсадларга йўналтириш, инсонийлаштириш, гуманитарлаштириш долзарб муаммолардан биридир.

Илмий тадқиқот методологияси ана шу долзарб муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишга йўналган. Илмий ижодий фаолият кўрсатувчи мутахассислар самарали фалсафий методологияларга таянсалар, воқеликка, билиш объектларига онгли равишда ёндашсалар, энг маъкул метод ва усулларни танласалар, янгиларини тадқиқот қиссалар, олдиларига қўйган долзарб, эзгу вазифалари уddaлашлари мумкин.

Илмий тадқиқот методологияси илмий билимларга эришиши билан боғлик барча жараёнларни қамраб олади. Илмий тадқиқотнинг фалсафий принциплари, турли фалсафий ва илмий методологияларнинг моҳияти, илмий билимнинг моҳияти, қонуниятлари, умумфалсафий, умумилмий ва ҳусусий методлари, усуллари, уларнинг ўзаро муносабати ва илмий тадқиқотдаги ўрни масалалари шулар жумласидандир.

Ижодкор учун ҳақиқий илмий муаммоларни ижодий танлай олиш, танқидий кўз билан караш, уни ҳал қилишининг энг самарали методлари ва усулларини танлаш жуда муҳим. Илмий тадқиқот методологияси ана шундай сифатларни тарбиялашга хизмат этади.

Илмий муаммони ижодий ҳал қилиш асосида инсоният эришган умумий маданият, дунёкараш ётади. Шунинг учун ҳар бир тадқиқотчи ўз даврининг маданиятини, дунёкарашини, ахлоқини чукур эгаллаб олган тақдирдагина инсоният тарракиётига хизмат қилувчи ғоялар яратади.

Саифназаров Исмоил,  
Мухтаров Азamat,  
Бобоев Ахмад

## Илмий тадқиқот методологияси

Ўқув-услубий кўлланма

*Муҳаррирлар  
Мирҳидоятова Д.М.  
Мусаҳҳиҳ  
Расулова С.С.*

Босишига руҳсат этилди 27.05.2014. Қоғоз бичими 60x80 1/16  
Шартли босма табоғи 7,0. Адали 50 нусха  
170-сонли буюртма

100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкӯчаси, 49-үй.  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида босилди